



ЎАН ВА ТУРМУШ



ИНҚИЛОБНИ ДАҲОЛАР
ЎЙЛАБ ТОПАДИ,
МУТААССИБЛАР
АМАЛГА ОШИРАДИ,
ҲУЗУР-ҲАЛОВАТИНИ
ЛЎТТИБОЗЛАР КЎРАДИ.

Отто БИСМАРК

ҚАНИ ЎША ПАРТИЯ?

ЎСИМЛИК ҲИМОЯЧИЛАРИ

Ш у йил Урта Осиё Усимликларни ҳимоя қилиш илми тадқиқот илмгоҳи 80 ёшга тулади. Шу давр ичида илмгоҳ қишлоқ ҳўжалиги ривожига мўносиб ҳисса қўшди. Бу ҳақда ойнама саҳифасида махсус мақола берилди.

Унгдаги сўрат Экология ва зараркундаларни олдиндан аниқлаш лабораториясида олинган. Бўлим мудири Фўрқат ҒАФФОРОВ ҳамда катта илми ҳодим Муътабар БЎБОҲОНОВА қишлоқ ҳўжалигига беқиес зарар етказаетган чигирткалар борасида илми текшириш олиб бормоқда.

Бу ерда зараркундаларга қарши биологик усулда кўраш яхши йўлга кўйилган. Сиз кўриб турган баргда оқлашша кўшандаси — энкарсия тасвирланган. Илмгоҳ иссиқхонаси: Боғ ва сабзавот зараркундаларига қарши кўраш лабораторияси мудири Обиджон ЭШМАТОВ ва илми ҳодим Зўҳра САИДОВА тажрибалари маҳсулини мўхокама қилмоқда.

Биология фанлари номзоди Ҳикоят АҒЗАМОВА кичик илми ҳодим Мўхаммадсоли АРСЛОНОВ билан микробиологик перепаратлар самарасини аниқлаб боради.



ЎзФА
ИНСТИТУТЛАРИДА



**Илм олмакка интилиш
ҳар бир муслим ва
муслима учун қарзу фарз
ҲАДИС**



1933 йилдан чиқа
БОШЛАГАН
НОВАБР — 1991

**Таъсисчи
Ўзбекистон
Фанлар
академияси**

БОШ МУҲАРРИР:
Комилжон ЗУФАРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдували АБДУВАҲОБОВ
Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ
Жўра АБДУЛЛАЕВ
Турсун АЗЛАРОВ
Аҳмадали АСҚАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Бўри АҲМЕДОВ
Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ
Наби МАЖИДОВ
Ермуҳаммад МУБОРАКОВ
Муҳаббат ОБИДОВА
Уктам ПРАТОВ
Ҳайдар ПўЛАТОВ
Уткир РАСУЛОВ
Асомиддин РАФИҚОВ
Елқин ТўРАҚУЛОВ
Ҳусниддин УМАРЗОДА
(масъул котиб)
Комил ХОЛМУҲАММАД
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мурод ШАРИФХУЖАЕВ
Мамажон ЭГАМБЕРДИЕВ
Наримон ҲОТАМОВ

БУЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:
Рустам ОБИД
Оқилхон ОДИЛХОН
Саид МУРОД
МУҲАРРИРЛАР:
Маҳфуза АСАДУЛЛА қизи
Рустам БОЙТУРА

**Ассалому алайкум азиз муштарий!
Ойноманинг ушбу сонида**

РУЗИЕВ Н. Қувватни тежаб	2
АЛИМУҲАМЕДОВ С., ҒАФФАРОВ Ф. Наботот шифокорлари	3
ТУЛАГАНОВ Ф. Демократия—мураккаб жараён	4
СЕМЕНЮТА В. Очарчилик	6
КАРИМОВ Н. Чўлпон учун кишан	8
Одамлар суяги ўша вақтда қотган	10
Беҳбудий: «Ҳақ олинур, берилмас»	13
ТУРСУНОВ М. Зухра нега тескари айланади!	14
Башоратга ишонасизми!	16
СОБИРОВ З. Арзоннинг шўрваси татимас	18
Жуна бўлишни хоҳлайсизми!	20
ХАЛИЛОВА Р. Отилмани чангдан тозалаб	22
ЭГАМБЕРДИЕВ А. Зеб ичра зийнат	23
ОБИД Р. Дуонинг кучи	26
ШОМАНСУРОВ Ш. Бош нега оғриди!	28
ДОЛИН А., ПОПОВ Г. Каратэ-до	30

каби мақолаларни ўқийсиз.

Муаллифларнинг мулоҳазалари ойнома муҳарририяти ва таҳририятининг нуқтани назарига ҳар вақт ҳам тўғри келавермаслиги мумкин.


МУҚОВАДА

Ҳозирги ошкоралик ва халқчилик замонамиз тўфайли биз етмиш йиллик тарихимиздаги қора саҳифаларни ва-рақлаш имконига эга бўлдик. Эндиликда ҳеч кимга сир эмаски дохийларимиз, халқларнинг оталари ўз халқи бошига не-не фожеаларни ёғдирмаган экан. Мусаввир Уста Вали ана шу зулматли ўтмишимизни шундай тасаввур этибди.

КЕЛГУСИ СОНДА

● Атоқли шоир, жумҳурият олий кенгаши ошкоралик қўмитасининг раиси Эркин Воҳидов билан дил суҳбати ● Қизиқ, қўлбола зилзила ҳам бўладими ● Буюк олимнинг ажабтовур тақдири ● Бионерго — информатиканинг туморга нима боглиқлиги бор ● Ғаройиб одамлар

ҚУВВАТНИ ТЕЖАБ



Фарбий Олмониядаги бу боғ-уйлар нафақат қувватни тежайди, балки яшаш учун ҳам бағоят қулайдир.

Инсоният маданий тараққиёт йўлида ҳар хил муаммоларга дуч келади. Бугунги кунда улардан асосийлари қувват ва экология муаммоларидир. Зотан, инсоният юзлаб, минглаб асрлар давомида вужудга келган кўмир, газ ва нефть маҳсулотларини жуда катта миқдорда сарфлаб юбораётир. Олимларнинг фикрича, 1980—2005 йиллар мобайнидаёқ шунчалик кўп қувват сарфланадими, у инсоният пайдо бўлганидан бери сарфланган жамики қувват миқдорига тенг экан.

Баъзи ҳисобларга қараганда, одатдаги қувват турлари (кўмир, газ ва нефть) ҳозирги даражада ҳўжасизларча сарфланаверса, атиги 80 йилга етар экан. Бу эса ҳал қилиниши жуда мушкул бўлган муаммони келажак авлод учун қолдириш демакдир. Шу боисдан ҳам ҳозирги вақтда барча мамлакатларда қувватни тежаш ва унинг янги турларини излаб топиш устида бош қотирилмоқда.

Мамлакатимизда 1980 йили қабул қилинган қувват дастурига кўра яқин келажакда ГЭС ва АЭСларда ишлаб чиқарилган қувват ҳисобига 400—500 миллион тонна, ишлаб чиқаришни, нақлиёт ва қувват истеъмолчиларини техник жиҳатдан такомиллаштириш ҳисобига эса 540—580 миллион тонна шартли ёқилғи миқдориди органик ёқилғи турларини тежаш кўзда тутилган.

Органик ёқилғи турларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш зарурлигининг иккинчи асосий сабаби биосферамиз таркибида пайдо бўлган антропоген, яъни техносфера билан боғлиқ омиллардир.

Маълумки, техник фанларнинг илмий объектлари инсониятнинг амалий ҳаётига кўча бошлаган вақтда табиатни асраш ва қувватни иқтисод қилиш муаммолари назардан четда қолди ва оқибатда биосферамиз таркибида юқорида зикр этилган техносфера пайдо бўлди. Техносфера инсон фаолиятининг маҳсули бўлиб, биосферамизга жиддий зарар етказмоқда.

Зеро, органик ёқилғилар ёниши жараёнида атмосферага углерод икки оксиди ва сув буғи ҳамда тўлиқ ёнмаган маҳсулотлар—углерод оксиди, углеводородлар, шу жумладан бензопирен ва ҳар хил механик зарралар ажралиб чиқади. Мисол учун қуввати 2,4 миллион киловатт бўлган битта иссиқлик электр станциясида бир кунда

20 000 тонна кўмир ёқилиб, атмосферага 680 тонна чиқинди—таркибида 1,7 фоиз олтингугурт бўлган углерод икки оксиди, 200 тонна азот оксиди, 120—240 тонна қаттиқ зарра ва ҳоказолар ажралиб чиқади.

Бундан ташқари, кўмир ёнишидан сўнг ҳосил бўлган кулнинг ўзи иссиқлик электр станцияси атрофидаги 2000 гектарга яқин унумдор ерни қоплайди. Ёз вақтида эса бу кўмир кули қурийдими, шамол таъсирида ҳавога кўтарилиб, жуда катта майдондаги ерни ва ҳавони ифлослайди, инсон соғлиғига ва табиатга жиддий зарар етказди.

Демак, одатдаги қувват манбаларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида инсоният ҳам иқтисодий, ҳам экологик муаммоларга дуч келар экан.

Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан бири одатдаги қувват манбаларидан оқилона фойдаланишдир. Аммо бу борада жумҳуриятимизда, қолаверса, мамлакатимизда қурилиш ва меъморчилик соҳасида қилинаётган ишлар кўнгилдагидек деб бўлмайдими.

Агар ишлаб чиқарилаётган шартли ёқилғи турларининг 40 фоизга яқини фақат шу соҳада ишлатилишини назарда тутсак, бу муаммо қанчалик жиддий аҳамиятга эга эканлигини тушуниш мумкин. Масалан, 1985 йили ССЖИ да 3000 миллион Гкал иссиқлик ва 1300 миллиард киловатт электр қуввати ишлаб чиқарилган бўлса, бунга 930 миллион тонна шартли ёқилғи сарф қилинди. Шундан 600 миллион тонна ёқилғи фақат иссиқлик қуввати ишлаб чиқаришга сарфландими.

Бу далиллардан кўриниб турибдики, қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришда, бинолар қуришда, уларни иссиқ ва совуқ сув, қишда иссиқлик, ёзда эса совуқ ҳаво билан таъминлашда жуда катта миқдорда қувват сарф қилинади.

Шу тўғрисида лойиҳалашда мазкур муаммо билан боғлиқ бир қанча янги илмий йўналишлар пайдо бўлди. «Бионоларнинг қувват фаоллигини ошириш» ва «Лойиҳалашда биокавалитет принциплар» уларнинг асосийлари ҳисобланади. Биринчи илмий йўналишда қуйидаги принципларга асосан қувват турларини шунчага тежаб қолиш мумкин: а) лойиҳалашда бионолар ҳажмий режасининг ечимини такомиллаштириш ҳисобига 5—8 фоиз; б) ишлатилаётган иситиш ва совитиш мажмуаларини ҳамда бионоларни қайта тиклаш ҳисобига 10—15 фоиз; в) автомат тарздаги иссиқлик, совуқлик ва электр қувватини узатиш усулларини жорий қилиш ҳисобига 20—30 фоиз; г) бионоларни иситиш ва совуқ ҳаво билан таъминлашда қуёш радиациясидан, шамол ва ер ости қувватларидан фойдаланиш ҳисобига 14—17 фоиз; д) норматив ҳужжатларини ҳамда назарий ва амалий ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ҳисобига 6—8 фоиз; е) одамларда қувватни иқтисод қилиш маданиятини ошириш ҳисобига 6—8 фоиз.

Биз ўтказган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, жумҳуриятимизда қурилган уйларнинг кўпчилиги ҳудудимиз иқлим шароитини ҳамда миллий ва демографик хусусиятларни ҳисобга олмай лойиҳалаштирилган. Яъни аҳоли яшайдиган уйларнинг ҳажмий режаси, ёпма конструкцияларнинг ечими ҳамда бионоларнинг қуёшга ва асосий шамол йўналишига нисбатан тутган ўрни кўп ҳолларда нотўғри лойиҳалаштирилган.

Бундан ташқари, темир-бетон конструкциялар заводларида ва уйсозлик комбинатларида тайёрланаётган ёпма конструкцияларнинг иссиқлик техникасига оид хоссалари етарлича назорат қилинмайди. Баъзи ҳолларда эса конструкцияларнинг бу хоссаларига умуман эътибор берилмайди. Бунинг оқибатида қишда 45—50 фоиз иссиқлик бионининг фақат ёпма конструкциялари орқали ташқарига чиқса, ёзда 50—55 фоиз иссиқлик ташқаридан ичкарига киради. Натижада хонада инсон яшаши учун ноқулай шароит вужудга келади.

Агар ёзда хонани салқин ҳаво билан таъминлаш учун

НАБОТТОТ ШИФОКОРЛАРИ

1911 йили Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи Туркистон энтомология станцияси ташкил этилган эди. Қишлоқ хўжалиқ экинлари ҳашаротлардан катта зарар кўраётганлиги сабабли чор ҳукумати ушбу станцияни очишга мажбур бўлган. Дастлаб бор-йўғи уч нафар ходими бўлган ушбу даргоҳ машаққатли тарихий йўлни босиб ўтди.

Илмгоҳ айна вақтда ўзининг 80 йиллигини нишонламоқда. Эндиликда 300 га яқин киши хизмат қилаётган илмий марказ ва жойлардаги 790 та биолаборатория, 530 та биофабрика муҳим вазифаларни амалга оширмоқда. Илмгоҳ АҚШ, Англия, Франция, Япония, Швейцария, Олмония фирмалари билан доимий мулоқотда. Жаммоа зиммасига экинларни зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқиш юклатилган. Бу вазифа икки йўналишда — кимёвий ва биологик кураш йўли билан бажарилмоқда. Жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кимёвий воситалар асосан шу илмгоҳда синовдан ўтади.

Экинларни хусусан, ғўзани ҳимоя қилишда қишлоқ хўжалиқ фанлари номзоди Ш. Хўжаев бошчилик қилаётган кимё-токсикология лабораторияси анчайин муваффақиятларга эришди.

Вилт ўсимликлар учун янги касаллик эмас, албатта, уни ўрганишга 1914 йилдан киришилган. Илмгоҳда ҳозир-



да ёш олим Х. Каримов раҳбарлигида махсус вилт бўлими ташкил этилган.

Вилтга қарши кимёвий ва биологик усулда курашилмоқда. Албатта, энг маъқули — биологик усул. Бунинг учун эса триходерма замбуруғини кўпайтириш керак, улар вилт замбуруғлари ҳисобига яшаб асли табиатда, тупроқда бор, аммо у жуда оз миқдорда, шунинг учун уларни лаборатория шароитида кўпайтиришга тўғри келади.

Зарарли ҳашаротларга қарши биологик усулда кураш — илмгоҳ фаолиятидаги бош масала. Бу усулда фойдаланиладиган ҳашаротлар ўта митти, аранг кўзга илинади, баъзилари ҳатто

кўринмайди ҳам. Мисол учун 60—70 минг трихограмманинг оғирлиги атиги 1 грамм. Ўзи кичкина-ю каромати зўр, халқимиз унга «хонқизи», «олтинкўз» каби ажойиб номлар берган.

Кўсак қурти, ўргимчаккана, ўсимлик бити, карадринна, ширага ўхшаш зараркунанда ҳашарот кушандалари шу илмгоҳ лабораторияларида кўпайтирилади. Жумладан, илмий ходим Зоҳид Одилов Ўзбекистонда хонқизининг 35 турини топди ва бу билан фанимиз ютуқларини бойита олди.

Кимёвий дорилар зарари йилдан йилга яққолроқ сезиляпти. Шу туфайли бўлса керак, биоусулга ишонч, талаб тобора ортиб бормоқда. Заҳарли, кимёвий дорилардан атроф-муҳитни, табиатни асраш ҳамда унга сарфланадиган маблағни тежаб қолиш билан илмгоҳ ходимлари жиддий, амалий ишни рўёбга чиқармоқда. Илмгоҳ ўзининг 80 йиллик фаолияти давомида жонажон юртимиз, унинг табиати, халқ саломатлиги йўлида узоқ даврга мўлжалланган ишларни амалга оширди ва оширмоқда.

Султон АЛИМУҲАМЕДОВ,

Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмгоҳи директори, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг муҳбир аъзоси.

Фурқат ҒАФФОРОВ,

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

сарфланадиган қувват миқдори шу хонани қишда иситиш учун сарфланадиган қувват миқдорига нисбатан 2—3 баробар кўп эканлигини назарда тутсак, жумҳуриятимизда қанчалик кўп миқдорда қувват беҳуда сарфланишини аниқлашимиз мумкин.

Қувватни иқтисод қилиш билан боғлиқ иккинчи илмий йўналиш принциплари асосан кейинги йилларда Ғарбий Оврупода, жумладан, Ғарбий Олмония, Фарангистон, Швейцария ва бошқа мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Бу йўналишнинг моҳияти шундан иборатки, бино олдида қишки боғлар, бино томлари устида ҳамда балкон ва ётоқхоналарда ўсимликлар ўстириш мақсадида махсус конструктив унсурлар лойиҳалаштирилади. Мисол учун, биоквалитет принциплари асосида лойиҳаланган бино томларининг функционал мўлжали қуйидагилардан иборат бўлади.

Маълумки, ўсимликлар қуёш нури таъсирида ўзидан намлик чиқариши орқали атроф-муҳит ҳароратининг пайсалишига сабаб бўлади. Шу қонуниятга асосланган ҳолда: а) биоквалитет унсурлар бино атрофида табиий иқлимни бошқаради, яъни ёзда салқинликни, қишда эса иссиқликни таъминлайди; б) хоналарни совуқ ҳаво билан таъминлаш ва иситиш учун сарфланадиган қувват миқдорининг камайишига олиб келади; в) кўча шовқинидан, шамолдан бинони муҳофаза қилади; г) хонада ва атроф-муҳитда ҳавони тозалаб, кислород миқдорини кўпайтириб туради; д) канализация қувурларини ёғингарчилик вақтидаги ортиқча сувлардан тозалайди; е) бинонинг конструктив унсурлари орасидаги чокларни беркитади; ё) ин-

сон яшаши учун қулай шароит яратади ва эстетик завқ бағишлайди.

Бу лойиҳалаш негизлари қувватни тежаш ва юқорида қайд этилган қулайликларни яратиши баробарида меъморчилик билан табиатни мумкин қадар бир-бирига яқинлаштириш имконини ҳосил қилади ва ҳудудимиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ўзбеклар ҳаёти азалдан она ер, она табиат тушунчалари билан чамбарчас боғланиб келган. Халқимиз бир парча ердан ҳам табиат манзараларини ярата олган.

Афсуски, бугунги кунда халқимизнинг бу азалий ҳис-туйғулари билан боғлиқ лойиҳалаш қоидалари эътибордан четда қолмоқда. Фикримизча, бунинг асосий сабабларидан бири лойиҳалашда жаҳон илмий-техник тараққиёти ютуқларининг кам қўлланилиши бўлса, иккинчиси, илмгоҳларда маҳаллий миллат вакиллари камчилиги ташкил этиши ва учинчиси, юқорида зикр этилганидек, ҳудуднинг миллий ва демографик хусусиятларини ҳисобга олмасликдир.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида биз бугунги кунда лойиҳалашда мавжуд муаммоларни талқин этишда баъзи умумий мулоҳазалар билан чекландик. Аслини олганда бу муаммо ва мулоҳазалар жуда мураккаб, жиддий тушунчалар бўлиб, уларни дифференциация принципларига таянган ҳолда асосли ўрганиб чиқиш зарур.

Неъмат РУЗИЕВ,

техника фанлари номзоди,

Тошкент Меъморчилик

ва қурилиш олий билимгоҳининг доценти.

ДЕМОКРАТИЯ—МУРАККАБ ЖАРАЁН

Жумхуриятимиз олдида турган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш йўлидаги жиддий ва масъулиятли босқичда турибмиз. Қанчалик оғир бўлмасин, улар ечимини топишдан ўзга йўл йўқлиги тобора равшан бўлиб бораётир. Мамлакат ва жумхурият парламентларида жамиятни демократиялаштириш тўғрисида қимматли фикрлар ўртага ташланмоқда. Бу борада жумхуриятларда белгилан-

ган вазифалар амалга оширилмоқда. Бизнинг матбуотда бу мавзу қанчалик ёритилаётганининг гувоҳисиз. «Фан ва турмуш» муштарийларидан келаётган мактубларда ҳам демократия тушунчаси ҳақида кенгроқ маълумот бериш сўралганки, қуйидаги мақолани ёритиш билан демократия ва жамиятимизни демократиялаштириш борасида аниқ таклиф-мулоҳазаларини бериб бориш ниятидамиз.

ДЕМОКРАТИЯ — кишилиқ цивилизациясининг буюк ютуқларидан бири. Цивилизациянинг бу маҳсули ҳали ўзининг имкониятларини тўла очганича йўқ. Демократиянинг қиммати, ноёблиги, қудрати шундаки, — у инсоннинг озод, эркин яшашини, ҳаётини фаоллигини оширади ва унга ўз қобилияти, имкониятини юзага чиқаришда кўмаклашади. Демак, у айрим бир шахс учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдалидир. Демократия зolimлик, инсонга зўравонлик кўрсатадиган тоталитар ҳокимиятнинг антонисти бўлиб, диктатура ва қонунни суиистеъмол қилишни инкор этади.

«Бу сўз грекча «демос» — халқ ва «кратос» — ҳокимият сўзларидан ташкил топган бўлиб, «халқ ҳокимияти» деган тушунчани беради. Демократиянинг фалсафий негизи шахснинг социал-сиёсий қимматга эга бўлган эркинлик ва тенглигининг ўзаро нисбатидир, у ҳуқуқий давлатнинг тегишли демократик институтларида ўзининг аниқ ифодасини топади. Давлатнинг вакиллик органи бўлган парламент бу институтларнинг энг муҳими бўлиб, у олий ҳокимиятга эгадир. Лекин олий ҳокимият ҳам демократик жамиятда ўзининг маълум бир чегарасига эга бўлади, яъни бу ҳокимият шахс ҳаёти ва эркинига тааллуқли инкор этиб бўлмайдиган ҳуқуқларига тарқалмайди. Демократия ҳуқуқий давлатдагина мавжуд бўла олишини юқорида таъкидлаб ўтдик. Ўз навбатида ҳуқуқий давлатда ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти турларига бўлинади. Улар фуқаролар демократик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Муҳими — бу институтларнинг амалда мавжуд бўлиб, ўзига юкланган вазифани амалга ошира олишидир. Бу нарса бизда жуда катта қийинчилик билан кечмоқда. Илгари бу институтлар бизда декорация учун эди, деса ҳам бўлади. Ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи билан марксча-ленинча таълимот умуман келиша олмайди. Аксинча совет давлатида аслида коммунистик партиянинг бир ўзи ҳар уччала ҳокимиятни ифодалаб келди. Бир партия диктатураси ўрнатилган жамиятда ҳокимиятнинг демократик бўлиниши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Конституциянинг машъум 6-моддаси бекор қилиниши билан ҳокимиятнинг партиядан давлат органлари ихтиёрига ўтиши жараёни бошланди. Лекин жумхуриятда бу борада етарли силжиш кўзга ташланмаяганини ҳар биримиз кўриб турибмиз. Узоқ йиллар мобайнида партия ҳокимиятни очикдан-очиқ суиистеъмол қилиб келди, холос. Компартия — ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи ва ўзига хос тарзда суд ҳокимияти сифатида ўзини намоён этди. Ҳал қилувчи сўз унгагина тегишли ҳисобланди.

Баъзилар ўйлаганидек, демократия — бу, давлат ҳокимияти шакли эмас. Расмий ҳокимият органларининг бўлиниши ёки кўп мандатли сайловнинг расмий жорий қилиниши ҳам ҳали демократия дегани эмас. Демократия кўпроқ сиёсий тузум, ҳолат сифатида ўзини намоён қилади. Халқ ўз ҳокимиятини давлатнинг республика шакли орқали амалга оширади. Шу билан бирга демократик тузумли жамиятда фуқаролар ҳуқуқларини расмий ҳокимият органларидан ташқари, жамоат ва сиёсий ташкилотлар ҳам ҳимоя қилади. Яқин вақтгача бизда эркин



жамоат ташкилотлари умуман йўқ эди. Компартия, касаба уюшмалари сингари «жамоат ташкилотлари» эса аслида давлат қошида тузилган бўлиб, давлат тузилмасига айланиб қолганди. Ҳатто диний, хайрия ташкилотлари ҳам шу кўринишда тузилган эди. Ихтиёрий эркин жамоат ташкилотлари энди-энди «атак-чечак» қилмоқда. Жамоат ташкилотлари давлат билан жамиятнинг турли қатламлари ўртасида воситачи, кўприк бўлиб хизмат этиши керак, фуқароларнинг эркин ташаббус кўрсатишдек инкор этиб бўлмас ҳуқуқини таъминлаши лозим. Маълумки, тузумимиз жаҳондаги энг халқчил, демократик тузум деб эълон қилинган эди. Бугунги кунда ССЖИ, Ўзбекистонда ҳам турли демократик номланган партиялар, уюшмалар тузилмоқда. Лекин фуқароларимиз шунинг ёдда тутишлари керакки, демократик деган номнинг ўзи ҳали демократия дегани эмас. ССЖИ ни — суверен давлатлар иттифоқини юзга яқин губернияга бўлиб ташлашни истаган Жириновскийнинг партияси ҳам либерал-демократик партия деб аталишини эслаш кифоя. Демак, қуруқ номнинг ўзи камлик қилади, партиянинг фаолиятдан, демократик



принципларга амал қилишига қараб ҳам унинг қанчалик демократик эканлигига баҳо берилади. Социалистик лагерга кирган собиқ тоталитар давлатлардан кўпининг номида ҳам демократик деган сўз бор эди, лекин улардаги тузумни демократик деб бўлмас эди.

Хоҳлаймизми-йўқми, тан олиш керакки, демократия бўлмаган жойда, у қандай аталишидан қатъи назар, диктатурагина мавжуд бўлади.

Демократия — бундай қараганда чиройли сўз, ҳамма демократия тарафдоридек. Лекин билибми-билмай демократия тушунчасини сунистеъ мол қилаётганлар ҳали ҳам оз эмас. У қуруқ сўз бўлиб қолаверса, сийқаланиб, обрў-сизланади деб умид қилганлар ҳам бор. Лекин ҳозир сўзда демократия деб, амалда унга ҳужумлар қилиняпти ҳам: демократия умуман яхши нарса, лекин у бизнинг ҳозирги шароитимизга тўғри келармикан, миллий ва диний одатларимизга-чи, биз учун эрта эмасмикан, деб «жонкуярлик» қилишмоқда. Бошқа бировларга бу гаплар асослидек кўринади. Улар қуйидаги сўзларни унутмаслиги лозим:

— демократия фақат айрим миллатларга тааллуқли эмас, балки умуминсоний, дунёвий тушунчадир;

— демократия диктатура тузумларидан фарқли равишда динни таъқиб этмайди, аксинча у билан мос келади. Инсон учун фойдали барча нарсаларни ёқлайдиган ислом динини инсоният асрлар мобайнида эришган неъмат — демократияга қарши қўйиш нотўғри, диний маросимларга қарши қўйишга уриниш ҳам асоссиздир.

Палопон учишга ўрганмаса, ҳеч қачон уча олмаганидек, демократияга ҳозирдан ўрганмасак, у «кунлардан бирида» ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Демократияни вақтинчалик ҳол деганлар унинг ўрнига нимани таклиф этмоқчи! Аввало, демократиядан бўлак фақат турли шаклдаги авторитар диктатура тузумлари бор, ҳолос. Бундан бошқаси маълум эмас. Демократик принциплардан воз кечиш учун ҳеч қандай ваз-қорсон асос бўлмайди. Демократия ҳар қандай жамиятда ҳам аста-секин, куртақдан униб чиқади. Демак, ҳали одамлар демократияга тайёр эмас деган гаплар мутлақо асосланмаган.

Ўз навбатида, кишиларимиз ҳам демократияга ўрганишлари керак. Бу, айниқса, сиёсатчиларимизга тааллуқли, улар ҳақиқий сиёсат юргизиш санъатини эгаллашлари, тоқат билан тинглаш ва сўзлашни, рақибни ҳурмат қилишни ўрганишлари зарур. Сиёсатчилар кўпчилик фикрини ҳам, озчилик фикрини ҳам ҳурматлаши, компромис, яъни келишув воситасида консенсусга эришишни ўрганиши зарурдир. Афсуски, сиёсий арбобларга жуда камбағалмиз. Етук сиёсатчилар давлат органларида ҳам, норасмий ташкилотларда ҳам камчил. Айниқса парламентда бу ҳол яққол кўринади. Зиёлиларимизнинг қирғин қилингани, маданиятнинг таназзулга учрагани ҳам бу соҳада ўз изини қолдирган.

«Ҳозирги пайтда гап-сўз эмас, конкрет ҳаракатлар керак, ортиқча баҳс-мунозарага ҳожат йўқ» дейди баъзилар. Лекин шу ишни нимадандир ва қандайдир қилиб бошлаш, энг маъқул йўлни аниқлаб олиш керак-ку! Бу эса ҳар томонлама муҳокамани талаб қилади. Парламентда ҳам, бошқа жойларда ҳам, қанча вақтни олмасин, демократик процедураларга риоя қилиниши зарур. Демократия ва шошқалоқлик, тоқатсизлик чиқишмайди. Айниқса тоқатсизлик демократик тартибларни четлаб ўтишга, бебошликка, ўзбошимчаликка олиб боради.

Менимча, демократия Ўзбекистонда алоҳида ривожланаётган учинчи дунё мамлакатларига қараганда тезроқ юзага чиқиши мумкин. Чунки демократия мустақилликка интилаётган Ўзбекистон республикаси учун миллионлаб фуқаролар иродасини ифодалашга ёрдам беради. Демак, демократик тузум Ўзбекистонни мустақилликка тезроқ ва осонроқ олиб боради, метрополия жиловидан тезроқ қутилишга ёрдам беради. Демократия биз учун катта умидлар манбаи экан, у сўзсиз кўпчилик ихлосига сазовор бўлади. Шунда меҳнатимиз ва миллий бойликларимиз самарасидан тезроқ баҳраманд бўламиз. Бироқ демократияга олиб борадиган йўл биз учун машаққатлироқ кечади. Жумҳуриятимиз йўл бошида турибди.

Ҳозир дастлабки партиялар тузилган. Бу партиялар ўз фаолликлари орқалигина эътибор қозониши мумкин. Бироқ бизда ҳозирча парламент типидagi партиялар йўқ. Мавжуд партиялар эволюция натижасида охир-оқибатда парламент типидagi партияга айланади. Рақобат шунга олиб келиши керак. Мана, ҳозир парламентда сиёсий маданият етишмайди деб ҳақли равишда танқид қилиняпти. Бўлажак депутатлар бу маданиятга партияларда ўрганишлари мумкин ва лозим. Бунинг учун партияларда парламентар муҳит бўлиши зарур, у депутат учун бир мактаб вазифасини бажариши керак.

Ҳуқуқий жамият қуришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган уюшмалар, партиялар ҳуқуқийликни, парламентаризмни биринчи галда ўз ички фаолиятларида вужудга келтиришлари зарур. Бу бир томондан бешқалар учун бир ўрнатилган вазифасини ўтаса, бошқа томондан ҳуқуқий жамият тарафдорларини жалб қилувчи жуда кучли бир омил бўлади. Бу ниҳоятда муҳим ва қимматли, шунга яраша машаққатли юмушдир. Лекин бусиз қолган ҳаммаси қуруқ гап бўлиб қолади. Демократлар ҳуқуқий ва демократик парламентчилик принципларидан ютқазмиш хавфи остида ҳам воз кечмасликлари керак. Улар шу принциплар амал қилинишига эришиб мағлубиятга учрасалар ҳам, аслида бу уларнинг ғалабаси бўлади. Мақсад қанчалик юксак бўлмасин, у ҳар қандай воситани ҳам оқлай олмайди. Нобоб воситалар яхши мақсаднинг ўзини ҳам йўққа чиқаради ва, охири, боши берк кўчага олиб келади. Жамиятимиз мисолида бунинг гувоҳи бўлдик. Асосийси: бу принциплар ҳаётий бўлиб, яшаб кетолса, демократлар барибир охир-оқибатда ғалаба қиладилар.

Ҳозир кенг платформадаги, миллий-демократик йўналишдаги партия тузилмоқда. У республикачилар партияси деб аталади.

Янги тузиладиган республикачилар партияси демократик парламентаризм асосида иш олиб боради. Ҳуқуқийлик, барча томонлар, партиялар, давлат, жамоат ташкилотлари билан мулоқотдан қочмайди, аксинча уларни мулоқотга чорлайди, конструктив сиёсатни илгари суради. Ўзини халқдан, жамиятдан юқори қўймайди, аксинча жамиятнинг, халқ ҳаракатининг бир қисми деб билади. Ҳуқуқий асосда барча демократик, ватанпарвар кучларни уюштиришга ҳаракат қилади ва унда ўзига яраша ўрнатилган кўрсаткич, муносиб ўрин олишга интилади.

Республикачилар партияси барча халқ ҳаракатлари ва партияларни, давлат аппаратидаги соғлом кучларни, зиёлиларни ҳамкорликка чорлайди, «думалоқ стол» атрофига конструктив сиёсат юритиш учун таклиф қилади. Шундай инқирозли даврда мурасасиз демагогиядан воз кечишга чақиради. Тарихимизда майда бекликларга бўлиниш юртимизни жуда оғир фожеага олиб келганди. Наҳотки тушунарли бўлмаса!! Бўлиб ўтган давлат тўнтариши Ўзбекистондаги барча демократик, ватанпарвар кучларнинг уюшиши кераклигини яна бир бор тасдиқлади.

Бу тўнтариш республикамиздаги ночор вазиятни яққол кўрсатди. Бизга партиялар, ҳаракатлар ва давлат ташкилотлари ўртасида мурасасизлик, даҳанаки жанглар эмас, балки конструктив, холис танқидга асосланган сиёсат керак. Жамиятимизга душманлик эмас, бирдамлик зарур. Барча илғор, соғлом фикрли кишиларни «Ўзбекистон демократик республика форуми» думалоқ столига уюшиши таклиф қиламан. Ана шунда мустақил, фаровон, озод Ўзбекистон республикасига кучли замин яратилади. Тақдиримиз ўз қўлимизда!

Фаррух ТУЛАГАНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг
ҳамтадқиқотчиси.

ОЧАРЧИЛИК

ЕХУД ТУРКИСТОН ФОЖЕАЛАРИДАН БИР ЛАВҲА

БИЗ ҲОЗИР ШУНДАЙ ПАЙТГА ЕТИБ КЕЛДИККИ, ҲАР КУНИ УН МИНГЛАБ КИШИЛАР ҚИРИЛИБ КЕТМОҚДА ВА ШУНДАЙ ПАЙТ КЕЛИШИ МУМКИНКИ, БУТУН БИР МИЛЛАТ ИҶҚ БУЛИБ КЕТАДИ.

Турор РИСКУЛОВ

Ҳар бир миллатнинг ўз ўтмишига қизиқиши беҳад кучайган ҳозирги кунда тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини қайта кашф этаётирмиз. Марказий матбуот саҳифаларида Волга бўйида 20-йиллар бошида ва Украина ҳамда Қозоғистонда 30-йиллар бошида уюштирилган очарчилик фожеаларига онд даҳшатли маълумотлар кўп марта берилди. Бироқ 1917—1919 йилларда Туркистонни қамраб олган очарчиликнинг оғир оқибатлари ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз, яқин-яқинларгача бу фожеа тез ва муваффақиятли ҳал этилган, деб ҳисобланди.

Аслида-чи! Уша даврда эълон қилинган статистика тўпламлари, архив манбалари, давлат арбоблари ҳамда тарихчи олимларнинг асарларини синчиклаб ўрганиб чиқиб, бу фожеа кўлами жиҳатидан юқорида айтилган ҳудудлардагидан қолишмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Бироқ, улардан фарқли ўлароқ, бизда халқаро ташкилотлар ёрдами ҳам уюштирилмаган, озиқ-овқат билан бир қадар таъминланган жойларга аҳоли кўчирилмаган ҳам.

Очарчилик сабаби нималарда эди! 1917 йилги Октябрь тўнтаришига қадар Туркистонга ўз ғалласи етишмас эди. Утган аср охирлари — асримиз бошларида ўлкада боғ-роғ, ғалла, полиз ва бошқа экин майдонларининг узлуксиз қисқариши ҳисобига пахта яққаҳоқимлиги кучайиб борди. 1915 йилда тайёрланадиган барча пахта хомашёсининг бешдан уч қисми Фарғона вилоятига тўғри келарди. Бу ерда жами сугориладиган майдонларнинг 60—80 фоизда, айрим бўлисларда эса 95 фоизда пахта етиштириларди. Самарқанд ва Еттисув вилоятларида зарур ғалланинг бир қисми экиларди, холос. Туркистоннинг тўқимачилик саноати марказлари ва дон-дун етиштириладиган губерниялардан узоклиги ғалла ташиб келтиришни қимматлаштиради, пахта нархини эса арзон қилиб юборарди. Собиқ совет давлатининг таниқли арбобларидан бўлган Турор Рисқулов шундай ёзган эди: «Туркистондаги очарчилик чоризм эксплуататорлик фаолияти қолдирган мерос ва маҳаллий хўжалик юритиш шакллариининг қоқоқлиги туфайлидир». Бироқ очарчилик фақат чоризм туфайли эмас эди, большевиклар сиёсати ҳам бунга яхшигина «ҳисса» қўшган.

Ҳаммасини бир бошидан бошлайлик. Биринчи жаҳон уруши Русиянинг озиқ-овқат билан таъминлаш аҳволини кескин ёмонлаштиради. 1916 йил охирларидан Туркистонга ғалла юбориш қисқарди. 1917 йил апрелида бутун мамлакатда очарчилик бошланди. Августда маҳаллий озиқ-овқат қўмиталари Вақтли ҳукуматни «очарчилик билан курашишга куч йўқ» мазмундаги телеграммаларга кўмиб юборди. Бунинг устига 1917 йил ёзида Туркистонда қурғоқчилик бўлди, бу ҳол келгуси йили ҳам такрорланди. 1917 йили ҳосилнинг атиги чорак қисми олинди. Дон маҳсулотлари экиш бағоят қисқариб кетди [1916 йил кўзғолонининг давом этгани, эркакларнинг мардикорликка олиниши, деҳқон хўжалигининг умумий инқирози бунга сабаб бўлди]. Лалмикор ерлар яроқсиз ҳолга келди. Масалан, 1917 йилнинг кузида Самарқанд уездидаги Чашмаиоб бўлисида аҳоли бедадан тайёрланган ёвғон билан озиқланган.

Бир неча ўн йиллар четдан ғалла олган туркистонликлар, Русия билан иқтисодий алоқалар тўлиқ узилганига қарамай, ўз аҳволини тезда ўнглай олмади, бироқ секин-аста пахта майдонини қисқартириб бугдой, шол, жўхори, тарих етиштира бошладилар. Бу ҳол Туркистон аҳолиси умумий фаровонлигини пасайтирди, чунки, алмаштиришга

пахта қолмади ва озиқ-овқат масаласи ҳам ҳал бўлмади. Кўпчилик деҳқон, чорикор ва мардикорлар, шаҳарликлар, ҳарбийлар келтириладиган ғалласиз яшай олмас эди.

Совет ҳокимиятининг иқтисодий сиёсат бобидаги хатолари ўлганининг устига тепган бўлди. 1918 йил 28 февралда Туркистон ХКС раиси, большевик Ф. Колесовнинг пахтани одамлардан очикдан-очик мусодара этиш ҳақидаги декрети эълон қилинди. Жойларда маҳаллий ҳокимиятнинг ўзбошимчалиги, жабр-зулми, шахсий «ҳисоб-китоб» қилишлар авж олди. Бундан ташқари, 5 март куни пахтамой саноати корхоналарини национализация қилиш, яъни хусусий мулкни давлат мулкига ўтказиш ҳақида декрет эълон қилинди. Қисқа муддатда бундай корхоналардан 274 таси эгаларидан тортиб олинди. Илгари четдан келтирилган энг яхши сифатли ғалладан 3 баравар қиммат турган пахта энди белгиланган қатъий нархидан анча қадрсизланди; ғалланинг нархи осмонга чиқиб кетди. Туркистон аҳолисининг тақдири бир неча кун ичида ҳал бўлди қўйди.

Пахтани мусодара этиш ҳақидаги декрет «Фарғона узра момақалдироқ каби гумбурлади», деб ёзганди ҳарбий тарихчи Д. Зуев. Унинг таъкидлашича, босмачилик деб аталадиган ҳаракат шу пайтдан пайдо бўлди, деҳқонлар, аравакашлар, юкчилар ва бу каби юз минглаб кишилар ишсиз қолди. Уша йиллардаги турли сиёсий қарашлар эгалари, социал-иқтисодий бұхронларни кўрган кўпчилик кишилар шу фикрга қўшилишади. Уларнинг таъкидлашича, ўша даврдаги ҳукумат раҳбарлари босмачилик ҳаракатининг чуқур иқтисодий сабабларини дастлабки пайтда тушуниб етмадилар.

Қурғоқчилик фақат деҳқончиликка эмас, шунингдек чорвачиликка ҳам кучли зарба берди, бундан илгари эса чорва моллари қўшин учун сафарбар қилинган эди. 1917—1918 йиллари суронли келган қишда минг-минглаб мол қирилиб кетди. Самарқанд вилоятидаги кўчманчи аҳоли яшайдиган жойларда чорва моллари 73 фоизга камайди. Туркесубликада 1920 йилга келиб, 1917 йилга қараганда чорва моллари икки баравар камайиб кетди, ўзига тўқ хўжаликлардагина омон қолди. Қуруқчина қилиб ёзилган бу статистика ҳисоботларига назар ташлагандаёқ, 1917 йилги «дунёни титратган инқилоб» [биз уни ҳар йили 7 ноябрда байрам қилиб келдик] миллионлаб оддий одамлар учун қанчалик кулфат, азоб-уқубатлар келтирганини яққол кўрамиз.

Туркистонда мисли кўрилмаган очарчилик туфайли даҳшатли ўлат, терлама, цинг (яъни зангила) касалликлари оммавий тарқалди. Оч кишилардан иборат оломон нон сўраб озиқ-овқат қўмитаси биносини ўраб олади. Озиқ-овқат комиссарининг марказга йўллаган телеграммаларида айтилишича, бутун ўлкада аҳвол жуда жиддий, Туркистон «ҳалокат ёқасида турибди». 1918 йил январиде ўлка озиқ-овқат сьезиде вилоятлардан келган вакилларнинг айтишича, «аҳолининг асаби жуда таранглашган. Ҳалитдан даҳшатли очарчилик исёнлари бошланмоқда».

Гражданлар уруши бошланиши билан аҳвол бундан ҳам оғирлашди. Кўпгина туманлардан очликдан ўлаётган одамлар ҳақида хабарлар кела бошлади. Ҳаммадан кўра маҳаллий миллатлар кўп жабр чекди. Г. Сафаров ўзининг «Колониальная революция» китобида ёзишича, «ўзи шусиз ҳам камбағал бўлган мусулмонларни очарчилик бундан ҳам кучлироқ гирибонидан олди».

Очарчиликдан ҳалок бўлганларнинг аниқ ҳисоб-китоби йўқ. Ҳарбий ҳаракатлар ва транспорт алоқалари узилган шароитда аниқ ҳисоб юритиш ҳақида сўз бўлиши мумкинмиди! Буни фақат статистика маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилишимиз мумкин: Туркесублика аҳолиси 1917—1920 йиллар оралиғида 1 миллион кишига — бешдан бир қисмига қисқарган! Ҳаммадан кўп меҳнатга лаёқатли эркаклар қирилиб кетган. Кўчманчи аҳоли кўпроқ яшайди-

ган Еттисув, Сирдарё, қисман Самарқанд вилоятларида анчагина одам очликдан ўлди.

Самарқанд вилоятининг Жиззах уезида 1916 йилги қўзғолондан буён оғир аҳвол ҳукм сурарди. Маълумотларга кўра, 1917—1918 йилги қаҳратон қиш пайти «бу ерда аҳоли пашша каби қирилиб кетган... мурдаларни йиғиштириб олишга одам йўқ эди, уларнинг ит ва чиябўрилардан ортган қолдиқлари ҳар қадамда учрар, бу бечораларнинг суюклари 1919 йилдагина тугал йиғиштириб олинди». Атрофда очарчилик ҳукмрон эди. Омон қолган кўчманчилар Бухоро ва қўшни вилоятларга кетиб қолишди. Турғун аҳолининг аҳволи нисбатан тузук эди, бироқ деҳқончилик билан шуғулланиладиган туманларда аҳоли анча сийраклашиб қолди.

Турор Рисқулов Советларнинг VII съезида бутун бир миллат йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги ҳақида гапирганда унинг сўзларида кучли дард бор эди. Очарчилик жуда бир олий нуқтага етиб, кишилар шу даражага етказилган эдики, бу ўлка тарихида бўлмаган одам гўшти ейиш, одамхўрлик ҳақидаги фактлар суд ишларида қайд этила бошлади. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу ҳодисалар ҳақида озиқ-овқат комиссари, большевик В. Ляпин «Марказий Русиядаги очарчиликлар Туркистондаги даҳшатлар олдида ҳеч нарса эмас», деб ёзган эди.

Туркистондаги совет ҳокимияти оч қолганларга ёрдам учун турли қўмталар ташкил этди, съезд, қурултой ва бошқа йиғилишларда бу масалани кўп марта кўриб чиқиб, қарорлар қабул қилди. Бироқ бу ҳаракатлар кутилган натижани бермади. Турли шаҳарларда арзон ва бепул ошхоналар очилди. 1918 йилда Туркистон бўйича 3 миллион, 1919 йилнинг 5 ойи мобайнида эса 32 миллион тушлик овқат ташкил этилди. Бироқ бу рақам бир қарашда кўпга ўхшаб кўринса-да, аслида, ҳар бир оч қолган кишига ўрта ҳисобда ҳафтасига бир яримта(!) тушлик тўғри келарди. Умумий очарчилик шароитида бу овқатланиш жойларида чайқовчилик кучайганини ҳам унутмаслик керак.

1918 йилда Тошкентда ҳайр-эҳсон ташкилоти — оч қолганларга ёрдам бериш Туркистон жамоатчилиги ташкилоти тузилиб, у ўлка қишлоқ хўжалиги жамиятининг раиси, таниқли олим Р. Шредер ташаббуси билан иш бошлади. Тошкент ижрокўми қарори билан бу ташкилот Марказий меҳнат кооперативи ихтиёрига ўтказилди. Қўмита арзон ошхоналар тармоғи ва «Бир пиёла чой» кафесини ташкил этди, уни бу ишда маҳаллий ҳокимият қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида, бу қўмита қарамоғидаги кооператив унинг фаолиятига халақит бериб, ошхоналар керак эмас деган муносабатда бўлди. 1919 йил декабрида ошхоналар меҳнат кооперативи ихтиёрига ўтказилди.

Бу мисолдан кўриниб турибдики, давлат органлари бу ҳайр-эҳсон ташаббусини нафақат қўллаб-қувватламади, балки тўсқинлик қилиб, оч қолганларга ёрдамни марказлаштиришга интилди. Шу боис бу муҳим ишдаги ҳайр-эҳсончилик фаолияти кенг қулоқ ёзмади.

Очарчилик билан кураш бўйича марказий комиссия қарамоғида 1919 йил бошига келиб 800 минг нафар (олдинги йилгидан анча кўп), апрель ойида эса қарийб бир миллион оч қолган кишилар бор эди. Айрим маълумотларда бу рақам 1 миллион 200 минг киши эди, деган мисоллар бор.

Овқатлантириш жойларида оч қолганларни гуруҳларга: меҳнатга яроқли, кам қувватли ва касалларга ажратилган. Меҳнатга яроқли кишиларни (оч қолган одамларнинг ярми) касб-ҳунари бўйича гуруҳларга бўлиш ва устахоналар (тўқимачилик ва бошқалар) ташкил этиш лозим эди.

Бундан ташқари, меҳнат биржаси орқали иш топганларга кам ҳақ тўланар, ишсизлар ундан бўйин товларди. Масалан, экин-тикин ишларига юборилган оила топганини еб битирар ва қишга ҳеч нима қолмасди. Айни пайтда нон эвазига хусусий ишга ёллаш ҳам кенг тарқалган бўлиб, ўзаро келишув бўйича иккала томон йил бўйи таъминланарди.

Ғалати вазият юз берди: ҳамма жойда ишчи кучига катта эҳтиёж бўлишига қарамай оч қолган кишилар таклиф этилган шартларга кўнмасди. Уларни таъминлашга давлат маблағи етишмади. 1919 йил апрелида Туркистон МИҚ

Очарчилик бўйича комиссиясига кузга бориб оч қолганлар ўз-ўзини боқиши, кийим-кечак билан таъминлаши бўйича чоралар кўришни таклиф этди. Ушанда, Советларнинг VII съезида ишга лаёқатли оч қолган кишиларни ўрта ҳол кишиларга етиштириладиган экинларга шерик, пайчи сифатида бириктириб қўйиш (хусусий ишга ёллашни қонунлаштириш) ҳақида таклиф киритилди.

Шу йилнинг баҳорига келиб бу комиссиянинг ярим йиллик фаолиятига якун яшаш мумкин эди. Советларнинг VII съезида Т. Рисқулов комиссия яқинда тузилгани ва моҳиятан бирор нарса қилишга улгурмаганини қайд этди. Агар Озиқ-овқат бўйича комиссарлик, Улка озиқ-овқат директорияси ва бошқа иқтисодий органлар бевосита ўз вазифасини бажарганида очарчилик билан кураш бўйича ҳеч қандай махсус комиссиялар керак бўлмасди. Бу органлар эса ҳеч нарса қилмади, бунга тоқат қилиб бўлмайди. Агар миллионлаб оч қолган кишилар мушт ўқталиб, МИҚ ёки озиқ-овқат директориясига келганларида ҳеч кимни соғ қолдирмаган бўларди, бироқ улар уюлмаган эди. Оч-наҳор қолган йўқсиллар айниқса маҳаллий аҳоли жимгина жон бераверди. Рисқулов шуни ҳам таъкидладики, «ҳалок бўлган бу кишилар... совет ҳокимиятини қутқариб қолди, дейиш мумкин».

МИҚнинг 1919 йил 31 июль қарори билан бу комиссия Халқ хўжалиги марказий кенгаши ихтиёрига ёрдамчи орган сифатида ўтказилди. Т. Рисқулов ушбу комиссия фаолияти туфайли ҳаёти сақлаб қолинганларнинг расмий рақамини келтирди, улар қарийб 1 миллион кишини ташкил этди.

Бу кулфатнинг кўлами ва оч аҳолининг даҳшатли аҳволини ҳукумат аъзоларидан ҳаммаси ҳам тушунавермади (улар орасида, масалан, эсер К. Успенскийдан тортиб то большевик, ўзини «Урта Осиё Ленини» деб атаган И. Тоболингача бор эди.). Бунга кўп жиҳатдан шовинистик муносабат, яъни ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик каби маҳаллий миллатларга паст назар билан қараш сабаб бўлди.

Советларнинг VIII съезида рус шовинистлари ниқобини йиртиб ташлайдиган бир мисол келтирилди. Улуғ ўзбек маърифатпарвар, Туркистон халқларининг мустақиллиги йўлида фидокорлик ва жонбозлик намуналарини кўрсатган Мунаввар Қори ўз сўзида бундай деди: «ТуркМИҚ га савол берилдики, Перовск уездининг кўчманчи аҳолиси Оқмула вилоятига кетиб қолгани ҳукуматга маълумми, деб. Бунга ўрт. Успенский жавоб берди: ҳа, ҳукумат билади, кўчманчи аҳоли кўчиб кетяпти. Бизга эса шу нарса ҳам маълумки, мусулмон аҳолисининг 50 фоизи очликдан ўлди. Энди, ўрт. Успенскийнинг бунга нима дейишини эшитишни истардик. У ҳар ҳолда шундай деган бўларди: ҳа, ўлиш одамларга хос нарса, шунинг учун ҳам улар ўлиб кетишди...» Мунаввар Қори бу ўтқир кинояли гап билан Туркистоннинг ўша вақтдаги раҳбарларини «ўзиб» олган эди.

Хуллас, 1917 йилда бошланган озиқ-овқат қаҳатчилиги 1921 йилга қадар чўзилиб кетди (Очарчилик билан курашиш бўйича комиссия фақат 1922 йил 10 октябрда тугатилди.). Хўжалик ҳаётининг ҳамма соҳаларида вайронагарчилик кучайди. 20-йиллар бошларида аҳвол секин-аста ўнгиланиб борди, экин-тикин майдонлари кенгайиб борди.

Туркистонда социалистик деб аталмиш мавҳум жамият қурилиши «тажриба»ларидан бири шундай фожеали тугади. Ҳозирги авлодлар мазкур ҳалокатлар қайталанмаслиги учун тарихимизнинг бундай ўқилмаган саҳифаларидан яхши хабардор бўлишсин. Биз, тарихчилар шунга хизмат қилишимиз керак.

ЧЎЛПОН УЧУН КИШАН

Наим КАРИМОВ

Бошқа бир гувоҳ бўлмиш Иброҳим Худойқуллов ўша йилнинг 10 февралда берган кўрсатмасида бундай деган: «...Кейин мени 1938 йилнинг 9 июнидан 10-сига қадар, олиб бориб 42-хонанинг остидаги хонага ташладилар. Бу хонада азобланаётган кишиларнинг бақиринлари ва калтак зарблари эшитилиб турарди... Шундан кейин Тригулов мени 42-хонага олиб борди. У ерда Агабеков бор экан. Тригулов ва уна бир ходим биргалашиб мени калтаклашга тушдилар... Мени уч марта ўласи қилиб уриб, азоблашгандан кейин қайдиномамда нима ёзган бўлсалар, шунга қўл қўйишга рози эканлигимни айтдим».

Собиқ терговчи Нурма Тригуловнинг 1940 йил 25 январь ва 20 мартда берган маълумотларига кўра, Агабеков ноҳақ ҳибсга олинганларнинг озод этилишига мутлақо қарши бўлган ва улар минг хил азоблар остида у бичиб-тўқиган айбларни бўйинга олишга мажбур бўлишган.

Агабеков билан Тригулов 13-23 июль кунлари Чўлпон бошига ана шундай ит кунини солган. Шундан кейин у, эиндондан тирик чиқишига заррача ҳам умиди қолмагач, ўзининг Совет ҳокимияти олдидаги «жиноятларини» бўйинга олишга мажбур бўлган.

Тергов материалларидан шу нарса аён бўладики, НКВДнинг IV бўлими Чўлпоннинг ҳар бир қадамини узоқ йиллар мобайнида кузатиш асосида у ҳақда жуда кўп маълумот тўплашга эришган. Бўлим хуфялари Чўлпоннинг айниқса ажнабий фуқаролар билан бўлган учрашуларини қайд этиб бориб, тергов пайтида ҳудди шу масалага урғу беришга ва уни жосусликда айблашга уринганлар.

Агабеков боляги тергов чоғида ҳам Чўлпонни ана шу қармоққа илинтирмоқчи бўлган:

«Савол: Москвада яшаган пайтнингизда ажнабий фуқаролар билан алоқада бўлганмисиз?»

Жавоб: Йўқ, ажнабий фуқаролар билан алоқада бўлган эмасман».

Аммо савол-жавобнинг давомидан орган ходимларининг бу ҳақда муайян маълумотга эга эканликлари ойдин бўлади»

«Савол: Сизнинг кўрсатмаларингиз ғирт ёлғондан иборат. Тергов сизнинг Москвада хорижий элчихоналарга бориб турган ажнабий фуқаролар билан алоқада бўлганингиз тўғрисида маълумотга эга. Тергов сиздан тўғри кўрсатмалар беришни талаб қилади».

Жавоб: Мен Хитой элчихонасига бориб турган Хитой фуқароси уйғур Акбар Собиров билан алоқада бўлганлигимни эътироф этаман. У Москвада қандайдир савдо ишлари билан шуғулланар эди.

Савол: Ким ва қачон сизни Собиров билан таништирган?

Жавоб: Мен Собиров билан 1932 йилда танишганман. Бизни собиқ савдогар Қутбиддин Нажмиддинов таништирган. У Собировни менинг уйимга олиб келган. Мен Нажмиддинов билан ҳеч қачон таниш бўлмаганман. Собиров билан Нажмиддинов менинг манзилгоҳимни билиб, мени шоир сифатида эиэрат қилганлар...»

Агар Чўлпоннинг бу борада берган маълумотлари ҳақиқатга мос келса, у ҳол-



да Акбар Собиров Чўлпоннинг Син-Цзянь билан савдо алоқасида бўлган отасини яхши таниган, шунинг учун ҳам у билан эски танишдек учрашиб турган.

Агабеков бундай ҳолларда ўзини сувдаги балиқдек ҳис этар ва ўз тўрға илинган кимсани ўргимчакдек метин иплар билан ҳамма томондан чирмаб ташлар эди.

«Жавоб: ...Биз Собиров билан японсевар кайфиятда (!) суҳбатлашар эдик. Мен, жумладан япон халқининг маданияти ва яқдиллигини кўкларга кўтарган ҳолда Япониянинг «Осиё—осиёликлар учун!» деган шиорига ижобий қарар эдим...»

Терговнинг давоми бу мавзунинг қип-қизил ифвогарлик ниятида тўқиб чиқарилганидан далолат беради:

«Савол: Собировнинг сизни жосуслик ташкилотига ёллаган пайтдаги шароит ҳақида кўрсатма беринг».

Жавоб: Собиров мени жосуслик ташкилотига бевосита ёллаган эмас ва бундай ташкилотнинг мавжудлиги тўғрисида менга гапирмаган. Бироқ мен Собировга уни қизиқтирган баъзи маълумотлар берганимни эътироф этаман, зотан, у бу маълумотлардан разведка мақсадида фойдаланган бўлиши мумкин. Мен амалда у ташлаган тўрға тушиб қолганимни тушунаман, зеро, мен ночор моддий шароитда бўлганим сабабли ундан пул олган эдим.

Савол: Собировдан қанча пул олган эдингиз?

Жавоб: Собировдан 200 сўм, Собиров билан боғланган шахс — Ҳусанбоевдан эса 5 сўмлик торгсин бонинни олган эдим.

Савол: Собировга жосуслик характерида қандай маълумотларни бергансиз?

Жавоб: Собиров мен билан суҳбатда Хитой Туркистонда миллий ҳаракатни бошқариши ва мамлакатда маърифатга раҳнамолик қилиши мумкин бўлган маданиятли кишиларнинг оз эканлигини айтиб,

менга Син-Цзянга муҳожирликка боришни таклиф қилди. Мен бу таклифни рад этдим. Шундан кейин Собиров мендан Совет ҳокимиятига нисбатан мўросасиз бўлган эски миллатчиларнинг рўйхатини беришни сўради. Мен Собировга миллатчи аксиллиқчилобчилар рўйхатини бердим. Улар орасида Абдулла Қодирий (Жулқунбой), Шоҳид Эсон Мусаевни ҳам кўрсатдим. Шундан кейин Собиров аксиллиқчилобчи-миллатчи «Миллий иттиҳод» ташкилотининг 1930 йилда қамоққа олинган раҳбарлари Мунаввар қори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва Абдуваҳоб Муродий тақдир, уларнинг ҳозир қаерда эканликлари билан қизиқди. Мен унга Абдурашидов билан Тиллахоновнинг қаерда эканликларини билмаслигини, Муродийнинг эса сургунда эканлигини айтдим...»

Агабеков ана шу тарзда Чўлпоннинг Москвада Акбар Собиров деган уйғур билан учрашганлиги тўғрисидаги хуфялардан олган пашшадек кичик бир далилдан фил ясаб, уни фақат миллатчи эмас, балки жосус сифатида ҳам «фош этиш»га эришадди.

Чўлпон руҳини осонгина синдиргани ва уни ўз қармоғига илинтирганидан қаноат ҳиссини туйган Агабеков энди ўлжадан хоҳлаган маълумотни усиз ҳам олиш мумкинлигини сезиб, уни терговчи Тригуловнинг қўлига топширади. Шафқатсизлик ва маҳаллий эиэлиларни таҳқир қилишда дашноқ устозидан кўп нарсани ўрганган Тригулов 10 августда бўлиб ўтган иккинчи сўроқда Чўлпонни очикдан-очик советларга қарши аксиллиқчилобий ташкилот аъзоси сифатида маълумот беришга ундайди.

Мана бу қайдномага эътибор беринг: «Савол: Тергов сизнинг пантуркистик аксиллиқчилобий ташкилотга дахлдорлигингиз тўғрисида аниқ маълумотларга эга. Бундан кейин ҳам тихирлик қилишингиз фойдасиз — пантуркистик ташкилотнинг аксиллиқчилобий иши тўғрисида кўрсатма беринг».

Жавоб: Хўп, тергов менга қарши далилларга эга бўлганлигига (!) ишонч ҳосил қилган ҳолда шунини кўриб турибманки, бундан кейин ҳам тихирлик қилишимни мени шармандаларча фош этишга олиб келади (!), шунинг учун ҳам мен бор гапни айтишга қарор қилдим.

Савол: Совет ҳокимиятига қарши уюшган аксиллиқчилобий кураш йўлига қачон ўтгансиз?

Жавоб: Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган кундан бошлаб, мен унга душман бўлган лагерга ўтганман...»

Шу ерда қайднома сўзларини бўлиб, бир оз чекиниш лозим кўринади, муҳтарам муштарий! Чўлпоннинг юқоридagi сўзлари ёдингизда бўлса, у 1917 йилда, яъни Ўзбекистонда совет ҳокимияти эндигина ўрнатилган даврда «Юрт» ойномасида «Қизил байроқ» деган ниқобли руҳ билан сўғорилган шеърини эълон қилган, «Қизил байроқ — қип-қизил қон, бу қон ишчилар қони», деган алангали сатрлар шу шеърдан олинган эди. Хўш, советларни ҳимоя қилувчи шундай шеърни ёзган шоир қандай қилиб 1917 йилдаюқ совет ҳокимиятига қарши лагерга ўтиб, аксиллиқчилобий ташкилотга аъзо бўлиб киради!!

Қайдномани ўқишда давом этамиз: «...ва Совет ҳокимиятига қарши фаол

Давоми. Боши ўтган сонда.

кураша бошлаганман. 1918 йилда (расмий томонларга рия қилмаган ҳолда) амалда ўша пайтда Ўзбекистонда пайдо бўлган «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксининқилобчи ташкилот томонидан ёлланганман. Менинг кўпгина маслақдошларим турли йилларда фош этилгани ва қатгори қилинганига қарамай, мен ўша фурсатдан бошлаб аксининқилобий миллатчилик фаолиятини тўхтатмаганман. Совет жамоатчилиги менга тазйиқ ўтназганига қарамай, сўнгги вақтларга қадар фаол пантуркистик ишминин давом эттириб келдим.

Савол: Ўзбекистонда ҳозирги вақтда мавжуд бўлган пантуркистик аксининқилобий ташкилот тўғрисида кўрсатма беринг.

Жавоб: Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда хориждаги аксининқилобий муҳожирлар билан алоқада бўлган инқобланган пантуркистик ташкилот мавжуд бўлиб, у совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга ва шарқий жумҳуриятлар тасарруфида троцкийча-миллий буржуа давлатини барпо этишга қаратилган фаол аксининқилобий иш олиб бормоқда. Мен шу ташкилотнинг аъзоси бўламан...

Чўлпон ҳақиқатга заррача ҳам тўғри келмайдиган бундай маълумотни пешонасига тўппонча тираб турган тақдирда ҳам бериши мумкин эмас!!!

Бундай уйдирмадан иборат, фақат ўзига эмас, балки барча зиёли дўстларига ҳам тўхмат тошларини ёғдирувчи қайдномаларни органнинг Агабеков, Тригулов, Матвеев, Копосов сингари қаллоблари тузар, сўнг инсон боласи чидаши мумкин бўлмаган азоб ва таққирлар билан уларни чалажон бўлиб ётган махбуслардан тасдиқлаб олар эди.

Чўлпон ана шундай азоб-уқубатга гирифтор этилган, жаҳаннам ўтида қоврилаётган бир пайтда адабиётга алоқаси шубҳали бўлган шахслар тарих саҳнасига масхараовлардек чиқиб олиб, унинг пок номини оёқ ости қилмоқда, унинг эълон қилинган асарларини тажимоқда эди. Уша йилнинг 1 августида «Еш ленинчи» рўномасида эълон қилинган «Халқ душманларига совет матбуотида ўрин йўқ» номли мақоласида Тўлқин, хусусан, бундай сўзларни айтган:

«Чўлпон Шекспирнинг «Ҳамлет», Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ўрталарида бўлган инзолар тўғрисида ҳикоят» деган асарини нуқул арабий сўзлар, диний-хурофий иборалар, мадраса тили, чигатоӣ адабиётининг тили билан таржима қилганики, буни совет меҳнатнаш халқи ўқигон билан ҳеч нарса ташунмайди...

Буюк пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг вафотида бир йил тўлиши муносабати билан 18 июнда «Қизил Ўзбекистон» газетаси бир саҳифа материал берди. Чин кўнгилли, совет ватанига содиқ ёзувчилар ва адабиётчилар турғони ҳолда шу саҳифада халқ душмани Чўлпоннинг мақоласи босиб чиқарилди. Бир қанча сигналларнинг берилишига қарамай, душманга матбуотдан яна минбар бердилар.

Уша пайт матбуотида Чўлпонга юқоридагига ўхшаш тўхмат тош отилган ўнлаб мақоалалар эълон қилинди.

Чўлпон адабий мероси билан қизиқиш натижасида шу нарса аниқландики, қисқа ва лекин фожияли умри давомида тинимсиз ёзган ва бой архивга эга бўлган шоир қамалиши олдидан барча таниш-билишлари, шу жумладан, Андижондаги онласи қўлида сақланган асарлари, хатлари, суратларини олиб келиб куйдирган. Бу билан у ёру биродарлари ва жигарларини рўй бериши мумкин бўлган офатдан халос этмоқчи бўлган. Айни пайтда нафис сўзга нисбатан кўр ва қар бўлган рақибларидан ортиқча дашном эшитмаслики, тирноқдан кир ахтарувчи орган ходимларига ортиқча ашё-далил бермаслики чорасини кўрган. Лекин унинг бир неча ён дафтари тинтув пайтида барибир қўлга тушган. Унинг ана шундай хотира дафтари эса мутахассис сифатида Насрулло Охундийга тақриз учун берилган. Н. Охундий умрида бирор тузукроқ шеър ё мақола ёзган одам эмас. Лекин у масъул лавозимларда ишлаб, масъул идоралар ишончини қозонган киши сифатида, бошқа бегуноҳ қурбонлар қатори, Чўлпон тақдирининг ҳал бўлишида ҳам иштирок этган.

Н. Охундий берган маълумотга кўра, Чўлпон 1926 йил 29 ноябрда ўз хотира дафтарида қуйидаги сўзларни ёзган экан:

«Санъат ҳарамларига бир ёввойи бўрон кирди... Олтин қадах, биллур косалардан бир-икки жуфтини ағдариб кетди... Майлар тўкилди, косалар синди, қадахлар парча-парча бўлди... Енгилишининг ҳам кайфи бор, худди енгил каби! Енгилишга енгил орқали келингандек. Қаноуларимиз синган, фанорларимиз ўчган, ҳассамиз синдирилган, қлогусеиз [нотўғри ёзилган, «қибланомасиз» маъносидagi сўз бўлиши керак — Н. К.] йўл борамиз, манзилдан дарак йўқ».

Тақризчи бу шоирона маънос кайфиятининг маҳсулини шарҳлаб, бундай ёзган: «Бу хотира аксининқилобий «Қизил қалам» жамияти (!) ва қосимовчилар тор-мор келтирилгандан кейин ёзилган бўлиши мумкин. «Санъат ҳарамларига ёввойи бўрон кирди», деган жумланинг маъноси санъатга большевиклар ўз идеяларини ва ўз кишиларини киргиздилар (!) деган гап. Бунинг орқасида «Олтин қадах, биллур косалардан бир-икки жуфтини ағдариб ташлади», деган сўзи аксининқилобий санъатчилардан бирмунчаси қўлга тушди (!), деган гап. Чўлпон улуг рус халқига қарши 12.11.27 йилда ёзган хотирасида шундай дейди: «Сенинг оқ бетларинг унутилиши лозим бўлган оқ «бетлар»дай қора пардалар орасида қолиб кетибди». Яна: «Сариқ нахрининг булганч суварчи иккига бўлинган улуг бир балиқнинг қопларини ялайлар». Бу жумлалардаги «оқ бет», «сариқ нахр» деган сўзлар русларга қаратилгандир (!). Чунки, Чўлпон илгариде ҳам, ҳозирда ҳам русларни «қарғача, булутча, сариқ» сифат бериб, «огзи қон бўри», деб ноҳақ айблаган эди. Н. Охундий.

Охундий Чўлпоннинг ён дафтарида бўлган ва бўлмаган гапларни қалаштириб ташлаб, бундай хулоса чиқарган: «Чўлпон Совет ҳукумати ва улуг рус халқига қўлидан келган тўхмат ва ҳақоратларни майдонга ташлаган. Бунда очик далил мана шу хотира дафтарида». [Бу «шарҳнома»нинг айрим парчалари «Санъат» ойномасида журналист Сирождиддин Аҳмедов томонидан ўтган йили 11-сонда эълон қилинган, Чўлпоннинг барҳаёт замондошлари ва мухлисларидан бири Юнус Мақсудов «шарҳнома» муаллифига бежиз ўз газаб ва нафратини билдирмаган.]

Уйлаш мумкинки, Чўлпоннинг тинтув пайтида олиб кетилган қўлёзмалари ҳам тақризга берилган. Лекин, бахтга қарши, маълум сабабларга кўра, улар сақланмаган ва шу тўғрисида бирор маълумотга эга эмасми. Аммо шунга қарамай, айтиш мумкинки, бу тақриزلарнинг муаллифлари ҳам ўз «шарҳномалари» билан Чўлпоннинг қўл ва оёқларига кишан богланлар.

Ўзбекистон ДХҚ архивидаги 1937 йилга оид ҳужжатлар орасида турли вақтда қамалган тўрт улуг ижодкорнинг фотосура-ти бор: майка кийган Усмон Носир, оқ кўйлақда расмга тушган Фитрат, ич кийимсиз костюм билан ўранган Чўлпон ва костюмсиз, кўйлақсиз, майкасиз, аммо ши-нелли Абдулла Қодирий... Бу, тўрт кишига тақсим қилинган бир сидра кийим кимники экан! Суратчининг висотидаги либослар эмасми!! У ҳолда бу тўрт улуг ижодкорнинг устки кийимлари қаерда! Наҳотки улар НКВД ертўласида ҳам ярим яланғоч ҳолда ўтирган бўлсалар!! Хўш, уларни кимлар ечнтирган!

Мен буларни билмайман. Аммо бор-йўқ билганим — Чўлпон ва Чўлпонларининг қўл-оёқларига қадаган кишанларни уларнинг бу мақолада тилга олинган ва олинмаган замондошлари ясаган эдилар.

«ЭРК» РҲЙХАТГА ОЛИНДИ

МУҲАРРИРИЯТДАН: Ўзбекистонда демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида дадил қадамлар қўйилаягани кишини севинтиради. Хусусан кўппартиявийликка ўтиш жараёни бошланди. «Фан ва турмуш»нинг ўтган йилги август сониде берилган «Танишинг: «Эрк» демократик партияси» номли чиқиш билан кенг журналхонлар оммасига яхши таниш бўлган бу сиёсий ташкилот Адлия вазирлиги томонидан жамоат ташкилоти сифатида рўйхатга олинди. Бу ҳам мустақиллик меваларидан.

Демократия — мураккаб жараён экан, аввало, худди маънавий-руҳий озуқага эҳтиёж сезганимиз каби, демократиядан сабоқ олишга ҳам кучли онгли эҳтиёж туйғусини ўзимизда уйғотишимиз, уни тарбиялашимиз лозим. Шунда бу жараёнлар оғирчиликлар, тушунмовчиликларсиз ўтади. Эътиборингизга ҳавола этилган «Демократия—мураккаб жараён» мақоласи шу йўлдаги дастлабки қадам. Сизда қандай фикр-мулоҳазалар, таклифлар туғилди, ёзиб юборинг — мактубларингизни кутамиз.

жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олинганлиги тўғрисида

ГУВОҲНОМА

№ 3 - сентябрь 1991

№ 039

Бирлашмаси номи: «ЭРК» демократик партияси

Бирлашмасининг ёри: республикага оид

Бирлашмасининг раҳбарлиги: Курултой, Марказий Котипа,

Бошқарува Хайъати: Тошкент ш. Лувлон кўчаси, 1 уй

Функцияларининг жаҳан кўрсати: мустақил демократик давлат барпо этишдан иборат.

Ўзбекистон республикасининг Адлия вазирлиги

М.Б. Маъмуров

ОДАМЛАР СУЯГИ ЎША ВАҚТДА ҚОТГАН

АДАБИЁТШУНОС ФОЗИЛА СУЛАЙМОНОВА
БИЛАН СУХБАТ

— Фозила опа, сиз босиб ўтган йўл, бошдан кечирган азоблар — бир дoston, дoston бўлганда ҳам, фожиали. Ҳамид Сулаймон домла билан кечган ҳаётингизга ҳавас қилса арзийди. Бу ёқда илмий ишлар... Эҳтимол, юрагингизда шундай гаплар бордирки, уларни ҳали ҳеч кимга айтмагандирсиз...

— Жамиятимиз қандай пасту баланд йўллари босиб ўтган бўлса, ҳаммасини бошдан кечирдим. Қулоқ қилиш даврини биламан. 30-йиллардаги очарчилик даврини кўрдим.

— Сунъий очарчилик-а?

— Ҳа, уюштирилган очарчилик.

— Нима учун уюштирилган?

— Шундай қилинмаса, одамлар колхозга кирмаган.

Колхозлаштириш учун очарчилик уюштирилган. Колхозга кирган нон олади, кирмаганга нон йўқ, очидан ўлсин... Энди ўйласам, кўп нарсалар уюштирилган экан. Бутун собиқ совет тузуми шу туфайли «яшаб» келди. Дадам раҳматлик ўз даврининг зиёли одамларидан эди. Иш жойлари Қўқонда бўлган, биз асли марғилонликмиз. Болалигимда дадам билан Қўқондаги ҳовли-жойимизни шундайлигича ташлаб чиқиб кетганимиз эсимда. Кейин қайтиб келмадик, Марғилонга кетиб қолганмиз. Мен хотин-қизлар техникумида ўқиб юрган кезларим, таътил чоғи Қувага бордим. У ерда ҳам Марғилонга ўхшаб бутун-бутун маҳаллалар бўшаб қолган эди, очарчилик... 32-йилмикан, 33-йилмикан, бўш ҳовлилардан бири бизга берилди. Эгаси қочиб кетганми, қатагон қилинганми... Техникуми тугатиб, Қувага борсам, бутун районда бирорта махсус ўрта маълумотли одам йўқ, биттагина 4-синф бор экан. Шунини менга беришди. Уқийдиганлар — мўйлови чиққан йигитлар, паранжили қиз-жувонлар. Ҳаммаси мендан катта. Кейин биз станцияда турадиган бўлдик. Дадамнинг банклари шу ерга кўчганди. Ўрис мактабга ишга кирдим. 4-синфини ўзим билан ўрис мактабга кўчириб олиб келдим. Ҳамма фанлардан дарсларни ўзим ўтардим. Яна ўрисларга ўзбек тилини ҳам ўқитардим. 4-синфга уч йил дарс бериб, 7-синф қилиб битказдирдим, кейин ўша ўрис мактабидаги аёллар Тошкентдаги халқ маорифи кадрлари малакасини ошириш институтига ўқишга борадиган бўлишди. Мен ҳам уларга қўшилиб келдим. Домла Ҳамид Сулаймон шу ерда дарс берарканлар. Улар билан шу ерда танишганман. 1938 йилда тўйимиз бўлди. Шунақа гаплар... Ҳаётга жуда эрта қадам қўйдим.

— Домла ҳақида гапириб берсангиз.

— Ҳамид ака ўша кезлари ҳам малака ошириш институтида, ҳам педагогика институтида чет эл адабиётидан дарс берардилар. Биласизми, умримда мен битта «уч» олганман. У ҳам бўлса турмушга чиқадиغان йилим домладан олганман. Узи уйланадиган қизга «тўрт» ёки «беш» қўйди дейишмасин деб «уч» қўйганлар. Шунақанги одам эдилар. Уша битта «уч» туфайли дипломим «қизил» бўлмаган...

— Фозила опа, қатагон йилларини, қанча-қанча одамлар тўхмат туфайли қамалганлигини биз эндиликда жуда яхши биламиз. Муҳтарам домла ҳам шундай йилларнинг жабрдийдаларидан бири бўлдилар. Домлани қимлар қаматганлигини эҳтимол биларсиз?

— Биламан. Георгий Петрович Владимирова — шундайлардан бири. Домлани унинг ўрнига деканликка ўтказишмоқчи эди. Домла кечки педагогика институтида директор ўринбосари вазифасида ишлардилар, Владимирова рақобатчи билиб душманлашиб қолди. 14 бетли қораловчи хат ёзиб берган, домлани миллатчиликда айблаб.

— Қандай далили бўлган?

— Далилми! Домла ўзбек талабаларига чет эл адабиётини 1—2-курсда ўзбек тилида ўқитиш керак, деган эдилар. Владимировнинг фикрича, бу миллатчилик экан. «Ўзбек болаларини ҳамма вақт қўллаб-қувватлайди. Фалончига стипендия учун ҳаракат қилди. Фалончининг баҳосини кўтаришга уринди...» — мана шунақа гаплар. Бир йили домла дорилфунунда имтиҳон комиссиясига раис бўлдилар. Билетлар рус тилида эди. Талабаларнинг кўпчилиги саволларни тушунмай, таржима қилиб беришни сўрашган. Ушанда домла: «Ўзбек талабаларига саволлар ўзбек тилида тузилса яхши бўларкан», — деган эканлар. Владимирова: «Мана, у миллатчи бўлгани учун шундай қилмоқчи», — деган гапларни ёзган.

АЙБНОМАДАН: 1951 йил 21 июлда Ўзбекистон ССЖ Давлат Ҳавфсизлик министри, генерал-лейтенант Драздецкий тасдиқлаган.

«...Сулаймонов Алимўхамедов А. билан биргаликда олий ўқув юртининг бошқарув ва таълим ишларида ўзларига ёқмайдиган шахсларни (хусусан миллати ўзбек бўлмаган шахсларни) четлаштиришнинг амалий чораларини қўллаб, улар ўрнига ўз одамларини қўйишган...»

...1947—49 йиллар Сулаймонов Алимўхамедов билан биргаликда, ўзининг миллатчилик қарашларига таянган ҳолда, УзССР маориф вазирлигининг Олий ўқув юртининг ўзбек талабалари учун рус ва чет эл адабиёти курсидан маърузаларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиб ўқиш ҳақидаги қарорига қарши чиққан...» [4 жилд л. д. 232—234, 271—274].

— Домла оталари қамалганда кейин...

— Оталари ҳам қамалганми? Нера?

— Оталарини 1934 йилда Киров отилганидан кейин қамашган. Нима айб қўйишган денг, «Киров ўлимини тайёрлашда иштирок этган» деб... Оталари жуда ориф одам бўлган, дастлабки ўзбек кинорежиссёри, актёри эдилар. Жаззах кўзғолони ҳақида «Тонг олдида» деган фильм яратган, Сулаймонхўжа деган одам.


АЙБНОМАДАН: «...Ҳамид Сулаймонов аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотининг бадарга қилинган қатнашчисининг ўғли бўла туриб, ўзининг аксилсовет қарашларига таянган ҳолда, 1937 йилгача буржуа миллатчилари бўлмиш Отажон Ҳошимов, Нури Алимов ва Ҳусанхўжаевлар билан яқин алоқада бўлган...»

...Турли йиғинларда, хизмат жойларида улар доимо ВКП(б) ва совет давлатининг миллий сиёсатида тўхматлар уюштириб, совет жамиятига қарши ёвуз бўҳтонлар тарқатишган...» [4 жилд, 1 жилд, 6 ш. и.]

— Жабрдийдалар сулоласи экансизлар-да.

— Шундай. Домла қамалган ўша қора кунни дарсим кечки пайта эди. Дорилфунунда ишлардим. Домла — кечки институтда. Дарсга тайёрланиб ўтирган эдик, уч киши кириб келди. Қизил гувоҳномаларини кўрсатишди. Титроқ-ҳаяжондан ўқий олмадик ҳам. Бутун уйни тинтув қилишди. Табиий, ҳеч нима топиша олмади. Домланинг лекцияларини, хатларини олишди. «Нима гап!» деб сўрай олдим шундан кейин. «Алимўхамедовни танийсизми!» — деди улардан бири. У киши пединститутда ишлаб юрган домланинг ҳамкасби, бир-икки йил олдин қамалган эди. Демак, у домлани ёнига тортган...

АЙБНОМАДАН: «...1938 йили Сулаймонов ғайри қарашларининг умумийлиги заминда Алимўхамедов билан алоқага киришиб, узоқ вақт мобайнида биргаликда аксилсовет миллатчилик ишларини олиб борган...» [1 жилд, ш. и. 173—182, 236—239].



Уқубатли йиллар ортда қолди. Ҳамид СУЛАЙМОН ва Фозила СУЛАЙМОҶОНОВА.

1954 йил. Ҳамид СУЛАЙМОН Узоқ Шарқдаги Чуна қамоқхонасида.



...1942 йил кузида Сулаймонов Алимұхамедов билан бўлган суҳбатда гўё ўзбек халқи совет ҳокимияти томонидан эзилётган деган ёвуз бўҳтонларни айтган... [1 жилд, ш. и. 174—175, 254—255].

...Кўйилган айбларда Сулаймонов ўзини айбдор деб тан олмади. Юқоридаги кўрсатмалар жавобгар Алимұхамедов томонидан фош қилинди...

— Олиб чиқиб кетишаётганда домла менга қараб: «Қандайдир англашилмовчилик бўлган, менинг кимлигимни жуда яхши биласан», — дедилар. Олиб кетилди. Нима қилишни ўйлай-ўйлай, телефонини берган бир генерални эсладим. Бу шундай бўлганди. Домла Ленинградда фан номзодлигини ҳимоя қилганларидан кейин оиламиз билан поездда қайтиб келаётгандик. Мен ҳам Ленинградда аспирантурада ўқиганман. Тўрт яшар ўғилчамиз биз билан бирга. Вагондаги қўшнимиз зиёли кўринишдаги рус одам. У ўғлимиз билан ўйнаб келди-да, кейин мен билан танишди. Узининг кимлигини айтмади. «Мана, Стендаль ижоди устида ишлаётган экансиз, Ўзбекистонда шунақа одамлар борлигини билмас эдим. Усмон Юсуповга айтмай, сизларни раҳбарлик ишларига жалб қилсин», — деди. Кейин у домла билан танишди. Суҳбатлашиб келдик.

— Гапларидан бирор нима сезмадингларми?

— Йўқ. Тошкентга келганда эса ҳалиги одамни ман-ман деган ҳарбийлар кутиб олди. У вагондан генерал кийимида тушди. Қўлимни ўпиб хайрлашди. «Кўришамиз, албатта кўришамиз» деди. Телефонини ва иш манзилгоҳини берди. Бизни кутиб олишга чиққан одамлар «Биласизларми, бу киши ким? Давлат хавфсизлик вазири (Давлат хавфсизлик қўмитаси у вақтлар вазирилик эди) Баскаков», — дейишди. Юрагимиз шув этиб кетди. Тўрт кун суҳбатлашиб келганмиз... Йўқ, келганимиздан кейин телефон ҳам бўлмади, ҳеч ким ҳеч қаерга чақирмади ҳам. Эсимиздан чиқиб кетди у одам.

— Домлани олиб кетишгандан сўнг унга учрашмадингизми?

— Аввал Баскаковга қўнғироқ қилдим. Сафарда экан. Бир ҳафтадан кейин келди. Ариза ёзиб бордим. У пайтлар аризада, ноҳақ қамалди, қўйиб юборинг, дейилмасди. «Текширишни тезлатишга ёрдам беришингизни сўраймиз», дейиларди. Шундай қилдим. Ҳозирги Ленинград кўчасидаги бинонинг қабулхонасига кирдим. Котиба қиз: «Сиз Сулаймоновамисиз, ўтириб туринг», деди. Бироздан

сўнг кириш деди. Кираман десам эшик йўқ. Узим кирган эшик бор, холос. «Қаёққа кирай!» — дедим. «Жавоннинг эшигини очинг», — деди котиба. Очсам, пастиди тортмаси ҳам бор. Тортмасининг устидан хатлаб ўтсам, ичкарида росмана эшик. Бунақасини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Худди эртақдагидек, лекин бу эртақ эмас эди. Жуда ҳашаматли хонага кирдим. Шундоқ тўрда генерал ўтирибди. Енида автомат ушлаган иккита аскар турибди. Салом бердим. Қарамади, бошини кўтармади ҳам. У пайтлар қама-қама... Охиргиси Шайхзода домла қамалган чоғлар. Қанча-қанча одамлар, зиёлиларимизнинг гуллари қамалиб бўлган. «Ўтиринг» деди. Утирдим. Қўлига аризани бердим. «Сизга хабар қилишади», деди пинагини бузмай. Муомаласини кўриб ҳайрон бўлдим. «Раҳмат» деб чиқиб кетдим. Уч ойми, тўрт ой ўтгандан кейин халиги одамни ишдан олишди. Генераллик унвонини ҳам олиб ташлашди. Оддий одам қилиб Узоқ Шарққа юборишди. Суриштира-суриштира шунақа бўлганлигини билдим. У одамни тушунмаган бўлишса керак. Шунинг учун менга гапира олмаган, муомала қила олмагандир. Ким билсин яна...

— Домла қамалгандан сўнг тазйиқ бошланмадими?

— Мени дорилфунундан ҳайдамоқчи бўлишди. Мирҳожиев деган ўқитувчи бўларди. Интизом ҳақида мажлис бўлса, ўрнидан туриб дарров «Куллиётимиз — мафкура куллиёти. Биз тарбиячилармиз. Лекин ичимизда ғаламислар бор. Мана, халқ душманининг хотини тарбиячи бўлиб ишлайди. Қандай қилиб талабаларда интизом бўлсин!» — дея қўлини бигиз қилиб мени кўрсатарди. Шундай кунларни бошдан кечирганман. Дорилфунунда 13 йил ишладим.

— Қатағон йиллари бўлишига қарамай, Сизни бу адолатсизликлардан ҳимоя этган кишилар ҳам бормиди?

— Аввало, талабалар тоғ бўлиб мени ҳимоя қилишди. Узимизнинг куллиётни қўятуринг, бошқа куллиётлардан келиб ҳимоя қилишарди. Столяров деган проректор, Горяев деган лотин тили ўқитувчиси... Яна бошқалар. Улар илгариги ҳақиқий рус зиёлилари эди. Қаерда кўришса, менга далда беришарди. Узимизда бўлса, Владимирова, Турсун Собировлар мени кўришга кўзи йўқ, бирор гап чиқазишга ҳаракат қилишарди. Ҳеч бўлмаса дарсимда стенографистка ўтиради. Бир нима топамиз деб киритишарди. Топа олишмасди. Барибир ҳайдашга эришишди. Ёрдам берадиган одам йўқ. Онам, икки укам мен билан

туришарди, яна икки фарзандим бор. Эзилиб юрган кунларимнинг бирида, ўзим дарс берган талабалардан бири: «Ҳаммасидан хабардоримиз. Сизга иш топдик», — деди. Хурсанд бўлиб кетдим. Ҳужжатларимни олай деб боргандим, бир рус кишиси олдимга келиб, яхшилаб сўрашди. Кейин: «Владимиров йўқ. Икки йилга докторантурага кетди. Мен деканман. Энди жойингизда ишлайверасиз», — деди. Йиглаб юбордим...

— Шундан кейин халқ душманининг хотини деган гаплар тўхтадимми?

— Қаёқда дейсиз. Уқиш бошлангандан кейин партбюрога, 20—30 одам ҳузурига чақиришиб: «Сиз нима учун талабаларни уюштирдигиз!» дея сиқувга олишди. Билсам, талабалар хат ёзишган экан. Икки юзтама, уч юзтама одам қўл қўйибди. Мен бутунлай беҳабарман. «Хабарим йўқ. Шунча кўп одам экан. Таътил пайти бўлса. Шунча одамни қандай қилиб топардим!» — дедим. «Майли, талабаларнинг талаби билан сизни ишга тикладик. Лекин эрингиздан ажралашингиз керак», дейишди. Розилик билдиргандай бўлдим. Шу билан яна ишлаб юрдим. Уч-тўрт ойдан кейин чақиришди: «Нега эрингиздан ажралмаясиз?» «Суд бўлиб, ҳукм чиқмагунча ажралиб бўлмас экан», дедим. Қонун-қонидани билардим. Вой-вой-э, у кунларни эсласам... Хуллас, уч йилдан кейин суд бўлди. Орада домла билан уч мартагина кўришишга муваффақ бўлдик. Ойимлар, икки бола, мен. Қанақа кўришиш дейсиз. Урис терговчи, ўзбек терговчи, автоматли кўриқчи ўтиради. Фақат расмий гаплар: «Эсон-омонмисизлар! Ишларинг яхшими? Ойи, қалайсиз!..» Гап тамом шу билан. Кейин, бир ярим ой суд бўлди.

— Сизни киритишдимми?

— Йўқ. Қаёқда! Дарсдан бўшашим билан суд эшиги олдига югурман. Ранис Мухиддинов деган одам эди. «Сиз бунақа қилиб юрманг, — деди у менга бир кун. — Эрингизга фойдангиз тегмайди. Зиёнингиз тегади. Иккинчи мен сизни кўрмай».

— Суд нима билан тугади?

— Домлага 25 йил беришди. Суддан кейин яна бир ярим йил Тошкентда олиб қолишди. Кейинчалик билсам, у киши бирорта ҳам қоғозга қўл қўймаган эканлар. «Қўл қўймасанг, шу ерда чириб кетасан», дейишибди. Суд 1953 йилнинг февраль-март ойида бўлганди. Домла Сталиннинг ўлганини ҳам, Бериянинг отилганини ҳам эшитмаганлар. Берия отилганининг эртаси кунёқ жўнатиб юборишган. Сир очилиб қолишидан қўрқишган.

— Қаерга?

— Узоқ Шарқдаги Чуна деган жойга. Шундан сўнг мен Москвага — Бош прокурор қабулхонасига бордим. «Бирор ойдан сўнг навбатингиз келади, кўнғироқ қилиб туринг», — дейишди. 28 кун деганда навбатим келди, бордим. Ҳафтада икки марта қабул қилишаркан. Уша ерда ёмон бўлиб қолсам дег. Асаб шу даражада ишдан чиққани... Бош прокурорнинг ўринбосари Хохлов деган одам экан. Мен умуман гапира олмадим. У ёзган аризамни варақлаб туриб: «Анча хатоликларга йўл қўйилган. Кўп хафа бўлманг. Эрингизнинг ишини чақириб олиб, қайта кўрамиз. Жавобини айтамыз», — деди. Бу, 1954 йилнинг августида бўлганди. Бир йилдан кейин ҳукм бекор қилинди, деган хат келди. 1956 йил февраль ойида домла озодликка чиқдилар, оқландилар. Лекин яна 1 йилдан кейингина ишга олишди.

— Азобларни эслатиб, сизни қийнаб қўйганим учун узр, Фозила опа. Энди, домланинг илмий фаолияти, хусусан Навоий ижоди юзасидан қилган ишлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Домла чет эл адабиёти билан шуғулланишларидан аввал ҳам Навоий ижодига, унинг даврики ўрганишга жуда қизиққан. Афсуски, ўша даврда навоийшунослик халқ душманининг ўғли учун таъқиқланган эди. Шуғулланганларида «ўтмишни идеаллаштирди» деган айбни албатта кўярдилар. 1947 йили домла Ленинградда француз ёзувчиси Проспер Мериме ижоди бўйича фан номзодлигини ёқладилар. Мен ҳам у маҳал ўша ердаги аспирантурада эдим. Домла Меримедан кўра кўпроқ Навоий билан шуғулланишни яхши кўрардилар. Бўш қолди дегунча

Шарқшунослик институтининг кутубхонасига ёки С. Шchedрин номли Давлат халқ кутубхонасига (аввалги император кутубхонаси) томон кетардилар. Ҳар иккала кутубхонада ҳам жуда бой қўлёзмалар фонди бор. Номзодлик ишини топширгандан кейин бир ой кўтиш керак эди. Шу бир ой мобайнида ҳар кун икки соатча кутубхонада Навоий қўлёзмалари устида ишлардилар. Ушанда: «Яхши вақтлар келса, мен албатта Навоий бўйича ишлайман. Ҳозирдан шунга замин тайёрлаяпман», дердилар. Қамоқдан қайтганларидан кейин партияга тиклангачина Пушкин номли Тил ва адабиёт институтига кичик илмий ходим вазифасига ишга олишди. Лекин домла унча бекор юрмадилар. Москвага бориб, Бертельс домла билан учрашиб, Навоий лирикаси устида ишлашни ўзининг кафедрасидан тасдиқлаштирилди. Ленинграддаги қўлёзмаларнинг фотонусхасини ҳам олиб қайтандилар.

Домлагача «Ҳазойинул-маоний» «Чор девон» дейиларди. «Ҳазойинул-маоний» эканлигини ҳеч ким билмасди ҳам. Ленинграддан олиб келинган ўша қўлёзмаларнинг бирида — 16-аср охирида кўчирилган қўлёзмада «Ҳазойинул-маоний»нинг «Шукр ва сипос ул қодиргаким...» сўзлари билан бошланувчи дебوحаси бор эди [бошқа қўлёзмаларда «Бадоеул-бидоя»нинг дебوحаси бўлган.]. Уша дебочада ҳазрат бу мажмуанинг номини «Ҳазойинул-маоний» қўйишни ёзган эканлар. Энди «Ҳазойинул-маоний» қўлёзмалари ичида қайси бири қадимийси, шунини аниқлаш керак эди. Қайси қўлёзмада қандай шеърлар бор, қайсилари «Ҳазойинул-маоний»ники, қайсилари четдан кирган... Бу жуда мушкул иш бўлди. Навоий шеърининг хронологияси аниқланди. Улуғ бобомиз тузган хронология нисбий бўлган. Шундай қилиб, домла тузган жадваллар бўйича, Навоий ўзбекча қўлёзма девонларининг редакция классификацияси, «Ҳазойинул-маоний»даги ғазал, рубоий ва муаммоларининг алифбо тартиби, ўзбек тилида яратган шеърларининг хронологик даврга ажратилиши, «Ҳазойинул-маоний»даги шеърларнинг нисбий хронологияси оқинлаштириб берилди. Шундан сўнг домла чет эллардан қўлёзма ахтаришга киришди. Яна иккита куллиётни топдилар. Биттаси Истамбулдан, яна биттаси Париждан... Улар асосида яна ҳаммаси қайтадан кўриб чиқилди. «Девони Фоний»ни Навоий ёзган деган гап бор эди. Аммо Навоийдан кейин яна тўрт нафар Фоний тахаллусли шоир ўтган, шунинг учун уларнинг шеърлари аралашиб кетган. Ҳатто адабиётнинг катта билимдон бўлган Садриддин Айнийнинг «Форс адабиёти намуналари» туркумида Навоийнинг «Фоний»даги 90 га яқин ғазалдан бир нечтасигина Навоийники бўлиб чиқди, холос. Қолганлари бошқа Фонийларники экан. Эй, домла қилиб улгурган ишларидан қайси бирини айтмай! Ҳеч тинч турмасдилар. Улгурмаганлари эса...

— Шунча ишлари қандай тақдирланган? Чунки тириклигида қатор мукофотлар олган, лекин фанда заррача из қолдирмаган адабиётшунослар борлиги маълум...

— Тирикликларида — ҳеч қандай. Унақа нарсани сира ўйламаганлар ҳам. Вафотларидан 3 ойдан сўнг Беруний мукофоти берилди. Кейин кимга керак эди...

— Домла нафақат «шахсга сиғиниш» даври қамоқларида азоб чеккан, балки «турғунлик»нинг бўғиқ муҳитида қадр топмаган эканлар-да.

— Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз! Зиёлиларимиз икки тоифа эди: ё қўрбон қилинган, ёки бошқаларни қўрбон қилган. Оқибатда пок одамларнинг жуда кўпчилиги қирилиб, йўқ бўлиб кетган. Қўрқоқлар, сотқинлар қолган. Зиёлиларнинг бошқа, учинчи тоифаси бўлмаган. Агар зиёлиларимиз бирдамлик кўрсатганда, аксарияти каби сотқинлик қилмаганда талафотларимиз кўлама бунчалик ортмасди, заковатли, виждонли, ҳар томонлама етук зиёлилар «тақчиллиги» сезиларли бўлмасди. Нима учун шу пайтгача халқимиз тарихи, адабиётимиз тарихи ишланмаган! Чунки қолган-қутганлар фақат кўрқиб, ўз жонини, худбин манфаатларини ўйлаб яшаган. Ушалар хали тирик. Ҳозирги одамларнинг суяги ўша вақтда қотган.

Сўхбатни Гулнора РАЖАБОВА ёзиб олди.

БЕҲБУДИЙ: «ҲАҚ ОЛИНУР, БЕРИЛМАС»

«Фан ва турмуш» ойномасининг 1989 йилги ноябрь ойи сонида улуғ ўзбек маърифатпарвари Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Баёни ҳақиқат» номли мақоласи эълон қилинган эди, у шундай сўзлар билан бошланади: «Билмоқ керакки: ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзини(нг) ҳуқуқи, диния ва сиёсийини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олур...» Матбуот тарихини ўрганаётган бир тадқиқотчи сифатида Беҳбудий ҳазратларининг миллий истиқлол, Туркистон халқларининг бирдамлиги, бўлинмаслиги, чинакам ҳурриятга ноил бўлиш йўллари ҳақидаги бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган сўзларидан бағоят таъсирландим ва ўша пайтда нашр қилинган газеталарни варақлаб, шу руҳдагиларидан айримларини қидириб топдим. Қўйида журналхонлар эътиборига ҳавола этилаётган «Қозоқ қариндошларимга очик хат» номли мақола шу жумладандир.

Нормурод АВАЗОВ,
Тошкент дорилмуаллимининг
ўқитувчиси.

АЗИЗ ҚАРИНДОШЛАРИМ! МУСУЛМОН БИРОДОРЛАР! Ҳаммангизга маълумдурки, Туркистон қозоғи, қирғизи, ўзбеги, туркмени, татарлари — ҳаммаси турк-мўғул болалари ҳамда жаҳонгир Чингизхон ва Темурнинг авлоди ёки оға-инидурлар. Туркистондаги араб, хўжа ва сайидлар-да ўз тилларини йўқотиб, балки турклашиб ва хатти арабликларини эсларидан чиқориб, сиз турк ва мўғуллар ила ҳар жиҳатдан бирлашиб кетгандурлар. Туркистоннинг энг оз шаҳарларида ва баъзи тоғларида бир оз форс, яъни тожиклар борки, алар ҳам камоли мусулмон ва сиз ила ҳаммазҳабдурлар. Тирикчиликларининг ўзбеклардан фарқи йўқ даражададур.

БАУРЛАР! Билинги ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билинги, ҳақ олинур, лекин берилмас. Инчинун мухторият-да олинур, лекин берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб, ғайрат ила олур. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлик қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта, ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар, бул албатта шундайдур ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмай-дур.

Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, ўзбек, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги, Қозоқистондаги ва Турк-

манистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яҳудий ва хиритиянлар бирлашиб, иттифок ила шу мухториятнинг амалга келишига саъй ва ҳиммат этмоғимиз албатта керакдур. Агарда бизга ўз бошимизга, шариат, урф ва одатимизга мувофиқ тирикчилик қилмоқ керак бўлса, ҳаммамиз вақтли низо ва манманлиқни қўйиб, ҳамма нарсани эсимиздан чиқориб, ёлғуз мухторият учун ҳар нимирсамизни фидо этмоғимиз лозимдур. Мундай фурсат ва замоннинг бизга қайтиб келиши маълум йўқ, қадрини билиб ишламоқ керакдур. Вақт ўтгандан сўнгра ўқинмоқ фойда эмас.

Шунда билинги қозоқ ўз бошига, шаҳар халқи ва атрофи ўз бошига эр билиб, бошқа-бошқа мухторият қилмоқчи бўлганда, иккиси ҳам муддаога етмай-дур. Сиз, қозоқ қариндошларимиз ори чўлдасиз, аммо сиздан бир қўб халқлар ҳам шаҳарларда ва шаҳарлар теварагиндадур. Тирикчилиги шундай нимирсаки, чўл ила шаҳар ва қишлоқ халқини бир-бирига боғлаганлар. Бир-биридан ажралиб яшай олмай-дур. Шеҳар халқи ила бирлашиб, мухториятни бошқаргонда сизларга зарар келмай, балки фойда келур.

Мухториятни бошқармоқ учун ёлғуз сизда кифоят этмаганингиз каби, ёлғуз шаҳар ва атрофдаги халқ ҳам кифоят этмас, балки иккингида кераксиз. Шунда билинги сизлар турғун халқ ила бирлашиб, мухторият қилган ила сиз ила турғун халқ учун биргина нўх қонун бўлмай, балки сизнинг тирикчилиги ва одатингизга мувофиқ алоҳида сиз учун нафихлик қонунлар ёзилур. Шариат ҳам кўчма ва чўл мусулмонларининг урф ва одатларига кенглик бергонлар. Сиз ўйламангки, турғун халқ ва ё шариат бизни қисадур. йўқ, билъақ сизга кераклик одатларингизни сизга қолдириб, сиз учун сизнинг зиёили вакилларингиз қонунлар тузайдурлар. Тоғ ва шаҳар халқи учунда бошқа-бошқа қонунлар тузалур.

Хатти Туркистондаги баъзи уезд ва шаҳарлар учун алоҳида қонунлар тузалур. На учунки, ҳамманинг тирикчилиги бир эмасдур. Яҳудий ва хиритиянлар учун-да бошқа қонунлар тузалур. Ҳар бир халқнинг одат ва мазҳабларига риоя қилинур. Хулоса: мухториятни миллат мажлиси ҳар бир халқга нафини кўзда тутуб қонун чиқарур. Агарда сиз, қозоқ биродорлар турғун халқидан ажралиб, ўзга мухторият қилурмиз десангиз, мундан сиз-да ва турғун халқ-да зарар кўрар ва, эҳтимолки, иккинги-да мухториятдан насиб бўлмас, аз баски куч тарқалур.

Бобонгиз Чингизнинг машҳур наси-

ҳати бор ва ўз ўғулларига айтиб эдики, бирлашингиз. Масалан: бир даста таёқни бирга боғласангиз, кимса синдирмас. Агарда ажратсангиз бирин-бирин ҳар ким синдирур. Мана бобонгизнинг буйруғи!

ЧИРОҒЛАРИМ! Бошқа халқлар, масалан: серблар, италянлар, армонлар, славиянлар, поляклар ва бошқалар, хатти дунёнинг у бир учиди қариндошлари ила бирлашур эканлар. Бошқа катта ва қузватлик давлатларга тобиҳ бўлуб, ютулуб, хатти тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоқга жон ва кучларини сарф этар эканлар. Биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак — уятдур, аҳмоқликдур. Турк томурига болта урмоқликдур.

Онг-ла қозоқлар ўйласунлар, тарихга қарасунлар зиёли қозоқлар, Европанинг ихтилоф солиб, миллатларни ажратмоқ сиёсатиға ва икки юзлилигиға қарасунлар. Бирлашгон Туркистон халқининг бўлунмоғиға ўзимиз сабаб бўлмасак эди. Барча ихтилофчилар ва бошқаларда албатта зарар кўрармиз ва ихтилофимизнинг жазосини тортармиз. У кунларимиза йиғлармиз, аммо фойда эмас.

ЧИРОҒЛАРИМ, БИРЛАШАЙЛИК! Кўрасиз, бу кунни руслар-да бирлашмоқдадурлар. Энди бирлашмоқ замонимиз. Агарда сиз айрилсангиз, туркман қариндошлар-да айрилса, Туркистон турклари уч ерга бўлунуб кетар ва барчага мухториятдан насиба чиқмай қолур. Еттисувдаги мусулмон қариндошларимизга ҳам айтатурғон сўзларим шудур.

Андаги хиритиянларга келгунча, алар билсунларки, Еттисувда кўб бўлсалар-да, бутун теварақларини мусулмонлар айлантуруб олгон ва аларнинг-да бизнинг мухториятга қўшилмоқлари албатта ўзлари учун лозим бўлгонидек, Туркистоннинг бошқа жойларидаги руслар учун-да фойдалиқдур. Чунончи алар қўшулса, миллат мажлисинда рус оғалари кучайур. Бизларнинг мухториятимиз жорий бўлгондан сўнгра, Еттисув русларининг қўшилмаслиқлари асло мумкин эмасдур.

Ёлғиз сиз ила биз эмас, бутун Русия мусулмонларининг бирлашмоқлари шариа ва ақлан фэрздур.

Ваътсамуо баҳаблалло жамиъо валотағра қува. Тангрининг сўзидур. Бошқа газеталарнинг кўчирмоқлари-да ражо ўлунур.

Муфти Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ.
«Ҳуррият» газети, 1918 йил 26-январь.
Нормурод АВАЗОВ нашрга тайёрлаган.

ЗУХРА НЕГА ТЕСКАРИ АЙЛАНАДИ?

МАЪЛУМКИ, Қуёш системасининг сайёралари ичида фақат Зухрагина тескари, яъни соат мили йўналишида айланади. Бу ҳақда осмон механикаси соҳасида танилган олим К. Куликов 1985 йили шундай ёзган эди: «Зухранинг «феъли» жуда ғалати. Биринчидан, у тескари айланади. Иккинчидан, Қуёш, Зухра ва Ер бир чизикда сафланиб [бу фалакиёт илмида пастки яқинлашув деб аталади], сайёралар орасидаги масофа энг кичик [41 миллион километр] бўлган пайтда Ерга доимо унинг битта «нуқтаси» қараб туради. ...Бундай ажойиб резонанс жумбоқли ва таажубланарлидир». Бу ҳақда бир қатор бошқа олимларнинг ҳам фикри шундай.

Биз бунинг Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни асосида осонгина шарҳлаб беришга муваффақ бўлдик. Қарангки, худди Ойдагидек, бу ҳам Зухра геометрик маркази унинг вазний марказидан Ер томонга $1,5 \pm 0,3$ километрга силжиганлиги натижаси экан. Бунинг Маровнинг қуйидаги сўзлари тасдиқлаб турибди: «... Бу тоғлардан Максвелл деб номланган бирининг ўрни Зухранинг юқори радиолокацион акс-садо берувчи (пастки яқинлашув пайтида Ерга қараган) юзасига айнан мос келади. Бу тоғ атрофдаги текисликдан 3—5 километр баланд бўлган каттагина «супа»нинг устида яна 6 километр баландликка кўтарилиб туради. Шундай қилиб, баландлиги бўйича бу тоғ тахминан Жомолуиғмага тенг экан».

Демак, ҳар гал пастки яқинлашув пайтида Ер гравитацияси фақат Зухра сайёрасининг ўзинигина эмас, балки унинг юзасидаги Максвелл баланд тоғини ҳам маълум куч билан тортар экан ва шу туфайли бу тоғ доим сайёралар ўзаро яқинлашганда Ер ва Зухранинг вазний марказларини бирлаштирувчи тўғри чизик устида, яъни Зухранинг Ерга қараган энг яқин «нуқтаси»да ётар экан. Осмон жисмларининг ташқи куч таъсирига ниҳоятда «сезгир»лигини ҳисобга олсак, бунинг ҳеч қандай таажубланарли жойи йўқ.

Маълумки, Ернинг орбита бўйлаб ҳаракат даври 365,25 кун, Зухраники эса — 224,7 кун. Агар уларнинг охириги учрашувидан бошлаб қилган ҳаракатини кузатсак, Зухра ҳаракатининг нисбатан тезлиги туфайли, аввалига Ердан ўз орбитаси бўйлаб «қоча бошлайди», энг узоқ масофага йироқлашгандан кейин эса Ерни қувиб етишга ҳаракат қилади ва 584 кун деганда унга етиб олади. Аёнки, бу давр ичида Зухра Ерга нисбатан ўз орбитаси бўйлаб бир марта кўпроқ айланиб чиқади.

Агар Зухранинг Қуёшни 2,35 марта айланиб ўтган вақтидан бошлаб босиб



ўтган йўлига разм солсак, Максвелл тоғи бу йўлнинг бошида тахминан Қуёш томон қараган бўлади, унинг Ер ва Зухра вазний марказларини туташтирувчи чизик йўналиши билан ташкил қилган бурчак оралиғи эса 90 даражага яқин. Бу пайтда Қуёшнинг Зухрани Максвелл тоғи орқали айлантириш моменти [унга гравитацион таъсир натижасида] нолга тенг, Ерники эса ўзининг энг юқори қийма-тига эришади. Ўз ўқи атрофида айланиш инерцияси ҳисобига Зухра борган сари Ерга Максвелл тоғи билан ўгирилишга интилади. Ер 50—60 кун ичида, яъни улар энг яқин масофада учрашадиган пайтгача тоғнинг вазний марказига таъсири натижасида Зухранинг деярли 225 кун ичида маълум миқдорга йўқотган айланиш тезлигини тиклашга кўмаклашади. Бу жараён ҳар 584 кун ичида қайтарилавергани учун Зухранинг ўз ўқи атрофида айланиш даври ниҳоятда барқарор катталиклардан биридир. Албатта, вақт ўтиши билан сайёраларнинг пастки яқинлашув даври ҳам ўзгариб боради, лекин бу ўзгариш одамзод тарихи мобайнида деярли сезилмайди, чунки у Қуёшнинг ўз ўқи атрофида айланиш тезлиги билан боғлиқ. Бу тезлик эса Қуёш системасидаги энг барқарор даврий катталиқдир.

Тўғри, қачонлардир Зухра ҳам Ер каби «муस्ताқил» сайёралардан бўлиб, ҳамма сайёралар каби ғарбдан шарққа айланар эди. Аммо «опа-сингиллар» ўртасидаги яқинлик Зухра учун зое кетмади. У кичикроқ бўлгани учун Ер таъсирига борган сари кўпроқ берила борди, айланиш тезлиги секинлашиб, кам бўлса-да, мавжуд дипол оҳанрабо майдони сустлашверди [бунга далил ундаги кучсиз оҳанрабо қолдигидир], охири у Ой каби ўзининг айланиш ҳаракатини йўқотиб, кейинчалик эса тескари то-

монга айлана бошлади ва ҳозирги замон резонансига дучор бўлди. Бу жараёнларнинг кечишида унинг зич атмосфераси ҳам анчагина қулайлик туғдирди, чунки у Ернинг тўхташтириш кучини Зухрага тузукроқ етказиб беришда яхши воситачилик вазифасини бажарди.

Шуни айтмоқ керакки, Ер ҳам Зухра билан яқинлашган кезларда маълум миқдорда таъсирланмай қолмайди. Унинг ҳам айланиш тезлиги Зухрага берган ҳаракат миқдори эвазига оз бўлса-да, ҳозирги замон асбоблари сеза оладиган даражада камаяди, лекин айлантирувчи кучнинг зўрлиги ва ўта фаоллиги туфайли [«Фан ва турмуш», 1991 йил 1-сонига қаранг] у тезда, тўғрироғи, кейинги учрашувгача ўз тезлигини тиклаб олади. Ер ўзининг айланиш тезлигини камайтирар экан, унда шамолнинг кучайиши, океаннинг тўлқинланиши ва ҳатто зилзила каби ҳодисаларнинг зўрайиши мўқаррар. Бундан келиб чиқадики, биз Ер табиятидаги ҳалокатли ҳодисаларнинг вақтини олдиндан айтиб бериш учун яна бир имкониятга эгамиз.

Шу асосда биз Зухранинг тескари айланишинигина эмас, айланиш ва орбитал ҳаракат давлари, Зухра суткасининг ҳақиқий узунлиги ва унинг шу каби бошқа даврий катталикларини илмий равишда асослаб, уларнинг ҳозирда кузатувлар асосида аниқлаб қабул қилинган эмпирик миқдорига нисбатан жуда катта аниқликда ҳисоблаб бердик ва бу Ер ҳамда Ой айланиш ҳаракатларидек Ихтиро ва кашфиётлар давлат кўмитасида рўйхатга олинди.

Биз бунинг — сайёралар ўзларининг дипол оҳанрабо майдонини йўқотгандан кейин рўй берадиган ҳодисани — уларнинг ўз ўқи атрофида айланиш қонуни даражасига кўтаришга муваффақ бўлдик. Бу — ҳозирги пайтда осмон механикасига янгилик сифатида киритилган яна бир айланиш механизмидир.

Айтилганлардан шундай хулоса чиқадики, демак сайёраларнинг ҳаммаси ўз ўқи атрофида бир хил қонун асосида эмас, балки ҳар бири ўзига хос ҳар хил кучларнинг натижаси бўлиши турлича қонунларга бўйсунган ҳолда ҳаракат қилар экан. Бу эса уларнинг ҳаракати инсон феъли каби турли-туманлигини ва балки худди шу асосда инсон ўзининг ҳеч бир вақти айнан қайтарилмайдиган тақдирга эга бўлишини сайёралардан меросга олганлигини исботлайди. Қолаверса, бу, диалектик материализмнинг яна бир бор тантанасидир.

Мақсуд ТУРСУНОВ,
Тошкент техника дорилфунунининг
доценти.

ҚАРШИ ФИКРМИ: МАРҲАМАТ!

Ойноманинг шу йилги 6-сонида «Жаҳаннам қаърида» номли мақолани ўқиб ҳайрон қолдим. Илмийлиги билан ном чиқарган «Фан ва турмуш» наҳотки шундай бўлмағур эртани босиб чиқарган бўлса? Ахир «Комсомольская правда» рўзномаси 1990 йилги 22 июль сонидаяқ Москвада баҳайбат каламушлар борлиги бўлмаган гап, бошдан-оёқ ғирт ёлгон, деб ёзиб чиққанди-ку! Кейин бошқа нашрлар ҳам бу нотўғри хабар дейишди. Ҳатто ўша мақола муаллифи Алексей Кузнецовнинг ўзи ўрни-тагида йўқ одам экан! (Бунақа ёлгон хабарни кўчириб босгандан кўра, техника ва биологияга оид янгиликларни кўпроқ ёзсангизлар яхши бўларди).

Умуман олганда, каламушларнинг бу хил мутациясига маълум йўналишда кўп йиллар мобайнида олиб борилган изланишлар натижасидагина эришиш мумкин. Унинг та-

содифан бўлмаслигини таҳрир ҳайъати аъзолари мендан 1000 чандон ортиқроқ билишади-ку! Агар улкан каламушлар чиндан ҳам бўлса, у ҳолда нега улардан халқ хўжалигида худди қуён ва нутриядан фойдалангандек фойдаланишмаяпти?

Хуллас, содда ўқувчиларни алдаб, эски чўпчакни босиб чиқарганингиз учун ойноманинг яқин сонларидан бирида расмий раддия бериб, менинг аччиқ хагимни босиб чиқаришингиз керак. Агар раддия бермасангизлар, мен учун ойноманинг ҳурмати йўқолади, деб

Ойбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,

Самарқанд Тиббиёт олийгоҳи толиби
(Самарқанд вилояти Жума шаҳридаги
Чернишевский кўчаси 35-уй).

Нима ҳам дердик, «Фан ва турмуш» бу хил «миннатдорчилик», ноўрин таънаю дашномларга энди дуч келаётгани йўқ. «Ишлаган гап эшитади» деб шунга айтсалар керак-да.

Лекин шусиз ҳам бу мавзунини давом эттириш мўлжалимиз бор эди. Бойси — кўплаб муштарийлар «Мақолада бир йил аввалги воқеалар ҳикоя қилинган, Москвадаги баҳайбат каламушлар билан жанг ҳозир қандай аҳволда?» деб ўринли савол беришган. О. Раҳматуллаевнинг «Фан ва турмуш»дан кўнгли қолмасин деб талабини бажардик:

«аччиқ хат»ини жузъий қисқартиш билан эълон қилдик. Фақат бизни бир нарса ўйлантириб қўйди. У биологияга оид янгиликлар ҳақида ёзинглар дебди, ажабо, баҳайбат каламушлар биологияга оид янгилик бўлмай нима ахир? Қолаверса, О. Раҳматуллаев 1990 йил 22 июлдаги хабарга асосланиб, «Фан ва турмуш»ни айблаяпти, биз эса унга жавобан энг сўнги янгилик — 1991 йил 6 июндаги хабарни келтиришни лозим топдик. Агар у шундан кейин ҳам ишонмаса — ўзига ҳавола.

КАЛАМУШЛАР БИЛАН УРУШДА ЕНГИБ ЧИҚИШ МУМКИН

БУ БОРАДА САМАРАЛИ ТАЖРИБА МАВЖУД, ЛЕКИН УНИНГ ХАРАЖАТИ ҲАМ БОР. БИРОҚ, ҲАР ҚАЛАЙ, ХАРАЖАТ КУЛРАНГ КЕМИРУВЧИЛАР ЕТКАЗАЁТГАН ЗАРАРДАН АНЧА КАМ БУЛАДИ.

Аввалига улар оқшом ғира-шираси тушгандан кейингина кўринишар — кундузи гўшт ва қандолат маҳсулотлари сотиладиган дўконлар остидан отилиб чиқиб, сийрак йўловчиларнинг олдидан шарпадек кесиб ўтишарди. Бора-бора уларни ҳовлилардаги ахлат қутилари ёнида ҳам кўрадиган бўлиб қолишди, айниқса болалар аниқ билишарди: очик қути устида каптар ё қарға йўқми, демак, ичида каламуш бор. Сўнгра сурбет кемирувчилар ертўлаларни босиб олишди, эндиликда эса кўп қаватли уйлarning зиналарида гўё хўжайиндек юришибди.

Айтишларича, ҳозир Москвада ҳар ўн кишига битта каламуш тўғри келар экан. Ҳозирча, албатта. Чунки бу кемирувчилар ўлгудек серпушт, ҳар гал 8-10 та бола туғади, уч ой ўтиб қараб-сизки, улар ҳам авлод бериб турибди-да.

Пойтахтга таҳдид солаётган бу хатар ҳақида «Труд» аввал ҳам ёзганди. Хатар чиндан жиддий: каламушларнинг шум қадами етган жойда вабо, терлама, сальмонеллез, лентоспироз ва ҳоказолар эпидемияси тарқалиши мумкин, улар 30 дан зиёд юқумли касалликни тарқатади. Енгин кўпайиб кетаётганида ҳам каламушларнинг ҳиссаси катта — улар электр узатмаларини ғажиб, қисқа туташувга сабаб бўлишмаяпти. Каламушлар дўконларнинг ёрдамчи хоналарида ва озиқ-овқат омборларида хўжайин — ҳар бири



бир кеча-кундузда ўз вазнининг ўндан бир улушига тенг овқат ейди, лекин янада кўпроқ маҳсулотни ифлослантириб, истеъмолга яроқсиз ҳолга келтиради...

— Мен каламушларни музлатиш хонасида кўрдим, — дейди Венгриядаги «Баболна» концерни биоэкология марказининг ходими Чаба Гутти. — Улар доимий паст ҳароратга мосла-

шиб, қалин жун билан қопланишган. Хонада музлаб ётган тўшларга ҳатто ўткир пичоқ ўтмайди, каламушлар эса тўшлар ичида бемалол лаҳм кавлаб юришибди.

Зараркунанда кемирувчилар ва ҳашаротларни қириш бўлимининг бошлиғи Чаба Гутти Москвага хизмат командировкаси билан келган — «Баболна» препаратларидан бизнинг гўшт комбинатларида фойдаланиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Венгерлар таклиф этаётган бромадиалон препарати ихтиро сифатида қайд этилганига ва ўттизта мамлакатда, авваламбор Венгриянинг ўзида муваффақият билан қўлланаётганига қарамай музокаралар қийинчилик билан бораёпти.

Венгрияда каламушларга қарши ҳақиқий уруш 1971 йили бошланган эди. Ушанда тахминий ҳисоб-китоблар ҳайратомуз натижа берди: 2 миллион аҳолиси бор Будапештда 2 миллион каламуш яйраб юрган экан! Улар етказётган йиллик зарар 400 миллион форингга тенг эди.

Шунда кемирувчиларни қириб ташлаш дастури ишлаб чиқилди. Икки йил мобайнида ишчилар бригадалари (жами 20 автомашинада 112 киши) шаҳарни айланиб, биронта бино қолдирмай заҳарли хўрак қўйиб чиқишди. Заҳар ҳам денг, оз эмас, кўп эмас,

Давоми 19-бетда

БАШОРАТГА ИШОНАСИЗМИ?

Муштарийларга яхши маълумки, кейинги йилларда биоэнергоинформатика соҳасига эътибор мамлакатимиз миқёсида кескин ошиб кетди. Бунга, бир томондан, фаннинг шу йўналиши ўз вақтида генетика ва кибернетика сингари қуввинга учрагани сабаб бўлса, иккинчидан, сўнги тадқиқотлар туфайли шу соҳанинг ўзи дунё миқёсида жадал ривожланди.

Хўш, биоэнергоинформатиканинг ўзи нима? Бу тор маънода жонли мавжудотлар ўртасида, кенгроқ маънода эса «микрососма» — инсон билан «макрососма» — Коинот ўртасида қувват-ахборот алмашинувидир. Утмишдан хабар бериш ва келажакни башорат қилиш ҳодисаси бевосита ахборот алмашинуви билан боғлиқдир. Биоэнергоинформатика соҳасидаги олимларнинг фарзига кўра, ўтмиш, ҳозирги давр ва келажакка доир жамияти ахборот бутун Коинотни қамраб олган микролептон газ майдонида сақланади, яна бир фаразга кўра, ўлган одамлар руҳи ҳам ана шу майдонда яшаб қолади.

Биобарин, мутахассислар фикри бўйича, болгариялик машҳур мулоқотчилардан Ванга руҳлар билан гаплашиб башорат қилгани ҳолда Вера Кочевская шу майдондан бевосита ахборот олади. Шунингдек, Аллан Чумак овоз эшитганда Жунa Давиташвили руҳни (отасини) кўради ҳамда бевосита ахборот олади бир йўла. «Фан ва турмуш» ойнамаси кейинги йилларда шу кишилар қаторида ўзбекистонлик мулоқотчилардан Муҳаббат Норматова, Хуррам Ашуров ва

бошқалар ҳақида ҳам ҳикоя қилган.

Яқинда эса муҳарририятда яна бир таниқли мулоқотчи Гулчеҳра Самадова меҳмон бўлди. У ҳақида Ўзбекистон матбуотида кўп ёзилган, шу боис ҳам бу тўғрида ортиқча тўхталиб ўтирмай, бевосита унинг башоратларига ўтаверсак. Бу башоратлар шу хил ҳодиса ҳақида кўп илтимос қилувчи ўнлаб-юзлаб муштарийларимиз учун қизиқарли бўлиши мумкин деб ўйлаймиз.

— Бултур жумҳурият «Билим» жамияти биносида ноёб қобилиятли кишилар билан қатор учрашувлар бўлиб ўтган эди, — деб ҳикоя қилади Гулчеҳра Самадова. — Ушанда «Пахтакор»нинг иккита ютуғини, Сан-Францискода эилзила бўлишини, Жигаристон фожиасини башорат қилдим, икки марта ёмғир тўхтатдим. Муаккиллар менга Кремлни кўрсатишганда уни тўсатдан қоронғилик қоплади. Бу — Москвада кескин ва ёмон ўзгариш бўлишидан дарак берарди. Август воқеалари фикримни тасдиқлади...

Гулчеҳра опадаги бу қобилият беш ёшида, уйку ва бедорлик ўртасидаги чегарада гўзал илсонлар билан учра-

шувидан бошланган эди. Орада маълум вақт ўтгач, унинг ҳузурига, айтишлари бўйича, Зухра сайёрасидан келадиган нуруний чол ва хотин-қизлар ҳамда ғарб тарафдан келувчи, бўйи 5-6 метрли одамлар ташриф буюра бошлашган. Ана шулардан бўлажак воқеалар ҳақида хабар олиш орқали башорат қила бошлаган Гулчеҳра опа. Муаккиллар бўлажак ҳодисани ё унинг кўзига кўрсатишади ёки шу тўғридаги хабарни дилига солишади.

— Бир сафар Тошкентда, машинада Абдулла Набиев номли боғга яқинлашадиганмида кўзимга қулаб ётган машина кўринди, — дея давом этади Гулчеҳра опа. — Бир неча дақиқа ўтиб ўша ерга борганимизда ўша машина сал олдин менга кўринган алфозда ётарди. Тошкент — Бухоро поезди ағанашини, бир кема чўкиши-ю фақат 27 киши омон қолишини, Чернобилъ фожиасини ҳам гувоҳлар иштирокида шу тахлитда башорат қилиб берганман. Орада бир неча кунгина ўтиб, шу ҳодисалар тўғрисида ойнаижаҳон хабар берди. Яқинда бир тайёра йўқолгани ҳақида маълумот берилди. Мен у ўрмонда ётганини кўраяман,

Бу тоғлардан қилич ўйнатиб Темур, юлдузларга қўл чўзиб Улуғбек, ўйга толиб Навоий, ғуссага ботиб Бобур, фарёд чекиб Машраб ўтган эди.

Сәид АҲМАД

(«Жимжитлик» романи)

Жиззахдан Самарқандга кетаверишда, шаҳардан чиқингиз билан йўл дара бўйлаб кетади. Машҳур Темур дарвозаси ҳам, Илон ўтди деган жой ҳам мана шу ер...


Илон ўтди дараси Туркистон ва Нурота тоғ тизмалари туташган жойда бўлиб, узунлиги 6 километр, эни 120—130 метр, энг тор жойи 30 метр. Даранинг қадимий туркий номи «Темур қопуғ» («Темур дарвоза») бўлган. Сангзор дарёси шу ерга келган пайтда қадимдан тез, илон каби сиқилиб, эгри-бугри бўлиб оқишига қараб, халқимиз дарага шундай ном бергани эҳтимолдан ҳоли эмас.

Геолог олим М. Толстихиннинг фикрига қараганда, Сангзор дарёси қадимги палеозой эрасида [345—350 миллион йил муқаддам] пайдо бўлган. У ўша кўҳна даврлардаёқ тўлиб-тошиб, ўзинини тўлдириб оққан энг серсув дарёлардан бири эди. Табиийки, Сангзор Илон ўтди дараси ва Жиззах шаҳрининг тарихи узвий боғланиб кетган бўлиб, бири ҳақида сўз кетганда иккинчиси тўғрисида гапирмай бўлмайди.

Жиззах воҳаси қадимдан деҳқончилик учун қулай ўринга жойлашгани билан ажралиб туради.

Бу тўғрида академик Яхё Фуломов шундай дейди: «Шош ва Фарғона чўлларидаги кўчманчи қабилаларнинг Зарафшон воҳаси шаҳар-қишлоқларига қилган талончилик юришлари фақат икки йўл — Жиззах ва Нурота орқали бўлган. Энг қулай ва яқин ҳисобланган биринчи йўлни

«ИЛОН ЎТДИ» ДАН ЎТГАНМИСИЗ?



Илон ўтди дараси — Туркистон ва Нурота тоғ тизмаларидаги ягона йўл бўлгани боис Ўрта Осиё тарихида катта аҳамиятга эга эди.

лекин айнан қаердалигини топиш қийинроқ, аммо мутасадди ташкилотлар ёрдам сўраса, бу ишга албатта киришаман.

Шу ўринда биз Гулчехра опадан бу башоратлар тасдиқланган бўлса ҳам барибир аллақачон ўтиб кетган воқеаларга боғлиқлиги, башарти муштарийларда ишонч уйғотишни истаса, бўлажак ҳодисалар ҳақида гапириб беришини сўрадик. Шундай воқеаларни башорат қилинганки, истаган одам бемалол текшириб кўра олсин дедик ва бир қатор саволлар бердик.

— Муаккиллар Ўзбекистондаги қийинчиликлар 5 йил давом этишини, шундан икки йил ўтиб, уч йили қолганидан хабар беришмоқда. Хуллас, яқин йиллардан халқимиз учун яхши кунлар бошланиши аниқ. Лекин ўша яхши кунларга эришиш осон эмас. Муаккиллар моғорлаган нонни кўрсатишяпти, бу ўқтисодий тангликдан дарак беради. Бошқача айтганда бу оғир давр ношукурчилик кучайиб кетгани учун синов палласидир.

Оролга ўнг томондан сув келади дейишмоқда муаккиллар, лекин бу хабарга изоҳ беришмади. Айрим тоғларда кўчки бўлади, Америкада ер ёрилади, сув босади, Ҳиндистонда кучли тошқин туфайли кўп уйлар бузилади. Муаккиллар ўрмон билан бир шаҳар ёнишини кўрсатишяпти, лекин қаерда бўлишини айтишмаяпти.

Гулчехра Самадова яна кўп нарсаларни башорат қилди, бироқ муҳтарам муштарийлар текшириб кўришлари учун шу ҳам кифоя деб ўйлай-

миз. Тўғри, бу башоратларда аниқ бир вақт йўқ, айтилаётган воқеа-ҳодисалар эртага ёки бир йилдан кейин рўй бериши ҳам мумкин. Умуман, башоратга хос маъхумлик башоратчиларнинг ҳар бирида учрайди. Бирон воқеани фалон йили фалон кун бўлади деб ҳеч ким башорат қилмаган ҳали. Бунга буюк башоратчи Нострадамус яққол гувоҳдир (ойноманинг шу йилги 3-сонига қаранг). XVI асрда яшаб ўтган фарангчи башоратчи ер юзидаги турли халқлар тақдирига оид юзлаб йиллик башоратлар қилган, лекин улар ниҳоятда туманли бўлгани учун ҳам турлича талқин этилган. Масалан, Нострадамус XVI асрдан туриб 1917 йилда Россияда инқилоб бўлади, лекин янги тузиладиган давлат 73 йил-у 7 ой яшайди, деб башорат қилган эди. Шу йил июль ойида марказий матбуот Нострадамус айтган пайт келди, лекин СССР йўқолмади-ку, деб жар солди. Бироқ Нострадамус ҳақ чикди барибир—СССР сентябрга ҳам бормай парчаланиб кетди. Қисқаси, башоратда аниқ вақт кўрсатилмаслиги билан муроса қилишга тўғри келади.

Гулчехра опа башоратчигина эмас, айни вақтда табиб ҳам. Шу боис баъзи дориларни муштарийлар билан баҳам кўришини илтимос қилдик.

— Юрак безовта қилганда, — дейди Гулчехра опа, — кўрпа ё кўрпачадан бир парча эски пахта олинад. Унга уйда боқиладиган товукнинг тухумидан икитасининг сарғи қўйилади ва устидан қанд ё шакарни ховон-



чада янчиб сепилади. Сўнгра иккала кафтда бадан орқадан сириб келиниб, дори кўкракка қўйилади. У 12 соат туриши керак.

Яна бир дори. ТОВАГА ЧАРВИСИ ОЛИНГАН ИККИ БўЛАК ТОВУҚ ЁғИ, бир стакан ўрдак ёғи қўшилиб, паст оловда қиздирилади. Бир стакан янчилган ёнғоқ мағзи (уни) ҳам қўшилади. Дори оч жигарранг бўлганда олов ўчирилади ва музлатгичдан бир стакан қиров (қор) олиб қўшилади. Илиқ ҳолга келганда дори белдан пастга суртиб чиқилади. У бод, оёқ оғриғи, шамоллашни даволашга, ўғил кўришга ёрдам беради. Остеохондрозда дори белдан пастга суртилганидан кейин бир кун ўтиб, куракка суртилади. Шунингдек, кўз атрофига айиқ ёғини суртиш кўз хиралашувининг олдини олади...

Муҳтарам муштарий! Мабодо қизиқсангиз, Гулчехра Самадованинг башоратларини текшириб, дориларини синаб кўришингиз мумкин. У яна кишининг фотосурати бўйича тақдирини айтиб беради, даволайди ҳам. Гулчехра Самадова билан боғланишни истаган одамлар бевосита унинг ўзига мурожаат қилишлари мумкин: уй телефони 29-50-26.

Жиззах 20 га яқин мудофаа истеҳкомлари, работлари ва Илон ўтди тоғ дараси билан ёлган бўлса, Нурота тизмалари Бухоро ва Кармана (ҳозирги Навоий) йўлига тўсиқ бўлган.

Жиззах Урта Осиёнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қўқон каби йирик шаҳарлари ўртасида, устига-устак савдо-сотиқ ва ҳарбий юришлар учун Туркистон тоғ тизмаларининг ягона ўтиш жойи — Илон ўтди дарасига қираверишда жойлашгани боис жуғрофий жиҳатдан ҳам, ҳарбий жиҳатдан ҳам катта қўлайликларга эга бўлган. Бинобарин, Шарқ билан Жанубни боғлаган Буюк Ипак йўли фақат Жиззахдагина кесишгани ҳам бежиз бўлмаса керак. Бу йўл Бағдод, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Чоржўй, Бухоро, Самарқанд, Жиззах орқали Уструшонога келар ва сўнг Чоч, Тараз, Болосоғун, Иссиқкўл билан Хитойга ўтиб кетар эди.

Қолаверса, Искандар Зулқарнайн юришлари ҳам Жиззахдан ўтган, босқинчи Чингизхон аскарлари Жиззах яқинидаги Учқулочдан темир қазиб олиб, ўқ-ёй ясаганлари ҳам манабалардан маълум.

Жиззах тарихини ўрганишда Яҳё Гуломовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. У раҳбарлик қилган ЎзФА Зарафшон экспедициясининг Нурота отряди дастлаб 1949 йили Илон ўтди дарасида ҳамда шаҳарнинг шимол томонидаги Тузкон атрофида узоқ вақт қазиб ишлари олиб борди. Археологларнинг изланиши туфайли Илон ўтди дарасида бундан 5 минг йил илгари ҳам одамлар яшагани аниқланди.

Яҳё Гуломов раҳбарлигидаги экспедициянинг археолог Абдулаҳад Муҳаммаджонов бошчилиги қилган гуруҳи

1956 йили Сайхонсой дарасидан ибтидоий одамлар қоятошларга чизган суратлар туркумини топди. Бу суратларда олис аждодларимизнинг турли ёввойи ҳайвонларни ов қилиш жараёни акс эттирилган. Неча минг йиллар оша бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган бу қоятош суратларининг қиммати шундаки, улар Жиззахнинг қадимги ҳайвонот дунёси ҳақида, ибтидоий овчиларнинг ов усуллари тўғрисида ёрқин тасаввур беради.

Айниқса, темирйилар даврида Жиззахга эътибор кучайди. 1425 йили Самарқанд ҳукмдори Мирзо Улуғбек шимолга юриш қилиб ғалаба билан қайтаётганда Жиззахда тўхтади ва Илон ўтди дарасининг қарама-қарши томони, Нурота тизма тоғи этагидаги тошга ўзининг буюк ғалабасини тарих қилиб ўйиб ёздиради.

1501 йилнинг апрель ойида шайбонийларнинг қаттиқ зарбасига учраган Самарқанд ҳукмдори Заҳририддин Мухаммад Бобур она юрти Андижонга чекинаётганда Илон ўтди дарасидан ўтади. «Бобурнома»да шундай сатрларни ўқиймиз: «Кеч номози дигар Илон ўтдидан ўтиб, от ўлтириб, этни пешлаб каبوب қилиб, отларимизни лаҳза тиндириб, отландук. Ул фурсатда Дизакга Ҳафиздўлдоднинг ўғли Тоҳир дўлдод ҳоким эди. Семиз этлар ва майда этмақлар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон... Мудоқ душман балосидан, очлик ибтилоосидан халос бўлиб, амонлиг роҳатига етишдик. Уч-тўрт кун Дизакда истироҳат қилдик. Андин сўнг Уратепа сари азимат қилдик».

Жиззах атрофидаги археологик изланишлар давом этмоқда. Улар бу кўҳна замин тарихининг янги-янги саҳифаларини очади деб умид қиламиз.

Абдурасул БОЛТАЕВ,
Жиззах дорилмуаллимини ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди.

Ўлкамиз тарихидан

АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАС

ЕХУД ОҲАНГАРОН МУАММОСИ

«Ўзбекистон табиий ва хом ашё ресурсларига бой. Буларнинг ҳаммаси — ер, сув, ўрмон ва ер ости бойликлари — республиканинг ажралмас мулки бўлиши керак. Лекин ана шу табиий бойликлардан ўйламай-нетмай фойдаланиб, тез ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжларини қондириш мумкин деган ўртоқлар хато қилади. Ҳар қандай табиий бойликнинг чегараси бор, у бир кун эмас, бир кун тамом бўлади. Уни қайта тиклаб бўлмайди. У бизга ота-боболаримиздан қолган меросгина эмас, балки биз авайлаб-асраб, янада ошириб боришимиз, келажак авлодларга етказиб беришимиз керак бўлган омонат ҳамдир».

Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримовнинг нутқидан олинган бу жумлаларда, заминимиз тақдирини ҳал қилувчи улкан маъно бор. Мен бунинг тасдиғи сифатида Оҳангарон водийси кўмир ҳавзасида келтирилаётган жароҳатлар ҳақида мунозара юритмоқчиман. Очiq усулда бир тонна кўмир қазиб олиш учун 7—8 тонна тупроқ «чиқиндис» кўкаламзор ерларга тўкилади. Бир йилда беш миллион тонна кўмир қазиб оламиз-да, 35—40 миллион тонна тупроқни атроф муҳитга, дарё қирғоқларига тўкамиз. Бу тупроқ аслида гилмоя бўлиб, жуда кўп соҳалар: чинни, сопол, ғишт, резина, алюмин sanoатлари учун ажойиб хом ашё, қишлоқ хўжалиги учун ўғитдир.

Ҳозирги шароитда эса улар табиатимизни бузишда фаол хизмат қилмоқда. Оҳангарон кўмир бойлигининг захираси чексиз эмас. Унинг туб қисмида икки миллиард тоннага яқин кўмир қатлами жойлашгани ҳолда устки қатламларида 10 миллиард тоннадан ортиқ гилмоя деб аталмиш бирламчи ва иккиламчи қатлами бор. Уларнинг ҳосил бўлиш даври 150—200 миллион йилни ташкил қилади.

Оҳангарон кўмир ҳавзасида очiq усулда қазиб олиш учун режаланган кўмир қатлами 1 миллиард тоннага боради. Ҳозирги ишлаётган техника билан қазиб давом этаверса, коннинг яна 150 йиллик умри бор. Баъзи бир хомхаёл мутахассислар эса 2000 йилга бориб Оҳангарон кўмир ҳавзасининг қудратини йилга 10 миллион тоннага (ҳатто 15 миллион тоннага) етказишни режалаштириб лойиҳалар тайёрлашмоқда.

Замонавий техниканинг иш унумдорлигида бундай қудратга эришиш муаммо эмас. Лекин оқибатда қандай экологик офатлар келиб чиқиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди, фақат кўпроқ ва арзон кўмир қазиб олинса бас!

Ҳозирги замон техникаси, фани, инсон қобилияти ундан ҳам ортиқ кўмир қазиб олиш имконига эга, масалан, «Экибастуз» кўмир ҳавзасида 1986 йили очiq усулда 86 млн. тонна кўмир қазиб олинди. У, бу миқдорни 100—150 миллион тоннага етказиш қудратига эга, чунки унинг захираси 100—110 миллиард тоннани ташкил қилади. Лекин унинг ҳам ўз муаммолари бор: қаҳратон қиш, устига устак қазилган кўмирни истеъмолчиларга ташиб бериш узоқ, вагонлар етишмайди ва ҳоказо.

Мамлакатнинг йирик конларига тақлидан биз ҳам «Ангрен» кони кувватини икки-уч баравар оширганимизда йилига 10—15 миллион тонна кўмир олинади. Шунга мутаносиб равишда 80—120 миллион тонна чиқинди ҳам оламиз. Бу чиқиндилар ҳозирнинг ўзида Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғига тўкилиб жуда кўп серҳосил ерларни

эгаллади, табиатимизнинг ҳайзонот ва набототини йўқотди. Аччиқ ҳақиқатни айтсам, бу «чиқиндилар» Оҳангарон водийсидаги унумдор ерларни, қишлоқ-шаҳарларни дафн этди: Тешиктош маҳалласи кўмилди, эски Ангрен, яъни «Соцгород»ни ўз боғ-роғлари билан «ер ютди» десак ҳам бўлади. Уларнинг ўрнида яна 20—30 йиллар ичида чиқинди тоғлари кўтарилажак.

Жигаристон фожоесида кончилик ишлари жадаллашувининг ҳиссаси ҳам бор. «Ангрен» конининг шимолига жойлашган Боғи сурх қишлоғида саккиз мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Бу қишлоқ аҳолисининг тинчи бузилган, чунки улар ҳам қўлларига кўчириш «патталарини» олганларига 5—6 йил бўлди. Булар барчаси очiq усулда қазиб олинаётган арзонга тушаётган кўмирнинг оқибатлари эканини ҳеч ким ўйламайди.

Ноҳия тарихидан мисол олсак, бундан 40—50 йиллар муқаддам яшаган халқ, меҳнат қилиб топган-тутганини «келажакда оилам билан тинч-роҳатда яшармиканман», деб уй-жой, ватан қурган, афсуски роҳатда яшаш даври келганда, умр бўйи қурган ватанларини бузиш учун «патта» олсалар?! Қайта-қайта ватан қуриш билан умри ўтаётган жафокаш ерли халқнинг дардлари юракларида тугун бўлиб қолган халқимнинг бундай жафолар чекишида айбдорлари йўқмикан?

Албатта бор: чамаси 50 йиллар муқаддам воҳамизда жойлашган кўмир ҳавзасининг майдон чегараси қазилма миқдори лойиҳалари, ўша давр муҳандис-геологлари томонидан батафсил аниқлаб берилганда эди, халқимиз бошига бундай кулфатлар тушмаган бўлармиди? Акс ҳолда Эски Ангрен шаҳри, завод, фабрикалари билан кўмир қатламининг устига қурилмасди, унинг атрофидаги қишлоқлар остида 30—40 ва ундан ортиқ метр қалинликда кўмир қатламлари бўлгани боис ўз вақтида кўчирилган бўларди. Шу вақтгача кўмир қатламларининг устига қурилган қишлоқ-шаҳарлар бузилиб, қайта-қайта қурилиши натижасида, жумҳурият маблағлари 2—3 баравар ортиқ сарфланган. Ўша даврларда марказдан келган муҳандис-геологлар ер остида кўмир қатламларининг чегарасини нотўғри, тахминий ҳал қилганлари натижасида, асосан ерли халқ жафо чекди.

Шуни айтиш керакки, очiq усулда кўмир қазиб олиш, шахтадан қазиб олиш усулига нисбатан анчагина устунлик томонлари бор: очiq усулда бир тонна кўмирнинг таннархи икки баробар арзон, меҳнат унумдорлиги ўн баробар кўп, ишлаш шароити, муҳити қулай ва ҳоказо. Мазкур формулалар бундан 80—100 йиллар муқаддам мутахассислар томонидан тақдим қилинган бўлиб, у даврда табиат муҳофазаси муаммоларига аҳамият берилмаган.

Ҳозирги шароитда ишлаётган бошлиқларимиз, муҳандисларимиз ва баъзи бир олимларимиз ҳам ўша эски формулалар мазмуни ва мантиқи таъсирида ишлашлари туфайли табиатимиз жуда катта зарар кўрмоқда. Ҳар йили, ер юзида заминимиз бағридан 35 миллиард тонна чиқинди қазиб ташланмоқда. Бу чиқиндилар ер юзидаги аҳолининг ҳар бирига 20 тоннадан тўғри келади, лекин Оҳангарон аҳолисининг ҳар бирига бу миқдор юз ва ундан ортиқдир. Ҳозирги шароитда Ангрен конидан чиқаётган чиқиндилар катта миқёсда тупроқ, сув, наботот ва ҳайвонот, қолаверса одамзотни заҳарляпти. Бу нохушликлар нархи юқориди келтирилган бир тонна кўмирни қазиб олишда таннархини белгиловчи формулаларга киритилмаган. Жумҳуриятимизда юзага келаётган экологик вазиятлардан қутқариб қоладиган тоғ, кон ва геология соҳаларида билимдон олимларимиз ҳам бор. Жумладан, ҳозирда



ТАБИАТ ЭЪЗОЗГА
МУҚТОМ



Боши 15-бетда

нақ 1.623.000 килограмм керак бўлди. Сарф-харажат ҳам шунга яраша — 182 миллион форинт эди. Бу маблағнинг бир қисми шаҳар бюджетидан ажратилди, шунингдек, бинолар, ер ости коммуникацияларининг эгалари ҳам қараб туришмади. Зотан, бу чиқимлар каламушлар келтираётган зарардан анча кам эди-да.

— Бироқ эндиликда, — дейди Чаба Гутти, — Будапешт каламуш деярли бўлмаган жаҳонда ягона шаҳардир. Масалан, бултур улар бор-йўғи 277 марта учраган, холос.

Чиндан ҳам 525 квадрат километр майдонни эгаллаган, 220 минг турар-жой ва ишлаб чиқариш бинолари бўлган шаҳар учун бу қарийб ҳеч нарса эмас.

дорилфунунга айланган (эски номи ТошПИ) Политехника билимгоҳида кон ишларини илмий йўналишда олиб борувчи, ер остида қазиб ёки ер устида қазиб олиш талқинларини (экологияни ҳам қўшиб) таққослаб қайта кўриб чиқиш юзасидан айрим тадқиқотлар олиб борилаяпти.

Хусусан, бундан 80—100 йиллар илгари олимларимиз томонидан чамалаб берилган формулалар давомига «экология» деган мантиқни қўшиб ёзиш муаммоси ишлаб чиқилса, балким ер остидан кўмир қазиб олиш, ер устидан қазиб олишга нисбатан устунлик қилиб, унинг таннархи баббаробар ёки камайиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасдир. Политехника дорилфунунининг кончилик куллиёти олимлари Москва кончилик билимгоҳи олимлари билан ҳамкорликда, Оҳангарон кўмирининг бир қисмини ер остида (ёндириб) газга айлантириб, тармоқли кувурлар ёрдамида истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича илмий ишларни ҳам давом эттирмақдалар. Бу иш халқимизни баъзи экологик офатлардан қутқариши мумкин эди, лекин 25—30 йиллардирки бирон ижобий натижага эришилмади.

Ўрта Осиё кўмир саноати бирлашмаси («Средазуголь») раҳбарлари муҳандис ва олимлари фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ва кўмир қазиб олишнинг таннархини пасайтиришгагина аҳамият бериб қолмасдан, лойиҳаларда табиатимиз мувозанатини сақлайдиган-экология муаммоларини ҳам ҳисобга олишлари мақсадга мувофиқдир.

Оҳангарон шароитида юқоридаги муаммоларни ечишда қуйидаги таклифларни баён қилмоқчиман.

Очиқ усулда кўмир қазиб олиш қувватини ўйламай-нетмай орттиравериш водиймиз умрини қисқартиради. Аввало шу тарзда давом этаверса, водизмизнинг 150 йилгина умри қолганлиги равшан. Агар кон қувватини ўн-ўн беш миллион тоннага оширсак у икки-уч баробар қисқариб 75—50 йилга етади, бу бир авлод умригина холос.

Ер ости (шахта) усулида кўмир қазиб олишнинг қувватини икки уч миллион тоннага етказиши мумкин, чунки ҳозирги замонавий шароитда мамлакат миқёсида бундан ҳам ортиқ кўмир берадиган шахталар бор.

Яна сўраб-суриштира бошладим. Маълумки, кулранг ва қора каламушлар ўта эҳтиёткор, биттаси заҳардан ҳалок бўлса, бошқалари унга умуман тегинмайди. Буниси ҳам майли-я, биронта хатар ҳақидаги ахборот бизга номаълум тарзда кейинги авлодларга ҳам ўтаверади. «Баболна»нинг био-экологик маркази бу тўсиқни қандай қилиб енгиб ўта олди экан!

Маълум бўлишича, бир лаҳзада таъсир этадиган одатдаги заҳардан каламуш жон аччиғида чийиллаб, талвасада жон беради. Бу бошқаларга унутилмас сабақдир. Бромедиалоннинг таъсири эса 4-5 кундан кейингина билинади, каламуш бошқаларни хавотирга солмай, худди қариб ўлаётгандек тинчгина жон беради. Бошқаларни ҳушёр тортирадиган ҳеч нима йўқ, ҳамма гап шунда. Бундан ташқари, ўлган каламушнинг организмиде кейин шериклари ҳид орқали сезиши мумкин бўлган ҳеч қандай из қолмайди.

— Худди шу тарзда, — дейди Чаба Гутти фикрини якунлаб, — биз 527 чорвачилик комбинати, 143 консерва фабрикаси, 30 дан зиёд аралаш ем заводи, 127 медицина муассасаси ва саноат корхонасини бу йиртқиқлардан тозаладик. Препаратимиз фақат каламушларнинг ўзигагина таъсир қилиши бор шу вақтгача одамлар ёки, айтайлик, қушлар заҳарланган биронта ҳодиса қайд этилмаган. Ваҳоланки, Бу-



дапештда шундай натижага эришиш учун йилга 150 тонна заҳарли хўрак ишлатилар эди.

Чаба Гуттининг фикрича, венгер препаратни ва уни ишлатиш технологияси Москва учун ҳам бемалол яроқли. Фақат масаланинг битта «лекин»и бор — мамлакатларимиз энди эркин истеъмолдаги валюта орқали ҳисоб-китоб қилишаяпти, бизнинг эса чўнтагимиз бўшроқ бу нарсага. Аммо ҳамма вақт бирон иложини топса бўлади — ҳисоб-китобнинг бошқа кўринишлари бўйича келишиб олиш, ҳамкорликда корхона қуриш ва ҳоказо йўллар кўп... Аҳвол шу даражада жиддийки, каламушлардан шикастланётган москваликлар — болалар ва катталар ҳақида ҳатто ТАСС хабар қилаяпти: йиртқиқлар кимнингдир бармоғини, кимнингдир, ухлаб ётган пайтида, бурни ёки бошқа бирон нимасини узиб кетаяпти. Бромедиалон биланми, бошқа бирон восита биланми, кулранг махлуқларга қарши уруш бошлаш пайти келди.

В. СВИРИН

(«Труд» рўзномасининг 1991 йил 6 июнь сонидан).

Оҳангарон кўмир қаврасининг бойлиги чеклангани боис кўмир қазиб олиш миқдорини ҳам чеклаш маъқул. Тўғри, кўмир ҳам керак — мамлакатимизда 1987 йили 718 миллион тонна кўмир қазилган. Бунда Ўрта Осиёнинг 1,5—2 фоиз ҳиссаси бор. Оҳангарон эса бир фоизга яқин кўмир беради, холос. Демак, биз кўмир билан ўз-ўзимизни таъминлай олмаймиз. Лекин жумҳуриятимизда (ҳатто Ангрен шаҳрининг ўзида) бошқа қимматбаҳо хазиналаримиз ҳам борки, шулар ҳисобига бошқа жумҳуриятлар билан мутаносиб нархларда мол айирбошлашимиз мумкин.

Заминимиз бағридан қазилиб, номаълум томонларга жўнатилаётган жавоҳирларнинг умумий келтираётган фойдасидан бир қисмини ноҳиямизда пайдо бўлаётган экология жароҳатларининг, офатларининг олдини олишга, уй-жой қурилишига сарфласак, у ҳолда халқимиз юракларида сақланиб келаётган дардларига шифо бағишлаган бўлур эдик.

Ер бағридаги бойликларни очиқ усулда қазиб олишни қуйидаги фожеа билан таққослаш мумкин: маълум миқдорда балиқ уруғини олиш мақсадида бутун бошли осетра балиғини ушлаб, қорнини ёриб ўзини нобуд қилинар эди. Замондош олимларимиз шундай сунъий камар (балиқ ини) ихтиро қилдиларки, балиқнинг ўзи шу камарга кириб, уруғини ташлаб кетади, бу уруғини эса осонгина сузиб олиш мумкин. Демак, балиқ ҳаётини инсон ақл-заковати сақлаб қоляпти. Ер бағридаги бойликларни ҳам очиқ усулда қазиб, заминимиз қорнини ёрмасдан, чиқиндилар билан она сайёрамиз, водиймиз сатҳини ифлослантirmасдан, экологик соф усулларни қўлласак, миллион йиллар ҳисобига бунёд бўлган заминни кўз қорачиғи мисол сақлаб қолган бўлур эдик.

Зокир СОБИРОВ,
Тошкент Политехника дорилфунунининг
Ангрен шаҳридаги Кечки умумтехника
куллиёти катта ўқитувчиси.

ЖУНА БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Рустам ОБИД.

— Ҳар бир оилада, — дейди Жуна, — аёл киши эри билан фарзандларини унча-бунча касалликлардан ўзи даволай олади.

Ва... шунга йўл-йўриқ кўрсатади. Яқинда «Иби Сино» нашриётида унинг «Қўлларимни тинглайман» номли асари чоп этилди. Унда Жуна Давиташвили қон босими ошиши ё камайиши, бўйрак касаллиги, толиқиш, уйқусизлик, оёқ оғриғи, бош оғриғи, кўз конъюнктивити, гилайлик, астигматизм ва бошқа хил кўз касалликлари, гайморит, тумоқ, қулоқ яллиғланиши, миёла яллиғланиши, ички фаолқиятининг бузилиши, тиш оғриғи, турмушдаги жароҳатлар, эт узиллиши, куйиш ва бошқа талай касалликларни даволашнинг осонгина йўлини кўрсатади.

Энг муҳими — бунинг учун на шифокор ва на дори-дармон керак. Иккита қўлингиз борлигининг ўзи кифоя. Ҳа, муҳтарам муштарий, тўғри топдингиз: гап биоток устида кетяпти. Гап шундаки, биоқувват ҳар бир одамда бор. Жуна уни йўналтириш усулларини ўргатади, холос. Масалан, ҳар қандай одам яқин кишидаги гипертония ва гипотония касалликларини атиги 3—4 кун ичидаёқ даволай олиши мумкин. Ҳатто Жуна аёлларга қандай қилиб ёш кўриниш сирларини ўргатади. Ана шу сирларни ўрганиб олиш учун эса унинг «Қўлларимни тинглайман» номли китобини ўқиб чиқиб кифоя.

Бу гаройиб китобнинг айрим бобларини «Фан ва турмуш» ойнамасининг 1989 йилги 3—4-сонларида таржима қилиб берган эдим. Шундан сўнг Сиз, азиз муштарийлардан келган юзлаб-минглаб мактуб-илтимосларга асосан муҳарририят мени Москвага, Жуна ҳузурига йўлади. Ва мей Жуна Давиташвили билан учрашиб сизларнинг кўп саволларингизга жавоб олдим. Бу тўғрида «Фан ва турмуш»нинг ўша йилги 9-сонинда «Жуна билан учрашув» номли мақола берилди; саволларингиз унга бевосита етиб борганига ишонч ҳосил қилишингиз учун эса муқовада сизлар номингиздан Жуна билан тушган суратим ҳам эълон қилинди.

У гўё сеҳргар... Ёнида ўтирсангиз туриб кетгингиз келмайди. Бирам ёқимли, бирам ёқимлики, кўзларидан нур таралади. Бу унинг аураси туфайлидир — ҳар бир одамнинг аураси ёки биомайдони 3—4 метрга борса, Жунага ўхшаганларники 30—40 метрга етади, айтишларича, Будданинг аураси бутун бошли бир шаҳарни эгаллар экан.

— Нафақат Ўзбекистон, балки бутун Урта Осиё бўйича сизнинг диспетчерингизга айланма қолдим-ку! — дейман ҳар сафар Москвада бўлганимда.

— Қўвер, Рустам, — дейди Жуна кулиб, — ўқишинга қанча кўп одам юборсанг, халқингга шунча кўп ёрдамнинг тегади.

Ҳар қалай, бутун Урта Осиё бўйича Жунанинг курсларига юзлаб одамларни юбордим, улар ўқиб келиб ҳозир минглаб беморларни даволашмоқда. Мен эса бу орада сизларнинг илтимосингизга биноан «Фан ва турмуш» орқали берган ваъдамни бажаришга — Жунанинг асарини ўзбекчага таржима қилишга овора эдим. Мана, сизларнинг олдингизда юзми ёрғу эди — Жуна Давиташвилининг «Қўлларимни тинглайман» номли асари ўзбек тилида



нашр этилди. Марҳамат, топинг, ўқиб фойдаланинг.

Бу ноёб китобни топа олмаганлар, шунингдек, китоб савдоси бўйича виллоят ташкилотлари қуйидаги адресга буюртма беришлари мумкин: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, «Ўзбекитоб» ташкилотига.

Энди, Жуна тўғрисидаги тасаввурингиз тўлароқ бўлиши учун унинг китобига кирмай қолган ёки кейинроқ рўй берган воқеалардан яна нималарни айтиш мумкин! Унинг табибликдан бошқа кўплаб қобилиятлари ҳам борлигини аввал айтиб ўтганман. Шерлар «Огонёк», «Литературная Россия», «Октябрь», «Дружба народов», «Юность» ва бошқа нашрларда чоп этилган. Сурат чизишни-ку ҳануз тарк этмайди.

Бир гал Жуна портрет чизаркан ҳадеб безовта бўлаверди, унга нимадир ҳалақит берарди гўё. Асар битгач, Жуна портретнинг кўзларига қаради-ю унинг нигоҳидаги иблисона кучдан ҳайратга тушди. Асар ошхонага олиб чиқиб қўйилди. Орада маълум вақт ўтгач, шу пайтгача сурат олдида турган стаканлар полда чил-чил бўлиб ётганини кўриб қолишди. Жуна бунга эътибор бермай, синиқларни йнгиштириб ташлади. Яка бирманча вақт ўтиб, столга чашкалар қўйилганди, уларнинг ҳам кўни битган экан. Ана шундан кейингина Жуна

бу ерда бир гап бўлиши керак деб ўйлади ва атайлаб бирон нима қўйишни таклиф этди. Сурат рўпарасига стол устидан ўзинча қулаб тушиши мумкин бўлмаган ацетонли идишчаларни қўйишганди, улар чарсиллаб синиб кетди... Шунда Жуна портретга яқинлашди ва кафти билан унинг кўзларидаги бўёқларни сурқатиб ташлар экан «Буюк бир аёл ҳалок бўлади!» деди... Орада икки кун ўтгач Индира Ганди ўлдирилгани ҳақида хабар тарқалди... Бу башоратга кўплаб кишилар гувоҳ бўлган.

Кўпчилик унга ишонмаслигини Жуна тушунмайди дейсизми, тушунади, бироқ ишончсизликка қасдма-қасд ўлароқ сиёсий арбобларнинг тақдирини, ижтимоий ва табиий ҳалокатларни башорат қилаверади. Жуна Чернобиль воқеасини ҳалокат юз беришидан ярим йил олдин айтиб берган. У бирон воқеа-ҳодисани башорат қилмоқчи бўлса, кейин кимлардир фирибгарликда айблаб юрмаслиги учун албатта шу ҳодисага мўтлақо алоқаси бўлмаган гувоҳлар иштирокида башорат қилади. Бора-бора видеокамера унинг домий ҳамроҳига айланиб қолди, хилма-хил тажриба ва суҳбатлар, жумладан, кўзларидаги бўёқ сурқатиб юборилган портрет воқеаси ҳам шу тарзда суратга олиб қолинган.

Жуна билан учрашувларимдан кўрдимки, у яшашга ошиқдир. Қиссани диққат билан ўқиб чиққан китобхон пайқайдики, у ҳамма нарсага баравар кўл уради ва... ҳамма нарсада муваффақиятга эришади. Гўё саҳрони ҳозиргина кесиб ўтган ва ташналигини сира қондира олмаётган йўловчига ўхшайди у. Бундоқ бир ўйлаб кўрсак, аслида ҳам шундай. Жуна Кремль табиби сифатида неча йиллар мобайнида халқдан ажратилиб, «хусусий мулк» тарзида яшириб қўйилмадимми ахир! Башарти уни тинч қўйишган бўлса, бунга ёлғиз бир нарса — ҳокимият тепасида турган бемор қариялар унинг шифобахш қўлларига муҳтож эканликлари сабаб бўлган, холос.

Олиқаноблик у ёқда турсин, ҳатто оддий раҳматин билмайдиган бу кимсалар уни қанчалик хўрлашганини Жуна эслагиси ҳам келмайди. Ҳокимият тепасида турганлар ҳам, уларнинг сон-саноксиз қариндош-уруғлари ҳам Жунанинг мўъжизавий қобилиятинан мамлакатнинг миллий бойлигига мансуб жамиким нарсадан қанчалик фойдаланишса, шунчалик бемалол фойдаланишар, на қилча хижолат чекишар ва на виждонлари қилча азобланарди. Одамни дори-дармонсиз даволашдек ноёб қобилиятнинг ўзи нима эканлиги уларни ҳатто ажаблантирмасди ҳам. Жунадан фақат бир нарса — қариб-чўриб, ҳилвираб қолган мана шу вужудлар ва ақллари жонли аккумулятор янглиг бир амаллаб сақлаб туриш талаб этиларди, холос.

Жуна уларнинг заифлигини, дардларининг барини кўриб турарди, бемор одамга жонини ачмай қололмасди, албатта, бироқ эркесвар ва асов феъл-атвори ҳам бўш келмасди: ўзаро жанжаллар, юриб кетаётган «чайка»лардан сакраб туриб қоладиган ҳоллар ҳам бўлиб турарди. Ноёб қобилиятли марғур аёлининг исталган сафсатабоз уни фирибгарликда айблаш осон бўлган бир даврда яшашини тош маънода қил устидаги ҳаётнинг ўзгираси эди.

Пировард оқибатда шундай бир кун

МАРЯММИ ЁКИ ЁВВОЙИ МУРЧ

Шу номли дарахт ҳақида эшитганми-сиз? Тўғри, уни турли вақтда халқлар турлича ном билан аташган. Абу Райҳон Беруний асарларида ёзилишича, румликлар марям дарахтини агнус, бантатамун, сурияликлар — ҳамшатарфа, арахава, форслар эса панжангушт деб юритишган. Руслар ҳам унга бир неча қизиқ ном берган: прутняк священный, Авраамово дерево ва ҳоказо. Узимизда уни ёввойи мурч деб ҳам аташади.

Термиз шаҳрида Мурч бобо деган мачит ва унга боғлиқ ривоят мавжуд. Қадимда савдогарлардан бири хориждан мурч келтириб сотар экан. Уни бир кун қароқчилар тунаб кетишган ва ўша ерда савдогарнинг мурчи тўкилиб дарахт кўкариб чиққан эмиш. Ҳақиқатан мачитда ёввойи мурч дарахти ўсиб турибди.

Марям дарахти тизимгупдошлар оиласига мансуб бўлиб, Ғарбий ва Шарқий Осиёда, Болқон ярим оролида, кичик Осиёда (асосан Эронда) кенг тарқалган. Шунингдек Кавказ, Крим ва Урта Осиёда тоғ, водийларда, дарё ва сой бўйларида ёввойи ҳолда ўсади. Ўзбекистонда эса унинг 2 тури учрайди. У ўзининг узун бўйи (3—4 метр), чиройли барглари, бинафша гуллари билан кишини ўзига мафтун этади. Урта Осиёда биринчи бўлиб ғожикистонлик ботаниклар бу ўсимликни маданийлаштирган.

Бу ўсимликнинг барги, гули ва мевасида эфир мойлари мавжуд. У ҳавони микроб-



лардан тозалайдиган фитонцидларга ҳам бойлиги билан ажралиб туради. Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари»да ёввойи мурч қуйидаги касалликларга фойда бўлади, деб ёзади.

Масалан, бу ўсимликнинг баргидан тайёрланган дамлама билан дармонсиз, камқувват кишиларни даволаш мумкин.

Жигар ва талоқ касалликларига фойда қилади. Ёввойи мурчдан тайёрланган дорн сут ишлаб чиқарувчи безлар фаолиятини яхшилайти. Қайнатмаси эса илон чакқанда, қутирган ит тишлаганда фойда қилади.

Ёввойи мурчнинг айрим турларда ҳали ўрганилмаган безгаки тўхтатувчи алколоид борлиги тўғрисида маълумотлар бор. Халқ табибатида у турли касалликларни даволашда фойдаланилган. Масалан, тери касалликларини, жумладан қичимани даволашда дорн сифатида ишлатилади. Бундан ташқари, халқ табибатида жигар, талоқ, хотин-қизлар касалликларини даволаганлар. Қўл-бетлар шишганда ҳамда суяги оғрийдиган, хуввати кам кишиларни даволашда анча фойдаси теккан.

Юқорида қайд этилган хасталикларни даволашда ўсимликнинг қайнатмаси ишлатилган. Бунинг учун унинг барги ва ёш новдалари майдаланиб, эритма сариқ рангга киргунча сувда қайнатилади. Сўнгра 3—4 соат тиндирилгач, фойдаланиш мумкин. Ана шу қайнатма билан юз-қўл ювилиб турса, киши ҳуснини очади.

Ёввойи мурч зиравор ўсимлик сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. У помидор, олма, қароли каби мева ва сабзавотни тузлаш ҳамда консервалашда қора мурч ўрнида ишлатилади.

Биз Термиз Давлат дорилмуаллимнинг ўқув-тажриба ер майдонида ёввойи мурчни кўпайтиришга доир тажрибалар ўтказдик. Бунинг учун унинг қаламчалари март-апрель ойларида яхши юмшатишга жойга экилса, беҳато ўсиб чиқади. Албатта, у маълум қаров талаб қилади.

Марям дарахти экилгандан кейин шу йилнинг ўзида гуллаб бўйи бир метрга етади. Бу ҳам манзарали, ҳам фойдали ўсимлик кўпаламзорлаштиришда фойдаланилса, шаҳар ва қишлоқлар кўркіга кўрқшган бўларди.

Қ. ЖУМАЕВ,

Термиз Давлат дорилмуаллимнинг доценти, биология фанлари номзоди.



НАБОТОТ ОЛАМИДА

келдики, унинг қобилиятларига астойдил «қизиқиб қолишди». Жунани ташқи оламдан буткул яшириб қўйиб, охири кўринмайдиган тажрибаларда қайта-қайта текширишлар бошланиб кетди. Ертўлаларга олиб тушиб қобилиятларини кўрсатишга мажбур қилишарди. Жунанинг эса ўзига ишончи тобора ортиб борар, бу бемаъни мусобақада ютқазиб қўйишни ҳатто хаёлига келтирмасди. Бақанинг ажратиб олинган юрагини жонлантира олди... Қон плазмасини тақлиф қилишганда унинг таркибни ўзгартириб юборишга муваффақ бўлди...

Ўзидаги ноёб қобилият нималигини биллаб этиш мақсадида Жуна тиббиётини жиддий ўрганишга киришди. Талай-талай китобларни ўқиб чиққандан кейин эса турли касалликларни даволашдаги усулини расмақ ифодалаб бера олди.

— Даҳшатли пайтлар эди, Рустам, — деб эслайди Жуна, — лекин барибир мени йўқотшолмади улар.

Жунанинг ишларига разм солиб борсангиз, у бир вақтнинг ўзида бутун дунёга керакдай туюлади. Рим папаси ундан қадимги азият-авлиёлар беморларни қўл тегизиб даволай олишганини ксботлаб бергани учун миннатдор. БМТ бедаво дардлар устидаги тажрибалар учун хурсанд.

Жунани олиб қолишга қайси мамлакатларда урниниб кўришмади, қандай тилла

тоғлар ваъда қилишмади дейсиз. Бироқ ер юзюнда унинг учун муқаддас жой яқкаю ягона — она Ватани.

Бир сафар Жунани Рим папаси рождество байрамига тақлиф этди. Италия журналистлари эса телестудияга чақиришга муваффақ бўлиб, у билан икки соатли суҳбат уюштиришди, бу кўрсатув бир йўла учта программа бўйича бир вақтда намоён қилинди... Аввалига ҳамма нарса кўнгилдагидек бораётганди. Жунанан муолажа усули, ғаройиб қобилиятлари ҳақида сўрашар, у бажонидил жавоб берарди. Шу пайт кўрсатуви олиб бораётган кимса бизнинг мамлакатимизга нисбатан менсимган, беписанд оҳангда гапириб қолдику. Ҳозиргина қувноққина бўлиб ўтирган Жуна азбаройи туюққанидан лов этиб ёнди-кетди, шунақанги гапларин гапириб ташладики асти қўяверасиз, охирида эса агар бу кимса менинг ватанимни тинч қўймайдиган бўлса, мен Римга бирон табиий офат, масалан зилзилани юбораман деди.

Шу кечас Римда ер қимирлади. Олти балли зилзила шаҳарни яхшигина силкитиб қўйди. Эрта тонгда эса Жуна яшаётган меҳмонхона олдига совет элчихонаси автомобиллари тизилиб кетди. Ходимларимизнинг тушунтириб беришларича, маҳаллий ҳокимият Жуна ҳозироқ ватанига қайтиб кетсин деб сўраган эмиш.

— Италиялар ҳазилкамига кўрқиб

кетишмаганди ўшанда, — деб қувлик билан кулади Жуна.


Ҳикоям сўнгига бир нарсани айтмай ўтмасам бўлмас. Бу серқирра истеъдод соҳибасининг Тинчлик музейи очишдек гўзал орзуси бор. Ҳақиқатан, бағоят гўзал ва ажойиб орзу. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, муҳтарам муштарий: ер юзюда шунақа музей борми ўзи! Лекин айни вақтда ҳар бир мамлакатда уруш музейи бор. Илло, инсоният тарихи — урушлар тарихи демакдир.

Жунанинг шеърлари, ривоятлари, фантастик асарлари, китоблари, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари, қўшиқлари ва рақслари, медаллари ва унинг пойтахтида яратилган муолажа кўрилмалари ва ҳоказоларнинг бари улар билан танишишни истаган кишиларнинг ҳаммасига етиб бора олмайдди, албатта. Тинчлик музейи эса шуларнинг жамини қамраб олади ва ягона мақсадга — инсоннинг руҳию жисмини даволашга, сақлаб қолишга қаратилади.

Илоё, Жунанинг орзуси ушалсин. Унинг музейига, майли, турли худоларга сиғинувчилар ва умуман ҳеч нарсага ишонувчилар киришсин. Жуна деган бир шахсга эмас, Инсон истеъдодига таъзим қилишсин. Мен эса Жунанинг тарғиботчиси ва таржимон сифатида улкан қалби осурий киз қўл урган Улкан савабга бир чимдим ҳисса қўша олганимдан беҳад мамнунман.

ЧАНГДАН

ТОЗАЛАБ



вий таркиби (тозалаш усули ва чанг-тутгич асбобларни танлашда), намлиги ва ҳарорати (чангтутгич асбоблар ва ҳаво ўтказувчи қувурлар учун иш кўрсаткичларини танлашда), чангла-ниш (чангтутгич ва чанг ташиш қурил-маларининг қувватини танлашда). Отилманинг ҳисоблаб чиқилган кўр-саткичлари қўлланган чангтутгич ас-бобнинг техникавий тавсифномалари-га мувофиқ бўлсагина қурилманинг тозалаш самарадорлиги ва ишга чи-дамлиги таъминланади.

Масалан, асфальт аралаштиргич қурилманинг отилмасини чангдан тозалашда чангтутгичнинг иши мурак-каб шарт-шароитга — газ-ҳаволи ара-лашма ҳажми кенг кўламда ўзгариши-га, чангнинг дастлабки миқдори зич-лигига, чанг зарраларининг ўлчамига, газ-ҳаволи аралашманинг ҳарорати ва намлиги ошишига мослашган бўлиши керак. Чангтутгични танлашда қуруқ тозалаш усулига алоҳида эътибор берилади, чунки ҳўл тозалаш усули тошқол ва оқава сув билан қайта иф-лосланишга олиб келади ва қайта тоза-лашни талаб қилади.

Асфальт аралаштиргич қурилма-нинг отилмасини юқорида айтилган хусусиятларни тўла эътиборга олган ҳолда тозалаш системаси Тошкент автомобиль ва йўллар олий билим-гоҳида ишлаб чиқилган. Ушбу система якка циклон (биринчи босқич), алоҳи-да бункери бўлган циклонлар гуруҳи (иккинчи босқич), уларни бирлаштир-ган ҳаво ўтказувчи қувурлар, ҳаво-тўплагич, мўри ва шнекдан иборат.

Асфальт аралаштиргич қурилма-нинг иш вақтида газ-ҳаволи аралашма биринчи босқич циклонига қуришти-барабанидан келтирилади. Бунда йирик чанг зарралари чўкади. Кейин газ-ҳаволи аралашма вентилятор орқали иккинчи босқич циклонларига боради. Бунда ўрта ва майда чанг зарралари чўкади. Иккинчи босқич циклонларида тозаланган газ-ҳаволи аралашма ҳаво тўплагичда йиғилади ва мўри орқали атмосферага чиқариб

Чанг заррасининг кўриниши: биринчи босқич циклонига кирверишда (а), иккин-чи босқич циклонига кирверишда (б), иккинчи босқич циклонидан чиқаверишда (в).


Жадвал

Табиат борган сари ғорат бўлаётган-лиги, ҳаво, сув, тупроқ ифлосланаёт-ганлиги тўғрисида кўп сўзлар айтил-моқда. Уларни муҳофаза қилиш йўли-да талай тадбирлар амалга ошири-лаётганига қарамай, натижа кўнгил-дагидек бўлмаётганлигининг ҳамма-миз гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бу борада олимларимиз кейинги вақтда бир қанча самарали таклиф-ларни киритишди. Жумладан, ҳавони ифлослантираётган завод ва фабрика-лардаги чангтутгич ва бошқа тозалаш

иншоотларини яратиш ҳамон муаммо бўлиб турибди. Масалан, асфальт-бетон корхонасидаги асфальт аралаш-тиргич қурилманинг қувур орқали атмосферага чиқариб юбориладиган отилмаси — газ-ҳаво аралашмасини чангдан тозалаш ҳам шу хил муам-молардан биридир.

Бу хил тозалаш системаларини лойиҳалашда отилманинг қуйидаги кўрсаткичларини назарда тутиш зар-рур: ҳажми (чангтутгич асбобларнинг катталиги ва турини танлашда), кимё-



Кўрсаткичлар

Тозалаш системалари

1. Тозалаш самарадорлиги
2. Циклонлар, ҳаво ўтказувчи қувурлар ва шнекнинг чангга тўлиши
3. Циклонлар ва ҳаво ўтказувчи қувурлар деворининг абразив ейилиши
4. Циклонларнинг аэродинамик мустаҳкамлиги
5. Вентилятор-чангажратгичнинг иш муддати
6. Чанг ҳавога тарқалиши (ЭХМ ёрдамида «Эфир-5» дастури бўйича ҳисобланган)

икки босқичли циклонли
96—98
бирор марта ҳам бўлма-ган
йўқ
алоҳида бункерлар қўлла-ниши ҳисобидан таъмин-ланди
беш йил
540,8 м масофада йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорнинг 0,089 ҳиссаси-га тенг

циклонлар гуруҳи ва вентилятор-чанг ажратгич
65—70
ҳар уч ойда тозаланади
ейилган жойлар ҳар йили ямалади, ҳар икки йилда циклонлар бутунлай алмаштирилади умумий бункер қўлланиши туфайли циклонларда бир-бирига газ-ҳаволи аралашмани ўтказиш ҳодисаси мавжуд
икки йил
163,2 м масофада йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорнинг 5,242 ҳиссасига, 5000 м масофада эса 0,3 ҳиссасига тенг.

юборилади. Циклонларда чўккан чанг шнек ёрдамида «иссиқ» элеваторга, яъни асфальтбетон тайёрлаш технологиясига қайтарилди.

Асфальт аралаштиргич қурилманинг отилмасини чангдан тозалашда икки босқичли циклонли система 1985 йил декабрь ойида Ўзбекистон Автомобиль йўллари вазирлигига қарашли Бекобод асфальтбетон цехига ўрнатилган эди. 1986—90 йиллар мобайнида унинг ишлаши кузатилди. Айни вақтнинг ўзида Кременчугдаги заводда ишланган тўртта циклон, умумий бункер ва вентилятор-чангажратгичдан иборат тозалаш системаси ҳам назорат қилиб борилди. Бир хил шарт-шароитдаги икки тозалаш системасининг иш кўрсаткичлари жадвалда келтирилган.

Хуллас, циклонли тозалаш системасининг беш йиллик иш натижалари яхши. Айниқса, абразив ейилиш йўқлиги диққатга, сазовор. Хўш, бунинг сабаби нимада? Йирик улчамли, яъни абразив чанг чўкадиган биринчи босқич циклонли конструкцияси чангланган газ-ҳаволи аралашманинг тезлик тартибини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Унинг одатдаги тезлиги 3,5 м/с, циклонга кириш тезлиги 8—10 м/с тенг. Бу хил тезликлар эса циклон девори ейилишига олиб келмайди.

Ишлаб чиқилган тозалаш системасининг конструкцияси чангни чўктириш самарадорлигини қуйидаги ҳисобдан оширди: 1) газ-ҳаволи аралашмада бўлган сув буғининг конденсацияланиши туфайли (газ-ҳаволи аралашма ҳаракатда бўлган вақтда циклонлар деворида сув буғининг конденсацияланиши содир бўлади, ҳўлланган юза эса чангни ёпиштириб олади); 2) майда чанг зарраларининг йирик зарраларга ёпишиб қолиши туфайли (газ-ҳаволи аралашманинг иккинчи босқич циклонларига кириш тезлиги юқори эканлиги (20—22 м/с) сабабли майда ва нам зарралар йирик зарраларга ёпишади, уларнинг циклонларда чўкиш самарадорлиги эса анча юқори).

Шундай қилиб, газ-ҳаволи аралашмани чангдан тозалашда циклонли системада чангни чўктириш самарадорлигини ошириш йўлидан фойдаланилган, циклонлардаги тезлик тартиби эса абразив ейилишни йўқотишга (биринчи босқич) ва майда чанг зарралари йирик зарраларга ёпишиб қолишига имкон беради (иккинчи босқич). Циклонли тозалаш системаси чиқиндисиз технологияни амалга оширишга ҳам шароит яратди. Чўккан чанг (хом ашё)ни асфальтбетон тайёрлаш технологиясига қайтариш эвазига ҳамда капитал ва фойдаланиш харажатларининг кўрсаткичлари бўйича циклонли тозалаш системасининг йиллик ўртача иқтисодий самарадорлиги 15 минг сўмни ташкил қилади.

Раҳима ХАЛИЛОВА,
Тошкент Автомобиль ва йўллар
олий билимгоҳининг доценти,
техника фанлари номзоди.


ЗЕБ ИЧРА ЗИЙНАТ

ЕХУД ҚЎҚОН ҲУДАСИ

МУАММОЛАРИ

ЎЗ ДАВРИНИНГ нафосат ва гўзаллигини ифодалаган, халқ меъморчилигининг зеб ичра зийнати бўлган обидаларни сақлаш, таъмирлаш ва асл ҳолига келтириш маданиятли халқлар учун ғоят эзгу иш ҳисобланади. Чунончи, Хондамирнинг «Хулосат-ул ахбор» асарида ҳазрати Алишер Навоийнинг таъмир этиш соҳасида олиб борган раҳнамолиги хусусида қуйидаги мисраларни учратамиз: «903 йилнинг рамазон ойида (1498 йил, апрель-май) гумбазни ва мақсура тоқини очишга амр қилди. Ундан сўнг таъмирлаш меъморлар ва диққаткор муҳандисларнинг маслаҳати билан мустаҳкам бўлмаган ул бинони тузатишга ишорат қилди, унинг икки томонига мақсура супа ва олий даражали айвон қурдирди. Шу жиҳатдан улкан тоқ таърифлаб бўлмас даражада маҳкам бўлди. Ва ул хайр-саховатли бинокор ўша иморат хусусида кўп ғамхўрлиги туфайли ҳар куни ўша шарофатли жойга ташриф буюрар эрди. Кўп кунлари этакини белига қистириб, мардикор сифат бўлуб усталарга ғишт узатар эрди ва яна кўб хизматларга уринарди. Ул зот меъмор, уста ва косибларга қимматбаҳо саруполар кийдирар ва кўп навозиш ва бошқа инъомлар билан хушдилу хурсанд қилур эрди. Шу тахлит... уч-тўрт йиллик иш олти ой мuddатда тамомланди».

Ғоят орзу қилса арзирли мисол. Қўқон шаҳридаги хон ўрдасида таъмирлаш ишлари 1935 йилда бошланиб, кейинги 20 йил ичида муттасил олиб борилмоқда. Ўрдада таъмирлаш ишларини илк бор олиб борган меъморларни чуқур миннатдорчилик туйғуси билан эсга оламиз. 1935 йилда археолог олим Яҳё Ғуломов ўрдани ҳар томонлама ўрганиб, унинг «паспорт»ини тузиб чиқди. Ўша йили Ўрта Осиё меъморчилиги билимдони Б. Н. Засипкин ўрданинг жанубий девори ва унга ёндош айвонларни мустаҳкамлаш лойиҳасини тузди. Бу лойиҳа юзасидан белгиланган ишлар анча тез амалга оширилади. 1937 йили Қўқонда бўлган тилшунос олим А. К. Писарчик ўрдани бунёд этган халқ усталари тўғрисида маълумотлар тўплади. Бу эса ғоят муҳим манбадир. 1938 йили меъмор Обид Зайниддинов ўрданинг илк тарҳи ва шунингдек кейинги ўзгартишларни синчиклаб ўрганди. Меъмор ўрданинг бош бино қисмида таъмирлаш ишларини белгилади ва бу ишга Қўқоннинг энг моҳир усталарини жалб этди. 1946 йилги зилзила ўрдага жиддий шикаст етказди. Шу муносабат билан Қўқонга келиб ўрдани текширган меъмор В. Карнаков дарвозахона бино пештоқидан 5 сантиметр ажралгани, гулдастеминара шарқ томонга қийшайгани, айвон-



нинг муқарнасли устунлари эса жойидан силжиб қолганлигини аниқлаган. Шундан сўнг унинг тавсияларига мувофиқ таъмирлаш ишлари олиб борилди ва зилзила оқибатлари бартараф этилди. 1955 йили ўрдани янада синчиклаб текширган меъмор И. Ноткин бинонинг шимол томонидаги минара пойдевори чўккан деб топади ва пойдевор тезда тузатилади. Юқорида номлари тилга олинган сиймоларнинг кўплари дунёдан ўтишди. Шу боис уларнинг хизматларини тақдирлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ҳозирги кунда таъмирлаш ишларининг кўлами бекиёс кенгайди. Маданий ёдгорликлар илмий-ишлаб чиқариш Бош Бошқармаси, Ўзбекистон маданий ёдгорликларни таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш илмгоҳи, бир қанча таъмирлаш устaxonалари ташкил топди. Ёдгорликларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, таъмир-лойиҳа ишлари олиб бориш асосий мезон деб қабул қилинган. Натижада жуда кўп ёдгорликлар тикланди. Булар барчаси ғоят қувонарли ҳодиса, албатта.

Лекин кишини бир нарса ташвишлантиради. Зеро, тиклаш ишлари таъмирлашга нисбатан кенгроқ кўламда олиб борил-



**НАФОСАТ
ОЛАМИДА**

моқда. Маълумки, ёдгорликнинг эски ҳолатини, ундаги ўтмиш усталарнинг ишларини сақлаган ҳолда таъмирлаш мушқул, бироқ бузиб ташлаб янгидан тиклаш эса анча осон. Шунинг учун бўлса керак тиклашга қизиқиш катта. Академик Дмитрий Лихачев ҳар бир ёдгорлик ўз даврининг ҳужжати, таъмирлаш эса уни «даволаш», даволашда йўл қўйилган хато ёхуд таъмирловчи томонидан қилинган қўшимча «ижод», янада бўяб қўрсатишга интилиш ҳужжатни сохталаштиради, — деб таъкидлайди. Бу демак, таъмирловчи ишининг асосий хислати маълум обидани яратган ўтмиш меъмори ижодини ҳеч қандай қўшимчасиз, камчиликсиз тўла-тўқис намоён қилиш ва бу ишга ўз ижодини бўйсундиришдир. Таъмирловчиларимиз юқоридаги талабларни амалиётда қай даражада қўллашаётгани алоҳида маъзу, лекин кундалик ҳаётда ҳар бир киши бирон бир тарихий ёдгорлик билан танишар экан, бу аслими ёки буткул тикланган «макетими» дея мулоҳазага боради. Чунки уни ўтмиш давр руҳи, санъатини ифода этувчи, тарих шохиди бўлган асар қизиқтиради ва чин ифтихор туйғусигина ҳаяжонга солади. Шу боисдан ҳам қадимият ёдгорликларининг қадри бекиёс ва бебаҳодир.

Ҳозир Қўқон ўрдасининг сақланмаган бинолари тикланмоқда. Лекин ёдгорликнинг юқорида айтиб ўтганимиздек сақланган, ҳақиқий ўтмиш маданияти қолдири бўлган қисмларининг аҳволи ночор. Урдани бутунлай тиклашга киришилган экан, аввал унинг сақланган қисмларини узил-кесил таъмирлаб тугатиш зарур. Айниқса сарой деворларининг асосий безаги бўлган ранго-ранг нақшли, ёзувли кошнларнинг аҳволи ҳалокатли. 1977 йилда саройнинг олд деворларига қопланган кошнларнинг пастки қисми таъмирлаш зарурати туфайли кўчириб олинган эди. Таъмирчилар янги кошн ўрнатиш, деворни қуриштириш зарур деб топиди. Лекин бу жараён ҳануз чўзилиб келмоқда. Кейинги йилларда деворнинг юқори қисмидаги кошнлар ҳам кўчириб туша бошлади. Хуллас, миноралардаги кошнлар палахса-палахса қулаб тушмоқда. Девор пастки қисмининг бўшашиб қолганлиги, «шамоллатишнинг» чўзилиб кетиши, кошнларнинг мустаҳкамлиги ўз вақтида текширилмай, тўқилай деб қолганлигига эътибор берилмаганлигининг оқибати бу. Ахир, мана шу кошнлар минглаб ажнабий сайёҳларни лол қолдирган, завқлантирган. 1880 йилда Қўқонда бўлган рус ёзувчиси Е. Марков «Ажаб нақшлар, ранго-ранг кошнлар, жимжимдор арабий ёзувлар уйғунлашган, бутун Осийга машҳур кошона», дея таърифлайди.

Арқ пештоқидаги жали қалам билан ёзилган икки турли хат бу улғувор бинога зийнат бериб туради. Пештоқнинг чап томонидаги настаълиқ билан ёзилган хат Мирзо Мир Маҳмуд Бухорий қаламига мансубдир. Унг томонидаги жали хат эса Турди Алиниқидир. У Қўқоннинг шимолида Тули қишлоғида тўғилган. Норбўтабек медресасида таҳсил кўрган. Урданинг ички томонидаги айвон деворига ёзилган катта жали хат эста «Фақир Муҳаммад Турди Али» дейилган. Бу хат ҳарфларининг нақши ва дононалари арқининг ўнг томонидаги хатга ўхшайди. Йиллар ўтиб, худди мана шу хат таъмирлаш муҳтож бўлиб қолди. Таъмирчилар уни олиб ташлаб, ўрнига ўзлари ясаган айнан шундай хатни деворга ўрнатишди. Менинча, бу ерда аксинча иш тутилиши керак эди. Хатни авайлаб, бўлак-бўлак қилиб бўлса-да, кўчириб олиб, қулаган девор сирти

тозаланиши, қуритилиши, мустаҳкамланиши ва яна асл нусхали ёзув ўрнатилиши лозим эди. Саройнинг катта ҳовлиси девондан девор билан ажратилган бўлиб, бизнинг замонгача 4—5 метр узунликдагиси сақланиб қолган эди. Тиклаш пайтида шу девор ҳам олиб ташланди. Ажабланидиган томони шуки, бинонинг ўз танаси, яъни асли тикланаётган лойиҳадаги деворга ўхшамас эмиш...

Меъмор Абдуҷаббор Яҳёевнинг «Фан ва турмуш» ойнамасининг 1990 йил 10-сонида босилган «Қўқон ўрдаси» мақола-сида ўрдани қуришда қатнашган уста Абдулла, уста Зоқир, уста Фозилхўжа, мулла Суярқул, уста Жамол ва бошқа меъморларнинг табаржуқ номлари тилга олинган. Ана шу усталарнинг ишларидан эса ўрдада ному нишон қолмаслиги мумкин, ҳадемай.

Рим ибодатхоналаридан бирини таъмирлаш пайтида гаройиб топилмага дуч келинган. Девор асрий қатламлардан тозаланар экан, бур остидан буюк италян расоми Микеланжело қаламига мансуб сурат чиқиб қолган. Таъмирчилар сурат сиртини гоят эҳтиёткорлик билан тозалашган, нам теккан ерлари махсус мослама билан қуритилган, тасвир йўқ бўлиб кетган ерлари сақланган қисмига мослаб таъмир қилинган.

Табобатда касалликнинг олдини олиш тобора катта аҳамият касб қилиб бораётгани каби, тарих ва маданият ёдгорликларининг сақланишини таъминлаш гоят муҳим аҳамият касб этмоғи лозим. Шу ўринда халқ амалий санъатининг ажойиб намуналари бўлган нозик ўйма нақшли, ёзувли эшик ва дарвозалар аҳволига тўхталиб ўтиш зарур. Қўқон ўрдаси, Дахмаи шохон хазираси, Миён ҳазрат медресаси дарвозалари нодир санъат асаридир. Вақт ўтиши билан уларда турли ўзгаришлар: қуриб-қовжираш, ранг-тусининг ўчиши, сиртларида ёриқлар пайдо бўлиши ва емирилиши кузатилмоқда. Салбий ўзгаришларнинг олдини олиш учун бу дардга қандайдир «малҳам» ўйлаб топиш пайти келди. Бу касаллик жумҳуриядаги буткул нодир дарвозаларга тегишли.

Маълумки, ҳар бир ёдгорлик ўз муҳофаза ҳудудига эга бўлиши зарур. Бу ҳудудда қурилиш, ер қазииш ва бошқа коммуникацияларни қуриш ишлари олиб борилмаслиги шарт. Қўқон ўрдаси айланаси бўйлаб қурилган болалар темир йўли ёдгорликнинг сақланишига жиддий зарар етказмоқда. Бундан 12—13 йил муқаддам болалар темир йўлини ўрмон-парк майдонига кўчириш режаси тузилган эди. Лекин бунга қарши матбуотда болалар темир йўлининг муҳимлиги ҳақида мақоалалар ёритила бошлади. Уларда темир йўлнинг ёдгорликка етказмаётган жиддий зарари ҳақида лом-мим дейилмайди. Ҳолбуки, ҳеч ким болалар темир йўлининг муҳимлигини инкор қилгани йўқ эди.

Тебраниш кучининг ҳалокатли таъсири ҳақида ўтмишдан бизгача етиб келган бир ҳикоят бор: «Хон сарой қурилишининг бош меъмори Мир Убайдуллои ўз ёнига чақиради:

— Уста, саройим, замонлар оша шон-шўхратимни оламаг таратсин, дейман. Уни етарли мустаҳкам қилиб қурганингга ишончинг комилми? — дебди хон.

— Олампадох, ўрдангиздан кўнглингиз тўқ бўлсин. Лекин унинг барқарорлиги кўндан-кўп ташқи таъсирларга ҳам боғлиқ. Катта обжувозингизнинг ишлаши ҳозирдан саройни секин-аста емира бошлади, — дебди Мир Убайдулло.

— Қандай қилиб! Ахир обжувозим саройдан анча нарида-ку, унинг қандай

таъсири бўлиши мумкин? — ҳайрон бўлибди хон.

— Олампадох, бу ҳолни жуда осон текшириб кўриш мумкин, — жавоб берибди уста.

— Билганингни қил, — дебди хон.

Шундан сўнг Мир Убайдулло обжувозни тўхтатишни ва мис баркаш тўла тариқни миноралардан бирининг устига қўйишни буюрган. Орада бир оз вақт ўтгач, Мир Убайдулло чопар юбориб, обжувозни ишга туширишни буюрган. Маълум муҳлатдан сўнг минорага чиқиб қарашса, баркашда тариқ қолмаган эди. Обжувоз туфайли пайдо бўлган тебраниш тўлқини саройгача етиб келгани шу усулда исботланган. Шундай ҳилиб, хон обжувозни шаҳардан ташқарига кўчиришни буюрган экан».

Бир оғиз сўз Қўқондаги Фарғона махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси фаолияти ҳақида. Уртача бир устахона бир вақтнинг ўзиде 10—15 ёдгорликда иш олиб боради, боз устига турли замонавий бинолар қурилишига жалб қилинади. Натижанда таъмирлаш йилларга чўзилиб, охири кўринмайди. Меҳкамчилик, маҳаллийчилик тўсиқлари олиб ташланиб, ҳамма куч ва маблағларни зарур ва ноёб обидани тиклашга жалб қилinsa, нур устига нур бўлур эди. Қўқон ўрдаси худди ана шундай ёдгорликдир. Лекин зарур ашёларнинг етишмаслиги, таъмирлашга қўйилган нархларнинг Иттифоқ даражасидан паст эканлиги, таъмирчи 90 фоиз ишни қўлда бажаргани ҳолда оддий қурилиш ташкилотлари ишчиларидан кам ҳақ олиши ва ижтимоий имтиёзларга эга бўлмагани каби сабаблар бартараф этилмас экан, таъмирлашда катта ўзгариш қилиб бўлмаслиги аниқ.

Қўқон ёғоч ўймакорлари, ноёб гумбазлар ижодкорлари — гиштчилар, девор ва шифтларга оро берувчи наққошлар, бир сўз билан айтганда, халқ усталари ватандир. Уларнинг ақл-заковати ила бунёд этилган меъморилик обидаларининг катта қисми вақт ўтиши ёки бебаҳо мерос қадр-қийматини англаб етмаслик оқибатида бизгача етиб келмади. Жумҳуриятимиз тарихининг маълум даврида бўлган «улуғ сиёсат» йўлида ажойиб бинолар қўрбон қилинди. Қўқонда ҳам пишиқ гиштдан қурилган икки қавадли, бекиёс гўзал пештоқлари, гумбазлари, равоқлари, миноралари, гоят нодир ўйма дарвозалар бўлган Муҳаммадалихон, Султон Муродбек, Минг ойм, Ҳоким ойм, Ҳаққули мингбоши, Тун қотар каби медресалар биноси бузиб ташланди. Ажабо, бинолар ҳам сиёсат душмани бўлар экан-да! Лекин қадим юнон файласуфининг: «Тузатиб бўлмайдиған ўтган ишга кўп қайғурма, ўтганларнинг кетида ёмон гапириш гуноҳ, уларни эсламаслигининг ўзи ёмонлигига берилган баҳодир», — сўзларини эслаб ўйланиб қолсан киши.

Қўқон ўрдаси бутун Фарғона водийсида сақланиб қолган ёдгорликлар ичида энг йириги, энг кўркеми. Унда таъмирлаш ва тиклаш ишлари кўнгилдагидек ва тез фурсатда тугатилса, бугунги авлоднинг аждодлар ақл-заковатига бўлган ҳурматининг ифодаси намоён этиларди. Зеро, Бобур Мирзонинг: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишерча мураббий ва муқаввий маълум эмасмик, ҳаргиз пайдо бўлмайди бўлғай», — сатрларига жавобан, пайдо бўлдилар, алар Хўқанддалар, деб жавоб берайлик.

Абдусамод ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қўқон ўлкани ўрганиш музейи
бўлим мудирки.

Ҳозир нима кўп касалнинг тури кўп. Кейинги беш-ўн йил ичида улар қаторига аллергия деган хасталик қўшилди ва тез орада жуда кенг тарқалди. Уни қарангки, юрак томир ва рақдан кейин аллергия тарқалиши бўйича учинчи ўринда тураркан.

«Аллергия» тушунчаси илк бор тиббиётга XX аср бошларида киритилган. Аллергия дегани бирор моддага (гулчанги, бўёқ ҳидига, овқатга ва ҳоказо) — яъни аллергенга нисбатан тана сезгирлигининг ортиши демакдир. Ҳозирда аллергенларнинг жуда кўп тури маълум, лекин улар ичида уйчанги кенг тарқалган. Шифокор олимларнинг кузатишларидан маълум бўлдики, нафас йўли хасталиги, айниқса, бўғмага учраган беморларнинг 64—82 фоизда касалликнинг хуруж қилишига уйчанги сабаб бўлар экан.

Уйчанги аллергени биринчи марта 1922 йилда атоқли олим Кук томонидан аниқланган. Орада ярим аср ўтгач, маълум бўлдики, уйчангининг кучли аллергик таъсири уйдаги кўз илғамас ҳашаротлар — митти уйчанги каналарининг тури ва сонига боғлиқ экан.

Уйчанги каналари биз билган қон сўрувчи каналардан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, улар жуда кичик — ярим миллиметр атрофида, танаси рангсиз, ялтироқ бўлиб эгилувчан ва тиниқ тери қавати билан қопланган. Унда бир жуфтдан 14 жуфтгача турли узунликдаги толалар бўлади.

Умуман уйчанги каналарининг 130 дан ортиқ тури маълум. Жумҳуриятимизда унинг 28 тури қайд қилинган.

Энг кучли аллергик таъсир кўрсатадиган турлари учун асосий озиқ манбалари одам терисидан кўчган юпқа эпидермис пўстлоғи ҳисобланади, шунинг учун улар асосан кўрпатўшакка ин қуради. Тунда, одам ухлаётган вақтда, бу ерда митти каналарнинг яшаши учун энг қулай шароит вужудга келади, яъни тўшак ичидаги ҳарорат хона ҳароратидан 5—7 даража юқори бўлади ва ҳавонинг нисбий намлиги 75—85 фоизни ташкил қилади. Кун давомида ёстиқ, кўрпа жилдларининг бурчакларида, чойшабларнинг ён чокларида, диван тагида яшириниб ётган каналар тунда фаол ҳаракатга келади. Нафас олиш йўллари касалланган ҳамда аллергенларга ўта сезгир беморлар нафас олганда бу каналар чанг билан бирга нафас олиш йўлига кириб қолади ва касалликни кўзғатади. Бу каналарнинг кучли аллергик таъсири улар танасидаги оксил моддалар билан боғлиқ эканлиги аниқланган.

Яна бир гуруҳ каналарга фанга дон

АЛЛЕРГИЯ



маҳсулотларининг асосий емирувчилари сифатида маълум бўлган хиллари қиради. Уларнинг бир қанча тури баҳор ва куз фаслларида хоналарда қулай шароитга тушиб жуда тез кўпая бошлайди. Нам ва илиқ ҳарорат бўлса бир мисқол чангда 800 дан 1000 тагача кана бўлиши мумкин. Уй шароитида улар уйчанги таркибидаги турли органик қолдиқлар, замбуруғлар билан озиқланади. Полда, жунли гиламларда, кўпроқ зах, қуёш нури тушмайдиган хоналарда яшайди. Бундай каналар бўлган хона, омбор, ертўлаларга кирилганда нафас олиш оғирлашади, аллергик тери хасталиклари бошланиши мумкин.

Яна бир гуруҳ каналар борки, улар йиртқич ҳисобланади. Йиртқич дейлишига сабаб шуки, улар ўз турдош аллергик каналар билан озиқланади.

Қурама

Америкалик учувчи Эрик Реймонд АҚШ устидан электродвигателли қуёш батареясида ишлайдиган тайёрада учиб ўтди. Тайёранинг оғирлиги 300 килограмм бўлиб, ўтган йилнинг 2 августида Лос-Анжелес шаҳридан учиб чиқиб, 3 август куни Шимолӣ Каролина штатида кўнди. Ажабланарли ери шундаки, электродвигатель тайёра кўтарилишида ва кўнишида ишлатилади, холос. Қолган пайтда эса қушдек енгил учаверди.

Аллергик каналарни қирувчи, бу йиртқичлар фойдалидек кўрингани билан аллергик тери касаллигининг бошланишига сабаб бўлади. Бу хасталик кўпроқ мактабгача ёшдаги болаларда кузатилади.

Ўзбекистоннинг Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Наманган, Бухоро вилоятларида олиб борилган кузатишлар шунини кўрсатадики, хонадонларнинг 60—63 фоизда мазкур каналар учрайди. Аллергик каналар асосан, уйчангидан кучли таъсирланадиган бўғма, ринит, конъюнктивит, акародерматит хасталиклари билан оғирган беморларга салбий таъсир кўрсатади.

Шу пайтгача қўлланилган кураш чоралари каналарни тугатишга эмас, балки улар сонини бирмунча камайтиришга олиб келди, холос. Бунга сабаб, улар жуда тез тарқалади. Шамол ёрдамида, кийим-кечаклар, пой-афзал орқали бир хонадондан иккинчисига ўтиши мумкин, яхши шароитга тушиши билан тезда кўпая бошлайди. Бундан ташқари, тозалик қодаларига амал қилинмайдиган ошхоналар, болалар боғчалари, кутубхоналар аллергик каналарнинг яшаши ва кўпайиши учун жуда ҳам қулай жой ҳисобланади. Шунинг учун хона ва жиҳозларнинг чанг босишига йўл қўймаслик лозим. Чангютгич ёрдамида уйни тозалаш, полларни ош тузининг 20 фоизли эритмасида ювиш ҳам кананага қарши курашнинг энг яхши чораларидан биридир. Кўрпа, ёстиқ жилдларини ювишдан олдин уларни тузининг 5—10 фоизли эритмасига солиш фойдали.

Ўлган каналарнинг ҳар қандай кўринишдаги қолдиқлари ҳам киши нафас йўлига тушиб қолса, тирик каналар каби аллергик таъсир қилиши аниқланган.

Аллергик хасталик билан оғирган беморлар ўрин-тўшакларини бот-бот офтобга ёйишлари, улар ётадиган уйга қуёш нури тушишини таъминлаш, ортиқча тўшак, жунли гиламларни хонадан чиқариб қўйиш керак. Хона озодлиги уйчангига сезгирлиги юқори бўлган беморлар учун ниҳоятда зарурдир.

Ҳозирги пайтда уйчанги каналарининг энг кўп тарқалган 6 туридан аллергенлар тайёрланади. Улар хорижий фирмаларда тайёрланиб савдога чиқарилган. Кўп мамлакат шифохоналарида бу аллергенлар аллергия касалликлари ташхисида ва даволашда кенг қўлланилади. Жумҳуриятимиз шароитида кўп тарқалган кана турларини лаборатория шароитида кўпайтириш, улардан сифатли аллерген ишлаб чиқаришнинг қулай усулларини излаш лаборатория ходимлари олдида турган муҳим вазифалардан бири.

Мухаррам ҚОДИРОВА,

Зоология ва паразитология илмгоҳи, паразитология лабораторияси мудири, биология фанлари доктори.

Маъмура НАЗРУЛЛАЕВА
илмий ходим



СОҒЛИҒИМИЗ
ЎЗ ҚҮЛИМИЗДА

Дуонинг кузи

Рустам ОБИД

«Сирли ҳодисалар» бўлими тайёрлайдиган мақолаларда
марказий матбуот ва махсус нашрларда эълон
қилинган материаллардан фойдаланилади

«Фан ва турмуш»нинг 1990 йилги 11- ва 1991 йилнинг 1-сонларида кўплаб муштарийларимизнинг таклиф-истакларига биноан «Дуонинг кучи» номли мақола бериб, унда дуою фотиҳа нима эканлиги, дуонинг кучи ҳатто ўлимдан олиб қолишига айрим мисолларни келтирган ва бу ҳодисаларга илм-фан қандай қараётганини кўриб ўтган эдик. Аммо мавзу ниҳоятда улканлиги боис жуда кўп нарсалар мақолага сифмай қолган ва бу тўғрида алоҳида ҳикоя қилишга ваъда бергандик.

Мана, ваъдамизни бажариш пайти ҳам келди. Бироқ муштарийларни ҳар галгидек оғоҳлантириб қўйишимиз

керакки, муаллиф мутахассис бўлмагани учун ҳам масаланинг диний жиҳатларига ўтмайди асло. Балки ўзи кўрган-эшитганларини, хилма-хил анжуманлардан тўплаган маълумотларини, турли-туман фаразлару фактларни ҳолис ёриши билан кифояланиб, бу борада узил-кесил хулоса чиқаришга даъво қилмайди мутлақо. Буларнинг баърига сизни ишонтиришга ҳам уринмайди, ишониш-ишонмаслик ўзингизга ҳавола. Қолаверса, муаллиф фикри муҳарририятга тўғри келмаслиги ҳам мумкинлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз.

«ЁВВОЙИЛИК ДАВРИ ТУГАДИ»

Илм-фанга Худо ҳақидаги фараз керак ҳозирги кунда, акс ҳолда инсоният омон қолмайди.

Владимир ВОЛЧЕНКО,
техника фанлари доктори,
профессор.

Айни вақтнинг ўзида амалий физика-математика бўйича мутахассис олим, ССЖИ Илмий-муҳандислик жамиятлари уюшмасининг «Биоэнергoinформатика» қўмитаси раиси муовини ҳам бўлган Владимир Никитичнинг маърузаларини табиатда қувват-аҳборот алмашинуви муаммолари бўйича Тошкент ва Москвада ўтган кўплаб анжуманларда тинглаганман, матбуотдаги чиқишларини мунтазам кузатиб бораман. Бинобарин, унинг юқоридаги фикри ушбу мақолада ўртага ташланувчи талай муаммоларни изоҳлашга ҳам ёрдам беради деб ўйлайман.

Зотан, мамлакатимизнинг биоэнергoinформатика соҳасидаги йирик олимлари Казначеев, Ханциверов, Сочеванов, Прешчеп, Заднепровский ва ҳоказолар қаторида Волченко ҳам ҳозирда нафақат мамлакатимизда, балки бутун кишилик жамиятида кузатилаётган ўзгариш—ноёб қобилиятли одамларнинг кўпайиб кетгани, илоҳиётга бўлган кучли қизиқиш тасодифий, ўткинчи ҳодиса эмас, балки тамомила табиий ва зарурий босқич, инсоният ўз тарихида муҳим бир паллага кириб келди, ёввойилик даври тугади, деб ҳисоблайди.

— Ишончим комилки, илм-фанга маънавий-ахлоқий категорияларни олиб кириш зарур,—деб ёзади у.— «Ақл—руҳият», «фан—дин», «материализм—идеализм» деб ажратавериш технократик цивилизация белгисидир. Бундай шароитда ақл, фан эришган ютуқлар тубан ва худбинона ниятларга хизмат қилиб, инсоннинг ўзи учун ҳам, табиат учун ҳам кони зарар бўлиб қолаверади. Илм-фан динни тан олмоғи, руҳни Коинотдаги ўз ўрнига қўймоғи шарт. Руҳ мавжудлигини нафақат олимлар, балки оддий одамлару ҳокимият тепасида турганлар ҳам билган тақдирдагина технократия олиб кирган боши берк кўчадан қайтиб чиқа олаемиз.

Илоё олимнинг айтганлари келсин-у ёввойилик даври, жоҳилият даври қайтмасин асло. «Жонли тузилмаларнинг жамики унсурларини тадқиқ этиш жараёнида шу нарсга маълум бўлдики,—дея давом этади олим,—диндаги «Худо» тушунчаси физиклар учун анъанавий бўлган «чексизлик» тушунчасига мувофиқ келаркан». Гап атамаларда эмас, албатта. Гап—илм-фан динни тан олишга қадам-бақадам яқинлашиб келаётгани тобора яққол кўринаётганида. Бунга дуонинг кучи атрофидаги воқеа-ҳодисалар ҳам гувоҳдир.

ТАСОДИФМИ!..

— Совуқ кузнинг изғиринли кечаси эди,—деб ёзади Туапсе шаҳридан В. Закарян.— Севастополдан Қрим вилоятининг Красногвардейск районида боришим керак. Касалхонада ётган эримни кўриб чиққанман, уйда иккита ёш қизчам кутиб ўтирибди. Кечқурунги электричкага кечикканимни кўрдим-у, юрагим орқага тортиб кетди, кейингиси ярим кечада ўтарди-да ахир! Тавakkal деб катта йўлга чиқдим шунда, лекин қани энди биронта машина тўхтади. Бирпасда қоронғи тушди, совқота бошладим. 1985 йил денг ўшанда, катта йўлда ҳар хил жиноят кўп, ўлдириб кетишлари ҳам ҳеч гап эмас. Бошимда норка қалпоқ, оёғимда югославча этик, ўзим ёшгина бўлсам...

Бир «Жигули»нинг йўлини шартта тўсиб чиқдим, аммо у айланиб ўтиб кетди. Шунда орқасидан қараб жон аччиғида «Э худо, ўзинг қутқар мени, ўлиб кетаман-ку ахир!» деб қичқириб юбордим. Буни қарангки, 300 метрча ўтиб кетган машина бирдан тўхтади ва орқасига юриб қайта бошлади. Унда эркак ва аёл бор экан, «Ё тавба, сизнинг ёнингизда одам Худого ҳам ишониб қоларкан!» дейишди. Кейин билсам, улар ўтиб кетишганда бошдан-оёқ оппоқ кийинган баланд бўйли бир аёл тўсатдан машина йўлини тўсибди. Улар уриб юбордик деб қўрқиб кетишибди ва дарҳол тўхташибди. Лекин ташқари чиқиб қарашса... ҳеч ким йўқ эмиш. Кейин орқага қайтишган экан. Ушанда мени Худо асраб қолганига имоним комил!

«Собеседник» ҳафтаномаида келтирилганига ўхшаш бундай ҳодисалар бизга яхши таниш, афсуски матбуотимиз эътибор бермайди. Лекин «Худо бир асради!» деган иборани ким эшитмаган ахир! Бир вақтлари ўзимизда ҳам ўқигандим бир воқеани. Еш бола ўйнаб юриб машина остига кириб қолганда у қўзғала бошлайди. Шунда она юк машинасини бир қўлида кўтариб, ғилдирак остидан боласини тортиб олган экан. Ёдимда, ўшанда бу воқеага инсон агар жаҳд қилса, ақл бовар қилмас қудратга эга бўлади, деган маънода изоҳ берилган эди. Лекин қаердан олади ўша қудратни, ким беради унга! Иккинчи аёл ҳам биринчисига ўхшаб жон аччиғида Худого илтижо қилгани аниқ.

Одамлар оғир касаллик, жарроҳлик ё бошқа бирон мушкулотдан эсон-омон қутулгач, худойи қилишлари маълум. Бу—илтижо ижобатга ўтгани учун миннатдорчилик, албатта. Бироқ «худо бир асрагани»дан кейин миннатдор бўлмайдиганлар ҳам учраб турар экан. Ригада чоп этиладиган «М. учбурчаги» нашрининг бултўрғи 5-сонида эълон қилинган мана бу хабарга бир диққат қилинг-а.

...У ингичка арқонни кирсовун бўлагида узоқ ишқаб чиқди. Сен ўзингни осасан, деб ҳатто кеча биров айтгани-



да ҳам шунчаки кулиб қўйган бўларди, лекин ҳозир... Арқоннинг бир учини ирғитган эди, биринчи уринишдаёқ шохни айланиб ўтиб тўғри қўлига келиб тушди. «Нима бало, шайтоннинг ўзи ёрдамлашяпти шекилли» деб ажабланди у. Одам ўзини осигна қандай тайёрланишини ҳам телевизорда ҳам кўрмаганди, лекин бир умр шу иш билан шуғулланиб юрган одамдек маҳорат билан ҳалқа тайёрлади. Арқон учини ундан ўтказиб тортиган эди, бир лаҳзадаёқ таранг тортилди. У алланечук бўлиб кетди, бу қадар маҳорати ўзини қўрқита бошлаганди. Бутун хаёлини эгаллаган муваффақиятсизликлари ҳайрат ва қўрқув билан алмашинди.

Бироқ қўллари ўз-ўзидан сиртмоқ тайёрлади, у ҳеч нима қилолмай қолганди: қўллари унга бўйсунмас, уларни кимдир бошқа биров бошқарарди. Бармоқлари сиртмоқни текислаб чиқди, кейин бошдан ўтадим деб текшириб кўрди—бундан аълоси бўлмайди! Миясида бегона фикр пайдо бўлди ва кўзлари оёқ учун тиргак излай бошлади. Лекин энди унинг яшагиси кела бошлаганди, бу номаълум ҳолатга қарши курашишга уриниб кўрди, овоз чиқариб «Йўқ, йўқ!» деганча бутун вужудини таранглаштирди. Кўзлари эса аллақачоноқ ўттиз қадамча нарида қулай тўнкачани кўриб улгурган, оёқлари ўша тарафга йўл олган эди. Урмон узра қушлар қий-чув кўтаришди, қўлоқлари шанғиллаб кетди. Яшаш истаги эса тобора кучайиб борарди. Қўллари тўнкачани кўтариб, сиртмоқ остига олиб борди.

У нима қилишни ўйлаб жон аччиғида фикрлар экан, шу пайтгача ҳеч эсламаган нарсани эслади, хаёлида тасодифан «Э худо! Э худо!» деб юборди. Аҳволи шу лаҳзадаёқ енгиллашди. «Ана, гап нимада экан!» деб ўйлади. Бирон бир дуони эслашга уриниб кўрди, билмас экан мутлақо, билганича ўқийверди. Энди оёқ-қўллари бўйсуну бошлади. Шунда қўллари ҳануз ушлаб турган тўнкачани улоқтирди-ю орқасига қарамай ўрмондан қочиб чиқди. Шу югуришда катта йўлга чиқиб олгач, шаҳар томонга аста

йўл олар экан, ўзига кела бошлади. Ярим соатдан кейин хаёлидан «Вой аҳмоғ-е, худони эслабман-а!» деган фикр ўтди. Яна ярим соатдан кейин эса йўл бурилишида уни машина уриб кетди...

ДУО БИЛАН... ЖАРРОҲЛИК

Дуонинг кучига авваламбор даволашга оид жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкинлигини юқорида кўриб ўтгандик. Энди айрим мутахассисларнинг шу ҳақдаги фикрига бир назар ташлаб ўтсак.

— Халқ шифокорлари бесавод чолу кампирлар бўлишган, — деб ёзади Алан Чумак, — медицинанинг илмий ютуқларини, даволаш услубларию дори-дармонларни умуман билишмаган. Улар гиёҳ билан, дуонинг ўзи билан шифо бахш этишарди, боиси—одам улар учун Яратганининг бандаси эди. Улар «фан» деган сўзнинг ўзини ҳам билишмаган, улар Худони билишган.

Чумакнинг дуо ҳақидаги фикрини «Ромеонинг хатоси» асарида америкалик олим Лайэлл Уотсон ҳам тасдиқлайди. Унинг айтишича, Филиппин хилерлари асабга боғлиқ касалликлар у ёқда турсин, ҳар қандай органик касалликни ҳам даволашар экан. Бундай маҳоратга эса улар... дуо ўқиш ёрдамида ўрганишади! Биронтаси медицина нималигини билмайдиган, ҳатто нима қилаётганини ўзи тushунмайдиган бу одамлар... қуруқ қўл билан қонсиз жарроҳлик қилишади.

— Филиппин оролларида юзлаб жарроҳликка гувоҳ бўлдим, — деб ёзади Л. Уотсон. — Лусонлик шифокорлар касалланган тўқимани, қон қуйқаси ва йирингни олиб ташлашда айниқса катта ютуқларга эга. Улар кўричанки, кўкрак ўсмаси, киста, қовуқдаги тошларни, варикозли веналарни, бавосилни қандай олиб ташлаётганларини, шунингдек, раkning айрим турларини муваффақият билан даволаётганларини мен ўз кўзим билан кўрдим. Беморлар биронтаси қолмай батамом тuzалиб кетади.

Ана сизга дуонинг кучи! Дунёдаги қайси бир динда бўлмасин, у мўъжизавий қудратга эга, зотан, ҳар қандай дин турли ном билан аталувчи [олимлар тилида—фазовий Онг ёки Олий Онг] пировардида ёлғиз бир Худого сиғинади.

Юқорида дуонинг фавқулудда ҳолда Худого илтижо кўринишига иккита мисол келтириб ўтдик. Кузатишларга қараганда, бу ўринда дуо дарҳол ижобатга ўтиши қанчалик сидқидиллигига боғлиқ экан. Ҳаёти баногоҳ хавф остида қолганда ким чин қалбидан илтижо қилмайди дейсиз. Айниқса ёш гўдаги бор аёлнинг ва гўдагининг ўлим олдидаги илтижоси! Едингиздами, Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур «Бемор» ҳикоясида Сотволдиннинг хотини оғриб қолганда кўшни кампир «Беғуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади» дейди ва бола улар ўргатганича дуо қилади: «Худоё аямди дайдига даво бейгин!» Бу даво ҳикояда ижобатга ўтмаган, лекин ҳаётда бежиз шундай қилинмаган кўринади. Мана сизга америкалик машҳур кифедаги одамларни ва яна аллақандай биноларни кўраётганимни сездим. Бу манзара ғаройиб бир ёғдуга чулганган эди... Баногоҳ қаршимда кўп йиллар аввал ўлиб кетган Карл амаки пайдо бўлди. У йўлимни тўсиб олди-да, менга:

— Улаётганимни сезгач, «О худо, умрим бунчалик қисқалигини билганимда дурустроқ яшаган бўлардим. Узинг қўлла энди мени!» деб ўйладим. Кейин қоронғилик ичидан чиқа бошладим ва олдимда кулранг туманни кўриб, яқинига бордим. Яқинлашганимда эса унинг ортида худди ердагидек кифедаги одамларни ва яна аллақандай биноларни кўраётганимни сездим. Бу манзара ғаройиб бир ёғдуга чулганган эди... Баногоҳ қаршимда кўп йиллар аввал ўлиб кетган Карл амаки пайдо бўлди. У йўлимни тўсиб олди-да, менга:

— Қайт орқанга. Сенинг ердаги ишинг тугагани йўқ ҳали. Ҳозироқ орқанга қайтиб кет!—деди.

Орқага қайтиш хоҳишим йўқ эди, лекин ҳар қалай қайтдим ўз вужудимга. Шу заҳотиёқ кўкрагимда яна даҳ-

БОШ НЕГА ОҒРИЙДИ

Шомурод ШОМАНСУРОВ,
Тошкент Врачлар малакасини ошириш илмгоҳининг
Болалар асаб кафедраси мудири,
тиббиёт фанлари доктори.

Ҳаётда боши оғримаган одам бўлмас керак. Лекин у узоқ давом этмайди, тезда тузалади. Афсуски, баъзиларда бош оғриғи сурункали давом этиб, хасталикка айланиб кетади. Маълумотларга кўра, ер курраси аҳолисининг 8 фоизи доимий бош оғриғи касаллигига учраган.

Бу хасталик ҳаммада ҳам бир хилда кечмайди. Айти пайтда у бошқа бир касалликнинг бирламчи белгиси бўлиши ҳам мумкин. Кексаларнинг бош оғришига кўпинча атеросклероз сабаб бўлади. Атеросклерозда бош миянинг қон билан таъминланиши бузилади, мия тўқималарида кислород етишмайди. Натижада бош оғриб увишади, хотира пасаяди ва уйқу бузилади. Албатта, бундай ҳолларда шифокор шу касалликка доир бошқа аломатларни — оғриқ хуружини, бош айланиши, кўз ички босимини текшириб кўриши лозим. Қон босими кўтарилганда ҳам шундай ҳол юз бериши мумкин.

Бундан ташқари, бош оғриғи доимо кўз тиниши, дармонсизлик каби аломатлар билан кечса, бу қон босими пастлигидан ёки камқонликдан дарак беради.

Ҳозирда кўпчилик бошьяланг юришни одат қилиб олган. Ваҳоланки, бошни ёзда кун тигидан, қишда совуқдан асраш лозим. Совуқ туфайли соч илдизларини ҳаракатлантирувчи мушаклар шамоллайди. Мушаклар қисқариши бошда оғриқ ҳосил қилади.

Қон босими кўтарилганда ҳам бош оғрийди. Бунда оғриқ қон томирлар тонусининг бузилиши натижасида юзага келади.

Бош оғриғи хафагарчилик, баъзан эса иқлим ўзгариши туфайли ҳам кучаяди. Оғриқ иккала чаккада, пешона билан кўз косаси атрофида, бошнинг орқа қисмида бўлиши мумкин ва у вақти-вақти билан кучайиб туради. Бош оғирлашиб қон томирлар гупиллаб уриб тургандек туюлади.

Бош оғриғини аввало томирлар қисилиши ва юрак фаолияти сусайишини даволашдан бошлаш керак.

Турли касалликлар давомида бош оғриси ҳам унинг ўзига хос сабаблари бўлади. Масалан, қон босими кўтарилганда кўпроқ бошнинг орқа томони, бошнинг ички босими кўтарилганда унинг деярли барча қисми оғрийди. Хуруж тутиб келадиган оғриқларда эса бошнинг ярмиси оғриши мумкин.

Касалликни даволаш учун унинг сабабини яхши билиш керак. Сабаби,

кўпгина касалликлар бир-бирига ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳеч қачон ўзбилганча даволанмаслик керак.

Кекса ва ўрта ёшдаги кишиларда бош оғриғи кўз ички босимининг ортиши, жигар, ўт пуфағи ва сурункали ичак касалликлари оқибатида, болаларда эса бу кўз толиқиши, бодомча безнинг яллиғланиши, гижжа касалликлари туфайли юзага келади.

Бош оғриғи киши чарчаганда, дим хонада узоқ ўтирганда, уйқусизлик ва турли нотинчликлар натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Яхши дам олиш, тоза ҳавода кўп юриш бунинг олдини олади.

Баъзан бошнинг ярмиси оғрийди ва табобатда мигрень деб аталади. Одатда бу касаллик насл суриб, кўпроқ қиз болаларга ўтади.

Тахминий ҳисобларга кўра, халқимизнинг 3-10 фоизи мигрень билан оғриган. У хотин-қизларда эркаларга қараганда икки баробар кўп учрайди.

Ҳозирда бош оғриғи билан касалланган беморларнинг фақат 25 фоизигина невропатологга ёрдам сўраб келса, қолган қисми ўз билганича даволанар экан.

Менинг устозим, профессор Я. Гордон ҳам ёшлигидан мигрень хуружидан азоб тортиб келган. Баъзи кунлари оғриқ зўридан ишлай олмаган. Хуруж пайтида кайфияти шунчалик бузилиб кетар эдики, ҳатто ҳамкасбларининг у билан гаплашиши амри маҳол эди. Чўнтагида доим аскофен дорисини олиб юрар ва шу билан ўзини тинчлантира олган. Унинг фикрича, дори бош оғриғи бошланиши биланоқ ичилса, яхши таъсир қилар экан.

Мигрень билан оғриган кўпгина кишилардан сўраб-суриштирганимизда уларнинг ҳар иккисидан бирида касаллик 30 ёшгача бўлган даврда бошлангани маълум бўлди. Бу хасталик жуда эрта бошланиши мумкин. Болалардаги мигренни аниқлаш учун улар ўзларидаги касаллик аломатларини шифокорга тушунтира билишлари муҳим аҳамиятга эга.

Боланинг боши нега оғрийди? Оилада тотувлик бўлмаса, турли сабаблар натижасида кўп йиғласа, вақтида ухлалмас (бир кун кеч, бир кун эрта ётса), вақтида овқатланмаса, хуллас кун тартибига риоя қилмаса, боши оғрийдиган бўлиб қолади.

Умуман мигрень хуружининг эрта бошланиши қон томирининг тез-тез ўзгариб туришига боғлиқ. Бу ўзгариш ангина, шамоллаш ва меъда-ичак касалликлари билан тез-тез оғриб ту-

радиган болаларда кўпроқ учрайди. Айти касалликларда ирсий омил катта аҳамиятга эга. Агар ўғил болаларда мигрень бўлса, бу ҳолда уларнинг оналари оталарига қараганда мигрень билан кўпроқ оғрир экан. Демак, мигрень кўпроқ онадан болага ўтади. Бундан ташқари, оилада бир киши (ота ёки она) мигрень билан оғриси, болаларнинг 41 фоизи, агар ҳам отада, ҳам онада мигрень бўлса, болаларнинг 70 фоизи бу касалликка мойил бўлар экан. Агар беморда мигрень хуружи 15-45 ёшлар орасида ойига икки марта тутса, бемор икки йил давомида меҳнат қобилиятини йўқотиши мумкин. Мабодо хуруж бундан ҳам кўп тутса, бемор умрининг кўп қисми касаллик билан ўтиши турган гап.

Одатда мигрень содда ва мураккаб турларга бўлинади. Содда тури икки босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқич бошланиш даврида кишининг меҳнат қобилияти пасаяди, кўп эснайди, кўнгли айнийди. Иккинчи босқичда бошнинг ярмисида оғриқ пайдо бўлади, иштаҳа пасаяди, кўнгли айниши зўраяди, бош айланиши мумкин. Сўнг бемор қайт қилади, уйқуга кетади.

Қизиғи шундаки, мигрень қанчалик ёшлиқдан бошланса, шунчалик қаттиқ оғрийди ва қисқа давом этади. Киши улғайган сари бош оғриғи сусаяди, лекин оғриқ муддати узаяди, яъни болаликда 1-2 соат оғриган бўлса, кейинчалик 1-2 кун давом этиши мумкин. 40-45 ёшдан сўнг хуруж йўқолиб кетар, балким. Албатта, бу бир томондан яхши, лекин айти шу ҳол қарилки бошланганидан дарак беради.

Кўпгина буюк кишилар ҳам мигрень билан оғриган бўлса-да, улкан ишларни амалга оширган. Булар қаторида Рим императори Юлий Цезарь, ёзувчи ва шoirлар Эдгар По, Ҳенрих Ҳейне, Мопассан, буюк муסיқашунослар — Вагнер, Шопен, Чайковский ҳамда Линней, Дарвин, Фрейд каби таниқли кишиларни санаб ўтиш мумкин.

Қизиғи шундаки, мигреннинг содда турида киши бирор касалликка чалинса, шамолласа ёки ангина бўлиб қолса, мигрень хуруж қилмаслиги мумкин. Қизларда 12-13 ёшлардан сўнг хусусан ҳайз кўриш вақтларида мигрень хуружи кўпроқ такрорланади. Ҳомиладорлик даврида хуруж қилмаслиги ҳам мумкин. Бош мия шикастлари ҳам мигрень хуружини камайтириб юборади.

Бош оғриғининг мураккаб тури асосан ўттиз ёшдан ўтгандан сўнг бошланиб, умрнинг охиригача давом этиши мумкин. Баъзан мигрень касаллигининг ҳам оддий, ҳам мураккаб тури бир одамда учради.

Бош оғриқ хуружи асаб система-сидаги турли тиббий ўзгаришлар билан кечади. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди.

Мен касалхонада ишлаб юрган кезларим эди, врачлардан бирининг боши жуда қаттиқ оғриб қолди. Унинг айтишича, эрталаб пешоби келмай қолган, бир беморни операция қилиб бўлганидан сўнг ўзини анча ёмон сезган, кундузи соат бирларга бориб кўзи хиралаша бошлаган ва тезда врачга чиқиб, кўзини текширтирган. Кўз дўхтири ҳеч қандай касаллиқни топа олмагач, дарҳол невропатологга кўрсатишни тавсия қилган. Шу 15-20 дақиқа ичида атрофдаги нарсаларни фарқлай олмаганидан ҳамшира уни менинг хузуримга етаклаб тушди. Бизнинг хонамизга келгандан сўнг бечора бемор ҳеч нарсани кўрмай қолди. Тезда профессор Гордонни ча-

кириб келдик. Профессор кириши биланок кўр бўлиб қолишдан қўрқиб ётган бемор йиғлаб юборди. Маълум бўлишича, унда бундай ҳодиса олдин юз бермаган экан. Қизиги шундаки, орада бир оз вақт ўтгач, беморнинг боши қаттиқ оғриб, оғриқ зўрайган сари унинг кўзи ёриша бошлади. Текшириб кўрганимизда бош миёда ҳеч қандай шикастланиш аломати топилмади. Беморга бу аҳвол оғир касалликка олиб келмаслигини ётиғи билан тушунтирдик, аскофен ва тинчлантирувчи дорилар ичирдик. Маълум вақт ўтгандан сўнг беморнинг аҳволи анча яхшиланди, бироқ боши сал айланар, кўнгли айнирди, қайт қилди ҳам.

Мана шундай оғир бош оғриғи офтальмик мигрень дейилади. Бу мигреннинг энг оғир туридир. Бир неча йилдирки, ўша врачда мигрень бир йилда 3-4 марта хуруж қилади. Бироқ энди бемор биринчи хуруждагидек қўрқмайди. Боши оғриб, кўзи хиралаша бошлаганда, дориларни ичиб, тинч жойда ётади.

Оғир мигрень хружларида кўзда ўзгаришлар пайдо бўлади, тананинг

ярми увишади, базан ички аъзоларда турли оғриқ ва сезгилар пайдо бўлиши мумкин. Хуруж кучайганда беморнинг кўнгли айнийди, боши айланади, қўрқади, иштаҳаси пасаяди, юрак уриши тезлашиб, ҳоли қурийди, қўл-оёқни титроқ тутлади.

Мигрень хуружларининг қандай қилиб олдини олиш ва умуман беморни қандай даволаш мумкин?

Аввало, хуружнинг олдини олиш мақсадида ўзбилармонлик қилиб, ҳар хил дориларни мутлақо ичмаслик лозим. Мутахассис врачга мурожаат қилиши ва унинг маслаҳатига қаттиқ амал қилишлари зарур бўлади. Бош оғриғи тутиб турадиган одамлар кун тартибидан тўғри фойдаланишлари, вақтида овқатланиб, вақтида ухлашлари, ақлий ва жисмоний меҳнатни оқилона алмаштириб туришлари, жисмоний тарбия билан доим шуғулланишлари тавсия этилади. Кечқурун уйқудан олдин очиқ ҳавода бир оз сайр қилиш фойдали. Булар бош оғриғи хуружининг олдини олиб қолмасдан, балки умуман касалликдан фориг бўлишга ёрдам беради.

«ФАН ВА ТУРМУШ»ГА МУКОФОТ

Душанбе шаҳридан хушxabар келди. Урта Осие жумҳуриятлари ойномаларининг матбаа безалиши бўйича бўлиб ўтган конкурсида «Фан ва турмуш» 2-ўринни эгаллади.

Маълумки, нашр бебағи унинг мазмунига мос равишда амалга оширилганда таъсир кучи янада ошади. Таклиф қилинаётган гоё, мазмун, фикрнинг ойнома бебағи ёрдами билан акс этишида тажрибали мусаввир УСТА ВАЛИ ва сураткашимиз СЕРГЕЙ ДОВИДОВ номини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Биз ўз фаолиятимизда сиз, муштарийлардан келаётган хат-xабарлардан ҳам кенг фойдаланаётганимиз маълум. Демак, ойноманинг бу ютуғида сизнинг ҳам маълум даражада ҳиссангиз бу. Ушбу маънода муштарийларимизни қўтлаб қоламиз.



Давоми. Боши 26-бетда.

шатли оғриқни ҳис қилдим ва кенжа ўғилчам «Ойижонимни қайтариб бер, худо! Ойижонимни қайтариб бер, худо!» деб чинқираётганини эшитдим...

Гоҳо реаниматологларнинг ўзи ҳайратда қоладиган ҳолат бу. Уларнинг ўзи умид узиб қўйган бир пайтда мурданинг ҳеч бир сабабсиз у дунёдан қайтиб келиши эди бу... Дунёнинг турли чеккаларида у дунёдан қайтиб келаётган юзлаб, минглаб одамларнинг ҳикояси ҳам айнан шундай...

Баъзи тажрибалар дуо ҳатто ўзга олам одамлари таъсиридан ҳам сақаб қолишини кўрсатмоқда. Масалан, 1989 йил машҳур «М. учбурчаги»да ўзга дунёликлар билан учрашувда қатнашган экспедиция аъзоларидан бири В. Синицин ўзи билган дуоларни ўқийверганидан кейин ўзга дунёликларнинг салбий таъсиридан халос бўлгани ҳақида ёзади.

Дуо полтергейст ҳодисасини тўхтатиши эса кўпчиликка маълум. Матбуотда, махсус нашрларда бу ҳақда кўп ёзилапти. Чунки бу масалага қарашда дин билан фаннинг фикри бир жойдан чиқиб қолди. Биознергонформатика соҳасидаги олимлар полтергейстни ҳаётнинг майдон

кўринишидаги ва салбий кучларга хизмат қилувчи мавжудотларнинг иши деб аташмоқда. Дин эса тўғридан-тўғри «инс-жинслар ўйини» дейди. Ҳар қалай, дуо ўқиш бу ҳодисани тўхтатиши бутун дунёда исботланмоқда. Хусусан, «Фан ва турмуш» Тошкентда полтергейстни тўхтатиш бўйича ўтказган баъзи тажрибаларда Урта Осие мусулмонлари Диний бошқармаси вакиллари ҳам иштирок этди.

Дуо орқали табиатга таъсир ўтказиш — ёмғир ёғдириш ва тўхтатиш ҳодисаси эса далилларга бой катта мавзу эканидан алоҳида ҳикоя қилишга арзийди. Лекин табиатдаги ҳар қандай куч каби дуодан ёвуз ниятда фойдаланиш ҳам мумкин. Кишиларнинг орасини совутиш [иситининг ўзи бўлса қанийди!], кўз тегиши [ёмон илтижо], бировга бирон нарса орқали ёки масофадан туриб зарар етказиш, касалликка учратиш ва ҳатто ўлдириб юбориш шу жумладан. Бироқ бу мавзу ҳам алоҳида ҳикоя қилишга арзийди. Фақат... дастлабки навбатда дуонинг ижобий жиҳатларини кўрсатгиси келади одамнинг. Илло, табиатдаги ҳар қандай куч каби дуонинг кучидан ҳам ёлғиз эзгу мақсадларда фойдаланиш насиб этсин ҳар кимга.

(Давоми бор)

КАРАТЭ-ДО



(Давоми. Боши ўтган сонда)

XX асрнинг бошларига келиб, каратэ Рюкю тизма ороллари-дан четга чиқиб, аввалига Япония, сўнгра бошқа мамлакатларга ёйила бошлагач, у япон миллатининг ажралмас мулки, деб эълон қилинди. Гарчи каратэ техникаси Хитой, Қурия ва Вьетнам жанговар ўйинлариникига тортиб турса-да, бироқ тарғибот воситалари зўр бериб унинг ватани Япония эканлиги, ноилоҳ ҳолларда эса Окинава ороли деб ёзишдан толиқишмасди.

Чунончи, замонавий каратэ усталари руҳий таянч истаб шараф (гири) ва инсонпарварлик (ниндзё) ҳиссиётларининг муштараклигини намойиш этувчи Бусидо ғоясига мурожаат этдилар ва қўшимча равишда ҳарёқлама уйғунлик ҳамда инсоннинг табиат билан қўшилиб кетиш интилишларидан кенг фойдалана билдилар. Бироқ замонавий каратэ ахлоқининг ҳақиқий таянчи эса шахснинг ижтимоий фаолияти хусусидаги таълимот бўлиб қолаверди.

Мэйдзи даврида (асримизнинг бошларида) умумҳарбий мажбурий хизмат жорий этилиши билан бирга ҳукумат томонидан ўрта мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланишларига аҳамият берилди. 1902 йили Окинавадаги биринчи ўрта мактаб ва муаллимлик ўқув юртида каратэ тажриба тарихида ўқув дастурига киритилди. Лекин, ҳадемай рус-япон уруши бошланиб кетди ва у ҳарбийлар ичида кэмпо машқларининг имкониятларини очиб берди.

«1905—1906 йилларда, рус-япон уруши тугаши биланоқ, — деб ёзади ўз эсдаликларига Фунакоси Гитин, — мен бир гуруҳ ўртоқларимни Окинавада олмавий машқлар билан чиқиш қилишга кўндирдим. Бу каратэ ўйинларининг халқ олдига дастлабки намойиши эди». 1912 йили Фунакоси, Мабунни, Кяму, Гусукама, Огосуку, Токумура, Исикава, Яхикулардан иборат ташаббускор гуруҳ оролнинг Сюри ва Нахи шаҳарларидаги йирик спорт залларида каратэ ўйинларини муттасил кўрсата бошладилар. 1916 йилда Фунакоси Токиодаги Ҳарбий ахлоқ саройи (Бутоку — дэн)га таклиф этилади. Бу кунлар каратэ усталарининг пойтахтдаги энг муваффақиятли чиқишлари сифатида тарихда қолди.

Тахт вориси, кейинчалик эса ҳоқон Хирохито каратэ усталари учун иложи борица имкониятлар яратиб берди ва натижада Фунакоси уч жылдик «Рюкю кэмпо-каратэ» асарини ёзиб тугатди. Бироқ ўша йили бўлиб ўтган зилзила вайроналари остида қўлёзма йўқолди. Фунакоси ўз асарини қайтадан ёзишга мажбур бўлди.

Хирохито тахтни эгаллагач, Фунакоси хизматларини муносиб баҳолади. Фунакоси бу ерда машҳур кэмпо усталари Кано Дзигиро ва Накаяма Хакудолар билан дўстлашди. Шундан кейин у Токиода қолиб бир неча шоғирдлари билан каратэни тарғиб қилишга астойдил киришди. 1924 йили Кэйо дорилфунунда дастлабки каратэ клуби очилди. Шу тариқа каратэ халқ оммаси ичига кириб борди.

Фунакосининг саъй-ҳаракатлари билан Сёто-кан мактаби усуллари замонавий каратэ-до тарихида қарор топди. Бироқ Фунакоси муттасил амалий ижод мобайнида ўғли Еситака билан ҳамкорликда эски Окинава усулларини қатор янгилар билан бойитди ва уни чинакам спорт даражасига кўтарди.

Фунакосининг барча издошлари Сёто-кан мактабининг муқад-

дас қонунларига амал қилишлари зарур ҳисобланарди. Яъни: — «Инсон табиатининг камолотга етиши учун интилиш;

- ҳаққоният йўлидан бориш ва уни ҳимоя этиш;
- ўзида меҳнатсеварлик ва тиришқоқликни тарбиялаш;
- ҳурмат-одобни жойига қўйиш;
- тажовузкорликдан тийилиш».

Фунакоси пойтахтда ўз издошлари сафини орттира бориб «Биринчи ўстоз», деган энг ҳурматли номга сазовор бўлди.

1926 йили машҳур кэмпо устаси Мабунни Кэнва Осака шаҳрида Сёто-канга ўхшаш Сито-рю мактабига асос солди.

1939 йили эса спорт тибби;ти мутахассиси Оцука Хировори замонавий каратэнинг яна бир янги, Вадо-рю мактабининг яратди. Вадо-рю мактаби ниҳоятда тежамкор техникасининг юмшоқ қайтишлар ва тўсиқлар, кескин ва ўткир зарбалар ила мувофиқлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Ундаги зарбалар кучи бел ва бўкса айланишлари ҳисобига ортиб боради. Бироқ Вадо-рю йўналишини эгаллаш учун каталар сонини муттасил ошириб боришга тўғри келади.

Фунакосига тенг келадиган каратэ билимдонларидан Мабунни бундай деб ёзади: «Каратэ учун энг зарури расмий машқлар, яъни каталардир. Уларда ҳужум ва ҳимоянинг барча шакллари мужассам толган. Шунинг учун ҳам ката ҳаракатлари маъносини тўғри ўқиш ва ижро эта билиш керак.

Бир-иккита ката ахшилаб билиб олинса бас, ҳар қандай



одам учун етади, фақат уни ниҳоятда аниқ бажариш керак, токи ўзиники бўлиб қолсин. Каталар сенинг билим доиранинг кенгайтиришига хизмат этади ва сен уни бошқа каталар билан солиштира олсан ҳамда ўзлигинг англай берасан. Зеро, расмий машқлар хусусидаги тажрибанг ҳар қанча бой ва кенг бўлишидан қатъи назар, агар билимингни чуқурлаштирмас экансан, бирон нафи бўлмайди. Одам ҳар қанча катани билиб олгани билан такрорий машқларни маромига етказа олмаса, улар керак-сиз бўлиб қолаверди.

Қаттиқ ашёларни синдириш ҳамда спарринг (жўра машқ)ларни тўғри олиб бориш зарур. Чунки машқлар нотўғри бажарилса, улар албатта панд беради. Чинакам каратэ маҳоратини эгаллаш учун ўзини йиғиб олиб, иккинчи палласи — яка ва жўра машқлар, деган фикрда тиришқоқлик билан ўз устида ишлайвериш лозим».

Иккинчи жаҳон урушидан кейин япон каратэсида янги ва янгиланган мактаблар пайдо бўлди. Фунакоси ҳаётлик вақтидаёқ Сётокан мактаби иккига ажради. 1957 йилда Япония каратэ уюшмаси тузилди. Бу уюшма ўз навбатида Овруро, Америка ва Осиёда каратэни олмавий спорт сифатида тарғиб этишга киришди.

1969 йили Наibu Есинао янги, Санкю-кай мактабига асос солди. У каратэнинг Сюкю-кай йўналишини синчиклаб ўргана бориб Бутун япон талабалар биринчилигида уч марта галаба қозонгач, қатор йиллар мобайнида ўз билимларини мустаҳкамлади, япон ва окинава каратэсидаги мавжуд барча йўналишларнинг ютуқларини саралаб, улар асосида ўзига хос янги мактаб яратишга киришди. Санкю-кай техникасида анкидонинг энг самарали усулларидан фойдаланилади, шунингдек, у ниҳоятда чаққон ўзгаришлар, шўнғиш ва оғишларга бой.

Япон каратэ даҳоларидан ҳисобланган Мияги Тёдзюн асос солган Годзю-рю мактаби ҳам анча ўзгаришларга учради.

1931 йили Мияги Токиода машхур кэмпо устаси Ямагути Гогэн билан танишади ва улар бир умрлик дўст бўлиб қолишади. 1952 йили сихан (устози аъзам) вафот этгач, Ямагути унинг расмий вориси деб эълон қилинади.

Ямагути ёшлик чоғида ниҳоятда кучли, чаққон ва сакроғичлиги билан ажралиб тургани боис ўз ҳамкасблари орасида Мушук лақабини олишга сазовор бўлган эди.

Мияги раҳбарлиги остида бир неча йил машғулотларда қатнашиб тажриба орттиргач, у ҳарбий вазиятни кузатиш учун, маҳфий равишда Хитойга юборилди. Ямагути ўзининг кэмпо соҳасидаги техникавий билимларини оширишга кенг имкониятлар очилганидан хурсанд бўлади. Бироқ, унинг суюнчи кўлга бормайдди. Кутилмаганда япон жосуси гоминдан ҳукумати томонидан кўлга олинади. Хуллас, у ёвуз кучлар қўлида эди. Хитойликлар унга «ё тўппонча, ё ашаддий олишув»ни тақлиф этишади. У, албатта иккинчисини танлайди ва... эрта тонгда қўлларини орқасига боғлаб ҳовлига олиб чиқишади. Бу ерда кишидан бўшатиб бамбук панжарали қафасдаги оқиқан йўлбарс олдиға киритиб юборишади. Томоша кўргани дарҳол одам йиғилади. Кутилмаган меҳмонни кўрган йўлбарс бир бурчакка чекиниб, ёншиб овоз чиқариб, қулоқларини динг қилиб чўккалайди, шу сакрашга ҳезланади. Ямагути ана шу лаҳзани бой бермади, шу заҳотиёқ йиртқичга ташланди ва мушт зарбаси билан уни қулатди. Бу қадар ваҳшийликни кутмаган йўлбарс чалажон бўлиб қолди ва ўша кунёқ кўзини юмди. Ямагути эса озодликка чиқди ва ҳурмат билан ўз юртига қайтарилди. Бир ўлимдан қолган кэмпо соҳибни муттасил машқлар, тоғ-тош кезиш ҳамда ўтмишдошлари тажрибасини умумлаштириб, фикран баҳолашда давом этди.

Ўта диндор Ямагути ҳинд ва даос йоглари, шунингдек, Дзенбудда ва Синто таълимотларининг қўшиливи асосида ниҳоятда уйғун каратэ мактабини яратди.

«Қувват оқими» каталари унинг жони-дили эди: Сантин — нафас олишни тартибга солиш ва фаол медитация (жодуни жамлаш)га асосланган бўлса, Гэнсё — айлана ва нуқта тушунча-



ларини ривожлантиришга қаратилган эди. Ямагути айниқса нафас олиш (ибуки) усулларига аҳамият берарди, чунки у, ўз навбатида руҳий кўтарикиликка (кою) олиб келарди. Силлиқ ва кескин, оҳишта ва ўқдай жадал ҳаракатлар нафас ритми билан ҳамоҳанг равишда юзага келарди.

Мияги вафотидан сўнг ўз нафосатини йўқотиб, нутилла бошланган Годзё-рю мактаби Ямагутининг хизматлари туфайли яна юзага чиқди. Миягининг уч ўғли ва шогирдлари узоқ йиллар олиб борган тарғибот зое кетмади. Годзё-рю мактаби янгиланиб, АҚШ ва Оврупо мамлакатлари спортга кириб борди.

Хусусан каратэ ҳаракатини ғарб мамлакатларида кенг тарғиб қилишда Ояма Масутацу ўзига хос йўл танлади. Кэмпо билан бирмунча кеч—тўққиз ёшидан шуғуллана бошлаган Ояма бешинчи синфга ўтганида биринчи дан соҳиб бўлди. 1943 йили Токиодаги Мустаамлана илмгоҳига ўқишга киргач Годзё-рю мактаби бўйича тўртинчи дан соҳиб, дея тан олинди. Уруш тугаши арафасида унинг спорт каратэси соҳасидаги доврўғи ниҳоятда баланд эди. Бироқ у бошқача йўл тутди. Минобэ тоғига чиқиб, бир йил мобайнида эрта тонгдан то оқшом қадар муттасил машқ қилди. Ояма беадад куч, чидамлик ва вужуднинг энгувчанлик қобилиятини ривожлантиришга эришини мақсад қилиб қўйди. Чунки у Японияда шу вақтгача амал қилиб келаётган «чекланган» спорт каратэси усулларига чинакам жанговар кэмпони қарши қўймоқчи эди. Ояма 1947 йили урушдан кейинги дастлабки Бутуняпон жанговар санъатлар биринчилигида барча рақибларини мағлуб эта олди ва чемпионлик шохсўпасига қўтарилди.

Тоғдаги бир йил умри давомида Ояма амал қилган муайян тартибни ўз шогирдларига ҳам тавсия этди:

- Эрталаб соат 4 да: Уйқудан турниш. Кўзни юмиб медитация қилиш — 10 дақиқа; Тоғда югуриш — 2 соат;
- Эталаб соат 7 да: — Овқат тайёрлаш;
- Эрталаб соат 8 да: — Нонушта ва тушликни қўшиб овқатланиш.

Эрталаб соат 9 да: — Машғулот бошланади. 5 та машқдан иборат мажмуа ўн карра бажарилади:

- 1) 60 килолик штангани 20 марта кўтариш;
- 2) қўлга таяниб гавдани 20 марта кўтариб тушириш;
- 3) Оёқни осмонга қилиб, қўлга таяниб, гавдани 20 марта кўтариб тушириш;
- 4) дарахт шохига 20 марта осилиб тортилиш;
- 5) Макиварига чап ва ўнг томондан 20 мартадан зарб бериш; Ҳар бир мажмуа бажариб бўлингач, нафас олиш машқлари амалга оширилади, сўнгра дарҳол навбатдаги мажмуа бажарилишига киришилади. Лекин охириги бажариладиган мажмуадан сўнг, албатта соат 11 гача дам олинади. Шундай қилиб,

соат 11 да — Ката бажарилади.

Бунда ҳар куни биронта ката 100 марта такрорланади. Масалан, биринчи куни Хейан-1, эртасига Хейан-2 ва ҳоказо. Хейандаги бешта мажмуа тугагач, улар тескари тартибда такрорланади. Бошқа каталар ҳам шу тариқа адо этилади.

Кундуз соат 2 да—Оғир жисмлар кўтарилади, 60 килолик штанга 20 мартаба кўтарилади, сўнгра оғирлиги ошириб борилади. Қўлга таяниб гавда 1000 марта кўтариб туширилади: 200 марта икки бармоқда, 200 марта уч бармоқда, 200 марта тўрт бармоқда, 400 марта беш бармоқда таяниб кўтарилинади. Ҳар бир мажмуа олдидан қисқача танаффус қилинади Баъзан хилма-хиллик учун гавда муштга таяниб, 1000 марта кўтариб туширилади, бу машқлар иккига бўлиб бажарилади,

Кундузги соат 3 да—Жўра машқ усуллари ишланади: макивари машқлари, арқонга осилиш, ўпкани чиниқтириш машқлари (200 марта), тошлар синдирилади;

Оқшом соат 5 да — Овқатланиш;

Оқшом соат 6 да — Медитация бажарилиб, уйқуга ётилади.

Худди шу тартиб машхур кэмпо соҳиблари учун қонун саналиб, улар бир-икки йил эмас, ҳатто 20—30 йил, деярли бир умр унга риоя этганлар.

Ояма хусусида яна шуни айтиш керакки, у мамлакат биринчилигида эришган галабаси билан қониқиб туролмади. 1952 йили Ояма Америка Қўшма Штатларида ўз маҳоратини намойиш қилганида бутун Америка унга тан берди, рўзнома ва ойномалар, ойнаижаҳону овознигор унинг номини ғарб оламига машхур қилиб юборди. Ояма бойиб кетди ва энди ўз мактабини очиб хусусида ўйлай бошлади.

Японияга қайтгач, Ояма ўз каратэ мактаби — Кёкусан-кай (Чин ҳақиқат жамияти)ни таъсис этиб, уни ўзига қадар бўлган кэмпо йўналишлари ва оқимларига қарши қўйди. Ҳозирги кунда Кёкусан-кай федерацияси ўнлаб мамлакатларда юз минглаб аъзоларига эга. Бу ҳам бўлса қадимий кэмпо (каратэ) анъаналарини давом эттиришга бўлган иштиёқнинг баландлигини кўрсатади.

Ояма каратэ бобида Окинава ва бошқа япон мактаблари усуллари билан чекланмай, балки қадимий Хитой мактабларига хос усуллари ҳам тиклади. Булар барчаси ниҳоятда ажойиб туриш ҳолатларидир. Ояма каратэ устаси сифатида жуда кўп ва ғаройиб жисмоний машқлар, хатти-ҳаракатларини тавсия этади:

- шולי похolidан ишланган юпқа қоғозни иккита ипга осиб қўйиб, мушт ва бармоқлар билан тешиб юбориш;
- арқонга осилган тахтани [ёхуд ғиштни] мушт, тирсак, кафт қирраси, оёқ кафти қирраси ва оёқ таги билан турган жойдан силжмай ёхуд сакраб синдириш;
- бир неча энлик тахтадарни икки киши кўтариб турган ҳолатда оёқ ва қўл зарбаси билан, шу жумладан икки метр баландликка сакраб синдириш;
- сувли бочка ичида сузиб юрган тахтакачни синдириш;
- қўл, оёқ ва бош билан йигирма қатламга қадар черепицани синдириш;
- «қилич қўл» ёхуд «темир тўқмоқ» зарбалари билан уч тахлам ғиштни синдириб тушириш;
- қўл ва бош билан муз парчасини тешиб юбориш;
- йирик тошларни кафт қирраси билан уриб — синдириш;
- тик турган шиша идиш бўйинини учириб юбориш;
- «найза қўл» зарбаси ёрдамида зич бойланган бамбук шохларини синдириш;
- «найза қўл» зарбаси ёрдамида осиб қўйилган мол танасини тешиб юбориш.

Булар барчаси ижобий [Янь] ҳаракатлари жумласига кириб, ҳужум фаоллигини таъминлашга хизмат этади деб тушунилади. 1957 йили каратэ бўйича Бутуняпон биринчилигининг ўтказилишидан бу қадимий шарқ жанговар санъатининг ҳаёти қайта бошланди. Икки йил ўтгач Оврупо каратэ уюшмаси тузилди, 1970 йилдан эълборан Бутунжаҳон бирлашган каратэ ташкилоти (ВУКО) тузилиб каратэ ниҳоятда оммалашиб кетди.

Александр ДОЛИН,
Герман ПОПОВ.

ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ

ОВҚАТЛАНИШ маданияти дастур-хон атрофида маълум тартиб, қонда билан таом истеъмол қилишгина эмас. Овқат ҳазм қилиш аъзоларининг фаолияти ва модда алмашуви ҳақида умумий маълумотга эга бўлиш ҳамда қандай, қачон овқатланишни билиш ҳам керак. Бу бевосита саломатлик ва уни сақлаш билан боғлиқ. Инглизлар биз орттирган касалликларнинг учдан бир қисми ёмон ошпазлар томонидан, қолгани эса яхши ошпазлар туфайли келиб чиқади, деб бежиз айтмаган.

Кейинги пайтда қон босими, юрак ишемиyasi, қандли диабет, қонда холестерин моддасининг кўпайиши, атеросклероз каби турли хасталиклар овқатланиш тартиби, меъёри, сифатининг бузилиши сабабли рўй берапти. Шунингдек, ортиқча тана оғирлиги ҳам саломатликка зиён келтириши аён. Шунинг учун овқатланиш тартиби, миқдори ҳақида сўз юритишга тўғри келади. Умуман бу борада нутрициология деган махсус фан ҳам мавжуд. Ушбу фанда овқатланиш тартиби тўғрисида уч хил фикр бор. Биринчи фикрга кўра кундалик овқатнинг энг кўп қисми эрталаб истеъмол қилиниши лозим. Баъзи шифокорлар бу таклифни қўллаб-қувватласалар-да, биз бошқача фикрдамыз.

Аввало, эрталаб кучли овқат еб тўйиб олиш кишини оғир қилиб, уйқусини келтиради. Ҳазм қилиш тузилмасининг иши бузилади ва ошқозон дам бўлади. Шунини қўшимча қилиш керакки, иссиқ иқлимли ўлкаларда эрталаб иштаҳа яхши бўлмайди.

Энди буни физиологик жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қиламиз. Меъдага эрталабдан кўп миқдорда кучли овқат тушгандан кейин уни ҳазм қилиш учун ошқозон-ичак тузилмасига кўп қон оқиб боради ва у жадаллик билан ишлаш бошлайди. Ҳазм қилиш жараёни эса анча қувват сарфлайди. Шунинг учун тананинг қолган қисмларига нисбатан бу ёрда модда алмашуви кучайиб, кўплаб ферментлар, гормонлар ажралиб чиқади.

Эрталаб иштаҳаси йўқ болага мажбуран овқат едириш зарарлидир. Иштаҳасиз тановул қилинган овқат

ҳазм бўлмайди. Бундай пайтда шартли рефлектор йўли билан ҳазм ширалари жуда кам ажралади, уларнинг таркибида керакли парчаловчи ферментлар фаоллиги ниҳоятда пасайиб кетади.

Овқатланиш ҳақидаги иккинчи фикрга кўра кундалик овқат миқдорини уч маҳал тенг қисмга бўлиб истеъмол қилиш керак. Бироқ бу усул ҳам ўнчалик тўғри эмас. Турли касб эгалари турли шароитларда ишлайди ва бундай тартибга риоя қилиш қийин. Гап шундаки, ошқозон-ичак тузилмаси, биз жорий этган тартибдан қатъий назар, умумий суткалик биологик режимга мувофиқ ишлайди. Яъни, унда ҳазм шираларининг ажралиш миқдори, ферментлар фаоллиги ва бошқа хусусиятлар куннинг турли соатларида ҳар хил бўлади. Шунинг учун ишлаб чиқаришда қулайлик туғдириш мақсадида махсус белгиланган соатларда овқатланишга вужудни мослаштириш мақбул эмас. Яхшиси, вужуднинг табиий талабидан келиб чиқиб, иш тутмоқ лозим.

Охириги, учинчи фикрга келсак, унда овқатнинг асосий қисми кечки пайт (уйқудан 2—3 соат аввал) истеъмол қилиниши керак, деб ўқдирилади. Бизда ҳақиқатан худди шу тартибга риоя этилади. Олиб борилган илмий текширишлар шундай овқатланиш тартиби тўғри эканлигини кўрсатади. Биологик тартиб туфайли ошқозон-ичак йўлида ҳазм ширасининг энг кўп ажралиши кечқурун соат 6—7 ларга тўғри келар экан.

Биз ҳамма ҳам овқатнинг асосий қисмини кечқурун есин, демоқчи эмасмиз. Чунки ҳаётда турли касб эгалари ҳар хил шароитда ишлайди. Умуман, бу борада аниқ қўлланма тавсия этиб бўлмайди. Мухими шундаки, ҳар ким бир кунда 3—4 марта овқатланиши мақсадга мувофиқ. Қачон ва қанча овқатланишни эса ҳар ким ўз шахсий ҳаёти, хусусиятига қараб танлаши керак. Овқат ҳазм қилиш аъзоларининг ташқи муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларга, киши кайфиятига ҳам боғлиқлигини унутмаслик керак.

Ошқозон-ичак касалликлари сабабини аниқлаш ва даволаш шифокорларга ҳавола, аммо унинг олдини

олиш мақсадида баъзи умумбиологик ва физиологик ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Масалан, баъзи омилар (иссиқ ёки совуқ ҳарорат, зўриқиш, асабийлашиш ва ҳоказо) жараёнида ошқозон ва ичак деворларида бир қатор ўзгаришлар рўй беради. Бунда майда ярачалар пайдо бўлади, қизаради ва бошқа салбий жараёнлар рўй беради. Таъсир этаётган омилар турлича бўлса ҳам, ошқозон-ичак йўлидаги ўзгаришлар бир хил бўлади.

Овқат ҳазм бўлиши мураккаб жараён бўлиб, даставвал барча юқори молекулали моддалар парчаланиб, оддий молекулага айланиши керак ва улар шу ҳолдагина ҳазм бўлади, яъни қон ва лимфага сўрилади. Парчаланиш эса бир қатор ҳазм қилиш ферментлари иштирокида кечади, холос. Ферментлар овқат турига, миқдори ҳамда турли омилар таъсирига қараб ўз миқдори ва фаоллигини ўзгартириб туради. Бу эса овқат ҳазм бўлишида кескин ўзгаришлар келтириб чиқариши табиий.

Баъзилар вақти зиқлигидан ёки бошқа бирор сабаб билан овқатни шошиб ейишади. Бунақада овқат ошқозон шираси билан яхши аралашмайди. Оғир жисмоний меҳнат ва чарчашдан сўнг дарҳол овқатланиш ярамайди, яхшиси, 10—15 дақиқа дам олган маъқул. Бу орада ошқозон-ичак йўли керакли ҳолатга тушиб ҳазм қилишга тайёр бўлади.

Овқатланиш маданияти борасидаги тарбиянинг етарли бўлмаслиги туфайли биз бир хил озқани керагидан кўп, бошқасини эса кам истеъмол қиламиз. Табиийки, бу ҳол турли хасталикларни келтириб чиқаради.

МЕХМОНДОРЧИЛИК, овқатланиш одоби ҳақида халқимизнинг ажойиб одатлари, тарбиявий фикрлари мавжуд. Овқатланиш маданияти ҳам жамият тараққиётига кўра ривожланиш ва шаклланиши керак. Чунки, бу инсон соғлигини сақлашда, кўпгина хасталиклар олдини олиш ва даволашда муҳим омилдир.

Шониез ҚУРБОНОВ,

Қарши давлат дорилмуаллимини ўқув ишлари бўйича ректор муовини, биология фанлари доктори, профессор.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН РУз «Фан ва турмуш» («Наука и жизнь») № 11 [445] 1991 г.

Қўлёзма ва расмлар Саҳифаловчи Ҳалима УСМОН қизи қайтарилмайди Бадий муҳаррир Уста ВАЛИ

Ойномамиз мақолаларидан фойдаланилганда — «Фан ва турмуш»дан олинган деб кўрсатилиши шарт

Унвонимиз: 700000, Тошкент, ГСП(П) Гоголь кўчаси, 70-уй. Телефон 33-07-05.

Теришга 16.09.91 йилда берилди. Босишга 10.10.91 йилда рухсат этилди. Қоғоз 60×90¹/₈. Ботиқ босма. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли намуналар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5,0. Нусха 372071. Буюртма № 6062. Нашриёт № 734. Обуна нархи 60 т., чакана нархи 80 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётнинг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент шаҳри, ГСП, 700083, «Правда» газетаси кўчаси 41-уй.

С «Фан ва турмуш»



ЖУНА БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ!

«О, қанийди!» дейишига ишонамиз ҳар бир муштарий. Зотан, у «Фан ва турмуш» орқали бу ажойиб аёл қандай ғаройиб қобилиятларга эга эканлигини яхши билади.


Жуна кимлигини нафақат ўзбек ўқувчилари, балки бутун Урта Осиёга биринчи бўлиб «Фан ва турмуш» танитди. Ойноманинг 1989 йилги 3—4-сонларида берилган «Жуна Давиташвили мўъжизалари» номли мақола қўшни жумҳуриятларда ҳам жуда катта қизиқиш уйғотди. Юз минглаб муштарийларнинг ноёб қобилиятли бу одам билан яқинроқ танишишдаги истак-хоҳишларини эътиборга олиб, муҳарририят Жуна ҳузурига ўз ходимини йўллади. Уша йилнинг 9-сонидаяқ «Жуна билан учрашув» номли мақола унинг «Фан ва турмуш» муштарийларига тилаклари билан бирга эълон қилинди.

Ойнома бу савобли ишни охирига етказиш ниятидан қайтмади асло. Ўзбекистон ва қўшни жумҳуриятлардан ўнлаб ноёб қобилиятли ёшларни Жунанинг даволаш курсларида ўқиш учун йўллади. Узларидаги сеҳрли қобилиятларни очиб келган бу одамлар ҳозир халққа шифо бағишлашмоқда.

Ушанда «Фан ва турмуш» Жунанинг ўзи ҳақидаги «Қўлларимни тинглайман» номли илмий-бадий қиссасини ўзбек тилида ўқийсиз деб ваъда берганди. Мана, ваъдасининг устидан чиқди ҳам. Ойнома ташаббуси билан ўзбекчага ўгирилган бу ноёб асар «Ибн Сино» нашриётида чоп этилди.

Хўш, бу китобдан қандай фойда олиш мумкин! Авваламбор уни қаердан топиш мумкин! Бу саволларга «Жуна бўлишни хоҳлайсизми!» номли хабардан жавоб топасиз.





ЕР КУРРАСИНИНГ СОЯБОНИ

Жимитгина курраи арзимиз. Континентнинг бало-қазоларидан асровчи озон пардасида Антарктида қитъаси устида «ўпқон» ҳосил бўлди. Инсоният унинг «ямаш» борасида биринчи қарорга келгунча, «ўпқон» кенгайиб бормоқда. Бунга Ерда sanoat ривожланиши оқибатида

чиқариб ташланаётган турли чиқиндилар атмосферани иситиб юбораётгани сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги суратда: Антарктида осмонидаги озон «ўпқони» [1987 йил 5 октябрдаги ҳолати] қитъадан ҳам йирикроқ [бинафша ва пушти рангларда белгиланган]. Гарчи «ўпқон» парник эффекти сабабли росмана вужудга келмаган бўлса ҳам, табиий жараёнларнинг бузилиши оқибатида жуда улкан ўлчамга эга.

ФАН ВА ТУРМУШ

ISSN 0134-4560 ИНДЕКС 75421

Чакана нархи 80 тийин
Обуна нархи 60 тийин

Пастдаги суратларда: компьютер яратган Ернинг иккала тасвирида атмосферадаги карбонат ангидрид газининг ҳозирги даражаси, ундаги суратда эса икки марта оширилган даражаси акс этган.

Ер атмосфераси иситиб борапти. Қийинчилик учун мисоллар келтирайлик.

Сўнгги 10 000 йил мобайнида Ер курраси ҳарорати бор-йўғи 1—2 даража кўтарилган, холос.

Нью-Йоркдан Чикаго шаҳригача бўлган ҳудудни 1,5 километр қалинликда муз қоплаган сўнгги музлик даврида ҳаво ҳарорати ҳозиргидан атиги 5 даража паст эди.

Ерда ҳавонинг ҳозирги ўртача ҳарорати меъёрдагидан 1,5—4,5 даража юқори.

XIX асда sanoat илдам ривожлана бошлаганидан буён атмосферада карбонат ангидрид миқдори—25, метан газининг эса 100 фоизга кўпайди. Шунингдек, хлорфтор—углеродлар—иссиқликни тўтиб қолиб, озон қатламини заифлаштирувчи сунъий модда пайдо бўлишига ҳам инсоннинг ҳужалик фаолияти айбдор.

Ваҳоланки, сўнгги музлик даврида атмосферада карбонат ангидрид миқдори ҳозиргига нисбатан—25, метан миқдори эса 50 фоиз кам эди.

Ер куррасини «иссиқ ўлим»дан сақлаб қолиш учун ўнлаб миллиард доллар сарфлаш керак дейишмоқда олимлар. Бу борада давлатлар келиша олармикан! ЕКИ...

